

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Fil.113.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

уЎК 821.512.133.09-93(092)

ЛУТФУЛЛАЕВ ЖАХОНГИР АМИРОВИЧ

**ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИ РОМАНЧИЛИГИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ
ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ХУДОЙБЕРДИ ТЎХТАБОЕВ ИЖОДИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)

илмий даражасини олиш учун тайёрланган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: Баракаев Раҳматулла

филология фанлари номзоди, профессор

Жиззах – 2022

МУНДАРИЖА

| | |
|---|------------|
| КИРИШ | 3 |
| I БОБ. Ўзбек болалар адабиётида роман жанрининг майдонга келиш хусусиятлари | 14 |
| 1.1. §. Ўзбек болалар адабиётида роман жанрининг майдонга келиши омиллари | 14 |
| 1.2. §. Х.Тўхтабоевнинг “Сарик девни миниб” ва “Сарик девнинг ўлими” романлари – ўзбек болалар адабиётида саргузашт-роман жанри намуналари сифатида | 25 |
| 1.3. §. “Сарик девни миниб” ва “Сарик девнинг ўлими” романларида анъанавийлик ва бадий маҳорат | 37 |
| Боб бўйича хулосалар | 63 |
| II БОБ. “Қасоскорнинг олтин боши”, “Беш болали йигитча” ва “Жаннати одамлар” романларининг жанр хусусиятлари | 65 |
| 2.1. §. “Беш болали йигитча” романида биографик талқин ва тасвир .. | 65 |
| 2.2. §. “Қасоскорнинг олтин боши” романида тарихийлик ва бадий тўқима | 73 |
| 2.3. §. “Жаннати одамлар” романи автобиографик асар сифатида | 87 |
| Боб бўйича хулосалар | 98 |
| III БОБ. “Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги”, “Мунгли кўзлар” ва “Қуёнлар мамлакатининг шаҳаншоҳи” романларида мавзу ва талқин ўзига хослиги | 100 |
| 3.1. §. “Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги” романида бадий фантастика ва ҳаёт ҳақиқати | 100 |
| 3.2. §. “Мунгли кўзлар” романининг мавзу кўлами ва тасвир услуби .. | 114 |
| 3.3. §. “Қуёнлар мамлакатининг шаҳаншоҳи” романи истиқлол даврида янги дунёқарашнинг ўзига хос инъикоси сифатида | 124 |
| Боб бўйича хулосалар | 133 |
| УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР | 136 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати | 138 |

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё адабиётшунослигида болалар адабиёти насри ва шеърятининг жанрий такомилени тадқиқ этиш борасида сезиларли натижаларга эришилган. Бу борада турли халқлар болалар адабиётида романчилик тараққиётининг ўзига хосликларини алоҳида йўналишлар аспектида тадқиқ этиш алоҳида ўрин тутди. Хусусан, жаҳон адабиётида саргузашт-фантастик, тарихий ва биографик йўналишларда яратилган кўплаб романлар, аввало, миллий адабиёт ривожининг ўзига хосликларини кўрсатишга хизмат қилса, уларнинг ўзга халқлар адабиётларида айна шундай жанрларга мансуб асарлар яратилишига таъсири ҳам шу қадар эътиборга сазовордир.

Жаҳон адабиётшунослигида турлар ва жанрлар тараққиёти ҳамда янгилашиши ўзига хосликларини турли йўналишлар, жумладан, болалар адабиёти нуқтаи назаридан тадқиқ этиш муҳим назарий аҳамият касб этади. Чунки муайян бир халқ адабиётида бирор бир тур ёки жанр пайдо бўлишининг объектив ва субъектив сабаблари, унга таъсир қилган омиллар, ушбу тур ёки жанр такомиллида ижтимоий ҳаётнинг ўрни деярли ҳар бир ҳолатда индивидуал хусусиятга эга бўлиб, миллий адабиётларни ушбу нуқтаи назардан ўрганиш улар тараққиётининг алоҳида ўзига хосликларини белгилашга хизмат қилади. Бу борада кейинги даврларда деярли барча халқлар адабиётларида ўзининг тобора мустақкам ўрнини эгаллаб бораётган, ёш авлод маънавий камолотида алоҳида ўрин тутадиган болалар адабиётида романчилик жанрий такомилени ўрганиш зарурати ҳам муҳим илмий-назарий аҳамият касб этади.

Ўзбек адабиётшунослигида роман жанрининг турли-туман ўзига хосликлари, тараққиёт босқичлари ва жанрий такомилени ўрганиш борасида салмоқли натижаларга эришилган. Бироқ бу эътирофни болалар адабиёти романчилигига ҳам тўлалигича татбиқ этиб бўлмайди. Чунки болалар

адабиётимиз умумадабиётнинг ажралмас таркибий қисми сифатида кейинги даврда тобора барча турлар ва жанрларни камраб олаётган экан, ушбу йўналишларнинг ҳар бирида болалар адабиётигагина тегишли бўлган ўзига хосликлар мавжудлиги, айниқса, ёш авлод маънавий камолотида болалар адабиётининг тутган беқиёс аҳамияти дунё илмий жамоатчилиги томонидан эътироф этилган илмий ҳақиқатлар эканини ҳам эътироф этиш жоиздир. “Бундан юз йил муқаддам буюк ўзбек шоири Абдулҳамид Сулаймон ўғли – Чўлпон “Адабиёт яшаса, миллат яшар!” деган оташин даъват билан майдонга чиққан эди. Ҳаёт ва тарих синовларидан ўтган теран маъноли бу сўзлар бугун ҳам ўз аҳамияти ва қимматини йўқотган эмас. Дарҳақиқат, адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди”¹. Ёш авлодни китобга муҳаббат руҳида тарбиялаш билан китобхонлик маданиятини шакллантириш жамиятимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан саналар экан, бинобарин, болалар адабиётини, ёш китобхонлар қалбидан чуқур жой олган асарларни ўрганиш, таҳлил ва тадқиқ этиш адабиётшуносликнинг зарурий ва ҳамиша долзарб муаммоларидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ва тарғиб қилиш бўйича

¹Мирзиёев Ш. Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди. www.xabar.uz. 07.08.2018. (Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро микёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига табрик нутқидан)

комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2894-сон “Алишер Навоий номидаги Миллий боғда Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги қарорлари, 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-576-сон “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонун ва ушбу соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Романчиликнинг тараққиёт тамойиллари муаммоси тадқиқи бўйича жаҳонда, МДХ ҳамда туркий халқлар адабиётшунослигида, шунингдек, ўзбек адабиётшунослигида ҳам муайян тажрибалар тўпланган, назарий тадқиқотлар амалга оширилган. Ўзбек романчилиги ҳақида И.Султонов, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Мирвалиев, У.Норматов, Ҳ.Умуров, И.Мирзаев, Б.Назаров, Н.Каримов, Б.Саримсоқов, А.Расулов, Й.Солижонов, Ҳ.Болтабоев, Т.Жўраев, Д.Тўраев, С.Мелиев, З.Пардаева, У.Жўрақулов, И.Якубов, Д.Қурононов, Ш.Дониярова сингари адабиётшуносларнинг салмоқли тадқиқотлари мавжуд².

²Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – 408 б.; Қўшжонов М. Ўзбек романчилигининг ривожланиш босқичлари ва жанр хусусиятлари / Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 299-382; Шарафиддинов О. Ҳаёт билан ҳамнафас. – Тошкент: Ёш гвардия, 1983. – 216 б.; Мирвалиев С. Ўзбек романи. – Тошкент: Фан, 1969; Норматов У. Насримиз тамойиллари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978; Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент: Маънавият, 2000; Мирзаев И. Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси. – Тошкент: Фан, 1977; ўша муаллиф. Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услубий ранг-баранглиги. – Тошкент: Фан, 1983; Назаров Б. Бу сеҳрли дунё. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – 176 б.; Каримов Н. Ойбек. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985; Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: 2004; Расулов А. Бадийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 76 б.; Солижонов Й. Нутқ ва услуб. – Тошкент: Чўлпон, 2002; Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. – Тошкент: Фан, 1992; Жўраев Т. Онг оқими ва тасвирийлик. – Тошкент: Фан, 1994; Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек романларида бадий тафаккур ва маҳорат муаммоси (60-80-йиллар): Филол.фан.д-ри ... дисс.авторреф. – Тошкент, 1994; ўша муаллиф. Давр ва ижод масъулияти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004; Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романларининг тараққиёт тамойиллари: Филол.фан.д-ри ... дисс. – Тошкент: 2003; У.Жўрақулов Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006; У.Жўрақулов Назарий поэтика масалалари: Муаллиф.

Алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек болалар романчилиги тараққиёти бевосита Х.Тўхтабоев ижоди билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги учун ёзувчи романлари ҳар доим адабиётшунослигимиз диққат марказида бўлган. Таниқли адабиётшунос олим, профессор У.Норматов ҳамюрти, ҳамфикри, тенгдоши Х.Тўхтабоев ижодига бағишланган алоҳида китоб ёзган бўлса³, ёзувчининг деярли ҳар бир романи ҳақида ҳамкасблар бўлмиш адиблар ҳам, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, А.Расулов, И.Ғофуров, Р.Иноғомов, Ё.Солижонов, Н.Худойберганов, Ҳ.Каримов каби таниқли олим ва тадқиқотчилар ҳам ўз вақтидаёқ турли нуқтаи назардан фикрлар билдирганлар⁴. У.Мусаева, Ф.Жўраева, Р.Тўлабоева, Н.Ярашоваларнинг диссертацион тадқиқотларида Х.Тўхтабоев романларининг айрим жиҳатлари таҳлилга тортилган⁵. Аммо ўзбек болалар адабиёти романчилигининг

Жанр. Хронотоп. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2015; Якубов И. Мустақиллик даври романлари поэтикаси: Филол.фан.д-ри ... дисс.автор. – Тошкент, 2018; Куронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: Шарқ, 2004; Дониярова Ш. Истиқлол даври ўзбек романларида миллий руҳ ва қахрамон муаммоси: Филол.фан.д-ри ... дисс. – Тошкент: 2012 ва б.

³ Норматов У. Саргузашт сардори (Худойберди Тўхтабоев ҳаёти, шахсияти ва ижодига бир назар, ёзувчи билан суҳбатлар). – Тошкент: Адиб, 2012. – 112 б.

⁴ Газета ва журналларда турли йилларда чоп этилган ёки ёзувчи асарларида сўзбошилар тарзида берилган ушбу мақолалар ҳамда мухбирлар билан суҳбатларнинг деярли барчаси “Дунёга танилган адиб. Худойберди Тўхтабоев замондошлари наздида. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2012” тўпламига жамлангани сабабли куйида мақола номи, саҳифаси ва чоп этилган йилини келтириш билан чекланамиз: Саид Аҳмад. Истеъдоднинг олмос қирраси (2000). – Б. 7-13; Қодиров П. Ботирларга ўлим йўқ (1981). – Б. 13-15; Шарафиддинов О. Ботирларнинг умри боқий (1981). – Б. 16-26; Қўшжонов М. Ўзига хос ижод соҳиби (1983). – Б. 27-32; Мамажонов С. Ҳошимжоннинг дунё бўйлаб саёҳати (1980). – Б. 33-37; Ҳаким Назир. Севимли болалар ёзувчиси (1972). – Б. 37-39; Мадаев О. “Ширин қовунлар мамлакати”даги аччиқ ҳақиқат (1983). – Б. 39-44; Расулов А. Ғаройиб салтанат (2008). – Б. 46-51; Ғафуров И. Ёзувчи Худойберди Тўхтабоевнинг “Танланган асарлар” китобига битик (2006). – Б. 52-54; Ғафуров И. Худойберди Тўхтабоевнинг “Мунгли кўзлар” саргузашт-романи ҳақида (2007). – Б. 54-56; Ҳошимов Ў. Болалар қалбининг сеҳргари (2012). – Б. 57-58; Иноғомов Р. Балоғат сари (1974). – Б. 58-60; Анвар Обиджон. Ўйла! Изла! Топ! (2012). – Б. 62-66; Солижонов Ё. Бадий асарда ҳикоячи-ровий образи (2012). – Б. 82-88; Каримов Ҳ. Мардлар билан гўзал бу дунё (1982). – Б. 88-91; Иброҳимова Р. Орзулар қанотида (1974). – Б. 92-93; Сатторов М. Намоз полвон ҳақида кўшиқ (1981). – Б. 98-100; Назирова О. Орифжон ва унинг укалари (1976). – Б. 100-103; Муродова Ш. Намоз ботир (2000). – Б. 103-107; Саргузашт ташвишлари (Танқидчи У.Норматов билан суҳбат, 1977). – Б. 109-122; Болаларнинг севимли ёзувчиси (М.Пирматов билан суҳбат, 1971). – Б. 122-125; “Китобингни эл ўқисин” (Хуршид Дўстмуҳаммад билан суҳбат, 1992). – Б. 125-134; Худойберди Тўхтабоев: “Менинг улфатларим – болалар” (Д.Раҳматуллаев билан суҳбат, 2006). – Б. 134-146; Миллатнинг ривожига маърифат ривожига боғлиқ (М.Валиева билан суҳбат). – Б. 146-153; Лиханов А. Добро с горьким вкусом (1979)). – Б. 165-166; Полетаев С. Волшебная шапка Хашима (журнал “Детская литература”, декабрь, 1972). – Б. 167-168; Васюченко И. Испытание чудом (журнал “Детская литература”, февраль, 1987). – Б. 169; Шермухамедов П. Х.Тухтабаев. Многодетный паренек (“Литературное обозрение”, 7 июля 1976). – Б. 170-171.

⁵ Мусаева У.Д. Худойберди Тўхтабоев романларининг сюжет ва конфликт хусусиятлари: Филол.фан.номз. ... дисс. – Тошкент, 1997; Жўраева Ф.Ё. Типологик образларнинг қиёсий таҳлили (Л.Толстойнинг “Ҳожимурод” ва Худойберди Тўхтабоевнинг “Қасоскорнинг олтин боши” асари мисолида): Филол.фан.д-ри ... дисс. – Тошкент, 2000; Тулабаева Р.С. Худойберди Тўхтабоев романларида бадий психологизм: Филол.фан.бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2019; Ярашова Н.Ж. XXI аср ўзбек болалар

тараққиёт тамойиллари ва унда Худойберди Тўхтабоев ижодининг ўрни муаммоси тадқиқот объекти бўлган эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Жиззах давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2-сон “Ўзбек адабиёти, адабий танқиди тарихи ва бадиий маҳорат масалалари” (2017-2021) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек болалар адабиётида роман жанрининг майдонга келиш хусусиятлари, тараққиёт тамойиллари ва унда Худойберди Тўхтабоев ижодининг ўрнини аниқлаш, ёзувчининг адабий анъанага ижодий ёндашув йўсини ва услубий индивидуаллигини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек болалар романчилигининг жаҳон адабиёти ижодий анъаналарини ўзлаштириши ҳамда юзага келиши ва шаклланиш жараёни, тараққиёт тамойилларини белгилаш, шунингдек, Х.Тўхтабоев ижодининг ўзбек болалар насри тараққиётидаги ижодий ўрни, сюжет ва характер яратиш услуби, хусусан, болалар романчилигида муаллиф маҳоратини очиб бериш; “Сарик девни миниб” ва “Сарик девнинг ўлими” романлари ўзбек болалар адабиётида саргузашт-роман жанрининг муваффақиятли намуналари эканлигини қиёсий таҳлиллар асосида ёритиб бериш;

“Қасоскорнинг олтин боши” романи XX аср бошларида Самарқанд худудида Чор Россияси босқинчиларига қарши курашга бошчилик қилган тарихий шахс – Намоз Пиримкулов ҳақидаги архив материалларига асосланган ҳолда яратилган ўзбек болалар адабиётидаги илк тарихий роман эканлигини тарихий ҳақиқатнинг бадиий ҳақиқатга айланиши мисолида кўрсатиб бериш;

“Беш болали йигитча” романида Иккинчи жаҳон уруши даврида халқи–миз бошига тушган мусибат ва кулфатларнинг ота-онасидан ажралиб етим қолган олти бола тақдири ҳамда катта ўғил бўлмиш Орифнинг оила чироғини ўчирмаслик йўлидаги машаққатлардан иборат ҳаёт йўли мисолидаги тасвирларини тарихийлик ва бадиий тўқима нуқтаи назаридан асослаш; Х.Тўхтабоевнинг ўз машаққатли болалигини эслаш асосида яратилган “Жаннати одамлар” романини биографик асар намунаси сифатида белгилаш;

“Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги” романида бадиий фантастика ва ҳаёт ҳақиқати муаммосининг янгича талқини мисолида ёзувчи ижодида анъанавийлик ва бадиий маҳорат ўзига хослигини ёритиб бериш;

“Мунгли кўзлар” романининг мавзу кўлами ва тасвир услубининг ўзига хос жиҳатларини асар яратилган давр нуқтаи назаридан ёритиб бериш;

“Қуёнлар салтанатининг шаҳаншоҳи” романи Х.Тўхтабоев ижодида мустақиллик даври талаблари асосида ўсмирлар характерида рўй берган янгича дунёқараш, яъни тадбиркорлик тасвирига бағишланган янги босқич эканлигини кўрсатиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Х.Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб”, “Сариқ девнинг ўлими”, “Қасоскорнинг олтин боши”, “Беш болали йигитча”, “Жаннати одамлар”, “Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги”, “Мунгли кўзлар”, “Қуёнлар салтанатининг шаҳаншоҳи” романлари, шунингдек, адибнинг айрим ҳикоя ва қиссалари танланган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек болалар романчилиги тараққиётидаги ўзига хосликлар миллий-адабий анъана, ижодий ўзлаштириш, ижодкор индивидуаллиги ва жаҳон болалар насри таъсирида пайдо бўлган поэтик ўзгаришлар саргузашт-фантастик, тарихий ва биографик йўналишлардаги романларда намоён бўлишини Х.Тўхтабоев романлари мисолида тадқиқ этиш ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, аналитик ва биографик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Худойберди Тўхтабоев ўзбек болалар романчилигининг мавзу доирасини мутлақо янгилаб ва кенгайтириб, айниқса, ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга айлантирилиши нуқтаи назаридан замонавий ўзбек болалар романчилигини янги поғонага кўтаргани асослаб берилган;

ёзувчининг халқ оғзаки ижодидан ижодий фойдаланиш маҳорати, адабий қаҳрамон яратиш ва характерлар руҳиятини бадиий далиллаш йўсини, қаҳрамонларга ҳиссий таъсир этадиган табиат манзаралари антитеза принципида берилганлиги, портретга хос характеристикаларда хатти-харакат, ички динамика кузатилиши, қаҳрамонлардаги “ички фаоллик”ка катта эътибор берилгани далилланган;

Худойберди Тўхтабоев ижодида анъанавийлик ва бадиий маҳорат муаммоси саргузашт асарларида халқ оғзаки ижодидаги сеҳрли буюм, яъни сеҳрли қалпоқчадан фойдаланишда намоён бўлиши, “Ширин қовунлар мамлакатада” романида унинг ёнига мутлақо қутилмаган янги буюм, яъни сеҳрли бурун қўшилишида янада янги ҳолатда акс этиши, “Қасоскорнинг олтин боши” романида бахшиларнинг Намоз ботирга бағишланган термаларида, “Жаннати одамлар”да “энамнинг эртаги”, “бувимнинг эртаги”, “бобомнинг ривояти” тарзида халқ эртаклари ва ривоятларини асар мавзусига мос тарзда қайта ишлашида ёрқин намоён бўлиши асосланган;

Х.Тўхтабоев ўзбек болалар романчилигини саргузашт, фантастик ва детектив элементлари уйғунлашган ҳолдаги янги йўналиш билан бойитгани, болалар адабиётимизга тарихий ва биографик роман йўналишларини олиб киргани далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек болалар адабиётида роман жанрининг шаклланиш омиллари, роман жанрининг поэтик қонуниятлари ва психологик лавҳаларнинг бадиий яхлитликда тутадиган ўрни ва аҳамияти композицион узвийликда ҳамда умумназарий моҳияти ретроспектив йўсинда асослаб берилган;

Ўзбек болалар адабиёти романчилигининг тараққиёт тамойиллари болалар адабиёти умуми адабиётнинг ажралмас таркибий қисми сифатида барча турлар ва жанрларни қамраб олишини ҳисобга олиб, ушбу йўналишларнинг ҳар бирида болалар адабиётигагина хос бўлган хусусиятлар мавжудлиги нуқтаи назаридан ёндашилган;

Ўзбек болалар адабиёти романчилигининг тараққиёт тамойиллари шаклланишида Х.Тўхтабоев ижоди муҳим ўрин тутиши ижодкорнинг саргузашт-фантастик, тарихий ва биографик йўналишлардаги романлари таҳлили ва тадқиқи асосида далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ кўйилганлиги, Х.Тўхтабоев ва бошқа ижодкорлар асарларининг тадқиқот предметига мувофиқлиги, илмий-назарий хулосалар биографик, герменевтик ва қиёсий таҳлил усуллари орқали асослангани, ишончли илмий-адабий манбалар, интернет маълумотларидан ҳам фойдаланилгани, тадқиқотнинг натижалари, тавсиялари амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган концептуал ғоялар “Адабиётшуносликка кириш”, “Ўзбек болалар адабиёти”, “Адабиётшунослик назарияси”, “Бадиий таҳлил асослари” ва “Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи” фанлари бўйича ўтказиладиган тадқиқотлар ҳамда методологик ёндашувларни такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда баён қилинган ёндашувлар ҳамда хулосалардан ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек болалар адабиёти ва адабиёт назарияси фанлари бўйича дарслик ва ўқув кўлланмалари тайёрлаш, маърузалар ўқиш, шунингдек, ўзбек болалар адабиёти романчилиги бўйича машғулотлар олиб боришда, жанр бадиияти, ижодкорлар поэтик маҳоратига оид махсус курс ва семинарлар ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек болалар адабиёти романчилигининг тараққиёт тамойиллари ва Худойберди Тўхтабоев ижоди мавзуси тадқиқи натижалари асосида:

Худойберди Тўхтабоев ўзбек болалар романчилигининг мавзуй доирасини мутлақо янгилаб ва кенгайтириб, айниқса, ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга айлантирилиши нуқтаи назаридан замонавий ўзбек болалар романчилигини янги поғонага кўтаргани асосланганлигига доир хулосаларидан ҒА-Ғ1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (ЎзРФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий тадқиқот институтининг 17-01/99-сон 2022 йил 26 апрелдаги маълумотномаси). Натижада тадқиқотнинг ижодкор романларига халқ оғзаки ижодининг таъсири бениҳоя улкан эканлиги, улар, аввало, халқ эртақ ва дostonларидаги сеҳрли буюмлар, хусусан, сеҳрли қалпоқча воситасини ўринли қўллашда намоён бўлишига доир хулосалари муайян даражада асосланишига хизмат қилган.

Худойберди Тўхтабоев ижодида анъанавийлик ва бадиий маҳорат муаммоси “Сарик дев...”ларда халқ оғзаки ижодидаги сеҳрли буюм, яъни сеҳрли қалпоқчадан фойдаланишда намоён бўлса, халқ эртаги сюжети асосида яратилган “Ширин қовунлар мамлакатаида” романида унинг ёнига мутлақо кутилмаган янги буюм, яъни сеҳрли бурун қўшилишида янада янги ҳолатда акс этиши, “Қасоскорнинг олтин боши” романида бахшиларнинг Намоз ботирга бағишланган термаларида, “Жаннати одамлар”да “энамнинг эртаги”, “бувимнинг эртаги”, “бобомнинг ривояти” тарзида халқ эртақлари ва ривоятларини асар мавзуига мос тарзда қайта ишлашида ёрқин намоён бўлиши кўрсатиб берилганлигига доир хулосаларидан PZ-20L70927I47 – “Қадимги даврлардан XIII асргача бўлган туркий ёзма манбалар тадқиқи” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

№04/1-962-сонли 2022 йил 20 майдаги маълумотномаси). Натижада тадқиқотнинг қадимги туркий ёзма манбалардаги халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ маълумотлари янада мукаммаллашишига хизмат қилган.

Х.Тўхтабоев ўзбек болалар романчилигини саргузашт, фантастик ва детектив элементлари уйғунлашган ҳолдаги янги йўналиш билан бойитгани, болалар адабиётимизга тарихий ва биографик роман йўналишларини олиб кирганлиги ҳақидаги фикрлардан Жиззах вилояти телерадиокомпаниясининг “Ижоднинг сеҳрли олами” кўрсатуви ҳамда “Ассалом, Жиззах” тонгги дастури сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Жиззах вилояти телерадиокомпаниясининг 2019 йил 11 апрелдаги 01-08/434-сон маълумотномаси). Натижада ушбу кўрсатув орқали ёшлар орасида китобхонлик маданиятининг шаклланишига, уларнинг маънавий оламини бойитишга, дунёқарашини кенгайтишига замин яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилиниб, муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 9 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 137 бетни ташкил этади.

I БОБ. ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИДА РОМАН ЖАНРИНИНГ МАЙДОНГА КЕЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1.§. Ўзбек болалар адабиётида роман жанрининг майдонга келиш омиллари

Аввало, шуни алоҳида қайд этиш керакки, ўзбек адабиётида роман жанрининг майдонга келиши йўлидаги дастлабки изланишлар XX асрнинг бошида майдонга келиб, том маънодаги биринчи миллий романимиз яратилганига салкам бир аср бўлган эса-да, болалар адабиётида роман жанрида асар яратиш йўлидаги ҳаракатлар бошланганига бор-йўғи ярим аср бўлаяпти.

Бунинг асосий сабабларидан бири, назаримизда, болалар адабиётининг ёш гуруҳларига ажратилишига бевосита алоқадор. Ўзбек болалар адабиётининг дастлабки намуналари шу маънода, кичик мактаб ёшидаги болалар адабиёти намуналаридан бошланган бўлса⁶, унда ўрта мактаб ёшидаги ҳамда катта ёшдаги, яъни ўсмирлар адабиёти юзага келиши учун муайян тайёргарлик босқичини босиб ўтиш эҳтиёжи бўлгани ҳам маълум ҳақиқат. Чунки муайян бир жанрнинг бирор бир халқ адабиётида пайдо бўлиши, шаклланиши ва тараққиётига, одатда, худди шундай ҳаётий заруратлар, омиллар сабаб бўлиши ҳам тан олинган ҳақиқатдир.

Шу маънода болалар адабиётида роман жанрининг майдонга келиши, таркиб топиши ва тараққиёти ҳамда унинг ўрганилиш тарихига назар ташласак, болалар учун яратилган романлар санокли эканлиги, ўзбек болалар романчилигининг тараққиёт тамойиллари деярли таҳлилга тортилмаганлиги, яратилган тадқиқотлар ҳам Х.Тўхтабоев романларининг баъзи ўзига хосликларини ўрганиш билан чекланганини кўрамиз⁷. Шунинг учун ҳам

⁶ Бу ҳақда қаранг: Баракаев Р. Ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди. – Тошкент: Фан, 2004.

⁷ Мусаева У.Д. Худойберди Тўхтабоев романларининг сюжет ва конфликт хусусиятлари: Филол.фан.номз.... дисс. – Тошкент, 1997; Жўраева Ф.Ё. Типологик образларнинг қиёсий таҳлили (Л.Толстойнинг “Ҳожимурод” ва Худойберди Тўхтабоевнинг “Қасоскорнинг олтин боши” асари мисолида): Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 2000; Тулабаева Р.С. Худойберди Тўхтабоев романларида бадиий психологизм: Филол.фан.бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2019; Ярашова Н.Ж. XXI аср ўзбек

Ўзбек болалар адабиётида роман жанрининг майдонга келиш омиллари ҳамда тараққиёт тамойилларини яхлит ҳолда, изчиллик нуқтаи назаридан ўрганиш муҳим масалалардан биридир.

Фикримизча, ўзбек болалар адабиётида роман жанрининг майдонга келишида қуйидагилар муҳим омил бўлиб хизмат қилган:

1. Маълумки, деярли барча халқлар адабиётларида халқ оғзаки ижоди ёзма адабиётнинг юзага келишида муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Жумладан, болалар адабиёти ҳам бундан мустасно бўлмай, катталар адабиёти сингари, аввало, фольклордан озиқланади. Бинобарин, ўзбек болалар романчилигининг шаклланишида эртаклар, лоф, миф, афсона ва ривоят каби жанрлар ўзига хос ўринга эга. Фикримиз далили сифатида Х.Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб”, “Сариқ девнинг ўлими”, “Ширин қовунлар мамлакати” романларини келтиришимиз мумкин. Зеро, “Сариқ девни миниб” романидаги қатор тасвирлар халқ эртаклари, мифологияси билан боғлиқ тарзда ёритилган бўлса, “Ширин қовунлар мамлакати” романи эртак сюжети асосида яратилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

2. Мумтоз адабиётдан таъсирланиш. Ўзбек болалар романчилигида саргузашт-фантастиклик хусусияти етакчилик қилиши маълум ҳақиқат экан, бунда, аввало, мумтоз адабиётимиз, хусусан, Алишер Навоий ижодидан адабий таъсирланиш алоҳида ўрин тутиши ҳам шу қадар табиийдир. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий” дostonларида тасвирланган тилсимотлар ва уларнинг ечими билан боғлиқ саргузаштлар фикримизнинг далилидир.

3. Жаҳон болалар адабиётининг таъсири. Ҳеч бир халқ адабиёти ўз-ўзидан ривожланмаслиги, унинг тараққиётида ўзга халқлар адабиётларидан таъсирланиш ҳам ўзига хос ўрин тутиши адабиётшунослиқда кўп мисоллар билан тасдиқланган ҳақиқатдир. Шу маънода Николай Носовнинг Билмасвой

хақидаги машҳур трилогияси бош қаҳрамони Билмасвой билан Х.Тўхтабоевнинг “Сарик девни миниб” романи қаҳрамони Ҳошимжон образлари муайян жиҳатлари билан бир-бирига ўхшаб кетиши ушбу ижодий таъсирланишнинг ўзига хос мисоли сифатида эътиборга моликдир.

4. XX аср ўзбек адабиёти. Бир адабиёт ичида ўзаро таъсир масаласи адабиётшуносликда кўп тадқиқ этилган муаммолардан эканлиги ҳам сир эмас. Шу жиҳатдан Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссаси ўзбек болалар романчилигининг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган. “Шум бола” қиссасидаги Қоровой образи билан “Сарик девни миниб” романидаги Ҳошимжон образидаги умумийликлар, бадий тасвирдаги ўхшашликлар фикримизни далиллайди⁸.

Бундан ташқари, ўзбек болалар адабиётида роман жанрининг юзага келишида ҳаётӣ эҳтиёж ҳам бирламчи характерга эга. Чунки қатор халқлар болалар адабиётида роман жанри мавжуд экани, ёзувчилар ана шу тажрибалардан таъсирлангани, ҳаётни эпик кўламда тасвирлашда роман жанрининг имкониятлари кенглиги ўзбек болалар адабиётида ҳам роман жанрининг юзага келишига сабаб бўлди.

Ўзбек болалар адабиётида роман жанридаги дастлабки асар Ҳаким Назирнинг “Лочин қанотлари” романидир. Роман 1969-1972 йиллар оралиғида яратилган. Асарда Иккинчи жаҳон урушида халқимиз кўрсатган жасоратлар ва урушдан кейинги тикланиш даври воқеалари қаламга олинган. Асар қаҳрамони Ўктам мулоҳазали, ақлли, фаросатли, фантазияси бой, ижтимоий-ташкилий ишларда фаол пионервожатӣ, аэроклуб инструктори сифатида тасвирланган.

Гарчи роман ўша даврда илиқ кутиб олиниб, кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлган бўлса-да, бола руҳиятига тўла мос эмаслиги, асосан давр муаммоларини очишга ҳамда шўро сиёсатида хизмат қилгани боис ўз миссиясини тўлақонли бажара олмаган.

⁸ Бу ҳақда диссертациямизнинг биринчи боб учинчи фаслида батафсил тўхталамиз.

Душманларга нафрат, турли қора кучларга қарши кураш, гуманизм ғоялари Л.Маҳмудовнинг “Қопга яширинган одам” (1976) номли саргузашт романида ҳам тасвирланган. Романда ўша давр Совет давлатининг илк қадамлари билан боғлиқ зиддиятлар, сиёсий курашлар, қишлоқларда мактаблар очилиши, қишлоқ болаларини мактабга жалб қилиш масалалари акс эттирилган.

Романда Асқар Шахло, Мунира ва Мирқобил образлари билан биргаликда асарнинг сўнгги саҳифаларигача сир сақланган Муродилла ва у каби салбий кучларга қарши кураши тасвирланган. “Ўзбек болалар адабиёти ва адабий жараён” жамоавий монографиясида “Бадий адабиётдаги сир сақлаш усули “Қопга яширинган одам” романининг саргузаштли-ўқимишли бўлишини таъминлаган ва мазкур роман устида авторнинг жиддий ижодий меҳнат қилганини тасдиқлайди”⁹, дея қайд этилса, адабиётшунос П.Шермухаммедов романдаги образлар ҳақида фикр билдириб, Мулладўст образининг “овсар” хола, Анзорларнинг Асқар Шахло, Мунира ва Мирқобиллар билан курашида бўяб-бежаб кўрсатилмаганлиги учун муваффақиятли чиққанлигини эътироф этади¹⁰, Сафо Матжон Мулладўст салбий образ сифатида тип даражасида устамон, маккор қилиб тасвирланганлиги учун китобхон нафратига сабаб бўлганлигини таъкидлайди¹¹.

Уруш мавзусидаги асарларда маориф масаласи, болаларнинг мактаб ҳаёти билан боғлиқ лавҳалар тасвирини бошқа асарларда ҳам учратамиз. Х.Тўхтабоевнинг “Беш болали йигитча” романида ҳам уруш давридаги мактаб, интернат болалари ҳаёти тасвирланган. Мария Павловна каби заҳматкаш директор, ўқитувчилар ўқувчиларнинг яхши билим олиши учун бор кучи билан ҳаракат қилганини кўрамиз. “Қопга яширинган одам”

⁹ Ўзбек болалар адабиёти ва адабий жараён. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 242.

¹⁰ Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Шермухаммедов П. Истеъдод сеҳри. – Тошкент: Ёш гвардия, 1977. – Б. 35.

¹¹ Бу ҳақда қаранг: Матчонов С. Мактабда болалар адабиётини синфдан ташқари ўқиш. – Тошкент, 1980, 32-б

романида рус муаллимаси Раиса Максимовна образи тасвирланади. Мария Павловнадан фарқли ўлароқ ёзувчи Раиса Максимовна образини ўта даражада бўрттириб тасвирлайдики, асардаги “Қизбулоқ” афсонаси билан Раиса Максимовна тақдирининг чамбарчас боғлаб тасвирланиши гўё кўзи хиралашган одам шу булоқ сувидан ичса кўзи равшанлашиши ўзбек халқи инқилобгача кўзи хира тортгани, Раиса Максимовна каби рус муаллималари таъсирида ўтмишда хиралашган халқимиз онги тиниқлашди, мазмунида хулоса чиқаришга тўғри келади.

Ушбу роман таҳлилида адабиётшунос олим Қ.Қаҳрамонов асар бош қаҳрамонлари ва улар ҳаракат қилаётган замон ўртасида диалектик уйғунлик бузилганлигини тўғри таъкидлайди.¹²

Ҳақиқатан ҳам романдаги айни жиҳатлар ва асарнинг, асосан, шўро сиёсати манфаатларига хизмат қилиши, “социалистик тузум”нинг улуғланиши вақт ўтиши билан асарнинг бадий қиймати йўқолишига сабаб бўлган.

Ўзбек болалар адабиётида ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида яратилган романлардан яна бири Ёкубжон Шукуровнинг уч қисмдан иборат “Қасос” (1986) романидир. Романнинг биринчи китоби 1959, иккинчиси 1962, учинчиси 1964 йилларда нашр этилган.

Роман ўз даврида катта қизиқиш билан кутиб олинган. Асар М.Хусаинов, Қ.Қаҳрамоновлар томонидан таҳлил қилинган.

Роман сюжетиغا Андижон, Ўш, Жалолобод, Қорасув шаҳарлари, кўплаб ёндош қишлоқлар, Одесса ва Бендери каби катта географик ҳудуд бўйлаб Октябрь инқилоби арафаси ва ундан кейинги йиллар, 1941-45 йиллар урушини қамраб олган қарийб қирқ йиллик воқеалар қамраб олинган.

Асар қаҳрамони Ўлмас Омонов ёшлигидан етим қолиб, ҳаётда турли зиддиятларга дуч келиши босмачилар ва чет эл жосуслари, инқилоб душманларига ҳамда немис-фашист босқинчиларига қарши курашида намоён

¹² Қаранг: Адабий танқид ва ўзбек болалар адабиёти. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 97.

бўлади. Шу воқеалар, эпизодлар Ўлмас образининг динамик ўсиб бориши, психологик жиҳатларини кўрсатади.

Асарда Ўлмас бир неча марта душман сиртмоғига тушади, ўлимга тик боради, инсонийликни унутмайди, ҳақиқий йигитлик ғурури билан яшайди. Шу жиҳатларини ҳисобга олсак, муаллиф “саргузашт адабиёти традицияси йўлидан дадил борган, лекин романда саргузашт мотиви асар ғоявий маъносида устун эмас”¹³лигини кўриш мумкин. Романда юрт учун кураш ва ғалабани ҳикоя қилиш руҳи устувор бўлса-да, бадиий тасвирдан кўра баёнчилик етакчилик қилади.

Ҳаким Назирнинг “Лочин қанотлари”, Л.Маҳмудовнинг “Қопга яширинган одам”, Ё.Шукуровнинг “Қасос” романлари хусусида шундай умумлашма хулосага келиш мумкинки, ушбу асарлар ўзбек болалар романчилигининг илк қадамлари, изланишлари натижаларидир. Бироқ ўзбек болалар романчилигининг том маънодаги тараққиётини Х.Тўхтабоев ижодисиз тасаввур қилиш қийин.

Ўзбек болалар насрининг етакчи намоёндаларидан бири бўлган Носир Фозилов “Адабиёт ясалмайди, яратилади” мақоласида болалар ижодкорлари ҳақида шундай ёзади: “Аввало, болалик бу – беғуборлик. Болалар учун асар ёзган ва бутун умрини шунга бағишлаган адиб ҳам бу беғуборликдан бебаҳра қолмайди. Негаки, болага ёзган адибнинг ўзи бола табиатли бўлади. Яхши ёзувчи ўзининг табиатига мос, кўнглига яқин мавзунини қаламга олади. Иккинчидан, болаларни чин дилдан севган ёзувчигина болалар адабиётига содиқ бўлиб қолади. Болалар ҳаёти кўнглидан йироқ бўлган ёзувчи ўзини мажбурлаб нимарса ёзган бўлади-ю, бир юмалаб катталар адабиётига ўтади-кетади. Бундайлар адабиётимизда тўлиб-тошиб ётибди”¹⁴.

Ёзувчи ҳақ. Ҳақиқатан ҳам болалар учун ижод қиладиган ижодкор боладек бўлиши (болалар билан гаплашганда), асар ёзаётганда бола назари

¹³ Ўзбек болалар адабиёти ва адабий жараён. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 242.

¹⁴ Fozilov Nosir. Adabiyot yasalmaydi, yaratiladi. www.kh-davron.uz.

билан кўриши, ҳис қилиши, ёзиши керак. Асарни ўқиганда бола асар қаҳрамони характери, хатти-ҳаракати, ўзини тутишидан ўз ҳаёти, ўртоқларининг қилиқлари, характерини топа олса, ана ўшандай асарни ўқийди. Акс ҳолда “адрессиз асар” сифатида бир ўқилиб, китоб жавонларида чанг босиб, ўз ўқувчисини кутиб ётаверади.

Н.Фозилов айтган “бир-иккита нимарса ёзиб, бир юмалаб, катталар адабиётига ўтиб кетган” ижодкорларнинг асарлари тақдири ҳам шундай бўлган ёки уларда бола табиатлилик бўлмагани учун асарлари болалар дилидан жой олмаган.

Болаларнинг сеvimли ёзувчиси бўлган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Х.Тўхтабоев (17.12.1932 – 21.03.2021) болалар учун ижод қилишни ўзининг қисмати деб билган, чунки у, асосан, ўзи яхши билган, ҳатто кўпчилик ҳолатда ўз бошидан кечирган нарсалар ҳақида ёзган, мавзу сифатида қаламга олган. Ижодкор болалар учун қанча ижод қилиб, бир неча марта юмалаб ҳам, яна қайта-қайта болалар адабиёти дунёсига қайтиб тушаверган. Шу боис ҳам ёзувчи асарларини нафақат ўзбек болажонлари, шу билан бирга, дунё халқлари болалари ҳам севиб ўқишади, ардоқлашади.

Адибнинг ижод йўлига қисқача назар ташлайдиган бўлсак, болалар учун ижодини дастлаб ҳикоялар ва қиссалар ёзишдан бошлаган ёзувчи кейинчалик турлича йўналишлардаги ўнлаб романлар яратди¹⁵. Бу асарларнинг асосий қисми ўн марталаб қайта чоп этилгани ва дунё халқларининг 30 дан ортиқ тилларига таржима қилингани эса ёзувчи яратган асарларнинг нақадар умрбоқийлигини тасдиқлашга хизмат қилади. Демакки, ўзбек болалар романчилигининг салкам ярим асрлик тараққиёт йўналишини

¹⁵ Тўхтабоев Х. Шошқалок: Ҳикоялар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1962; Сир очилди: Қисса. – Тошкент: Ёш гвардия, 1964; Сеҳрли қалпоқча: Саргузашт повесть. – Тошкент: Ёш гвардия, 1965; Сўқмоқлар: Ҳикоялар – Тошкент: Ёш гвардия, 1966; Сарик девни миниб: 3 қисмли саргузашт қисса. – Тошкент: Ёш гвардия, 1969; Сарик девнинг ўлими: Саргузашт роман. – Тошкент: Ёш гвардия, 1973; Беш болали йигитча: Саргузашт роман. – Тошкент: Ёш гвардия, 1975; Омонбой билан Давронбой саргузашти: Қисса ва ҳикоялар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1979; Қасоскорнинг олтин боши: Тарихий саргузашт роман. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980; Ширин қовунлар мамлақати ёки Сеҳргарлар жанги (Саргузашт-фантастик роман). – Тошкент: Ёш гвардия, 1986; Мунгли кўзлар: Роман. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988; Жаннати одамлар (Ўсмирлар учун роман). – Тошкент: Чўлпон, 1996; Қуёнлар салтанатининг шаҳаншоҳи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010.

хам Х.Тўхтабоев қаламига мансуб романлар белгилайди десак, асло адашмаган бўламиз.

Шу ўринда Х.Тўхтабоевнинг ижодий такомилини белгилайдиган бир жиҳат ҳақида алоҳида тўхталиш эҳтиёжи бор. Гап шундаки, ёзувчи бир асарини дастлаб ҳикоя ёки қисса тарзида яратади. Ушбу асарнинг ёш китобхонлар томонидан қанчалик қизиқиш билан қабул қилиниши эса унинг кейинги тақдирини белгилайди. Масалан, “Сеҳрли қалпоқча”нинг жанри дастлаб 1965 йилдаги нашрида “саргузашт повесть” деб белгиланган бўлса¹⁶, 1969 йилги нашрида “Сариқ девни миниб. 3 қисмли саргузашт қисса” деб¹⁷, 1973 йилга келиб, асар “Сариқ девнинг ўлими. Саргузашт роман” деб белгиланган¹⁸. Нашрдан нашрга асар номи ўзгариб боргани сари унинг воқеалари ҳам кенгайиб, янгидан янги кўринишлар билан бойиб боради, дастлабки нашрда 6-синф ўқувчиси бўлган Ҳошимжон фикри ҳар зумда ўзгариб, у ёқдан бу ёққа сакраб юрадиган, сабот билан билим олиш ўрнига сеҳрли қалпоқча ёрдамида ҳали у касб, ҳали бу касб эгаси бўлишга ҳаракат қилиб юрадиган тажрибасиз ёш бола бўлса, “Сариқ девнинг ўлими”да фикр доираси, дунёқараши кенгайиб, эл-юрт манфаати йўлида ҳалол хизмат қиладиган, халқ нонини туя қиладиган текинхўр жиноятчиларга қарши омонсиз курашадиган милиционер даражасига етади. Ушбу биргина қайд эса ёзувчининг асардан асарга яратаётган китоби янада бадий жиҳатдан такомилга етиши, воқеалар ривожини янада ишонарли бўлиши, ҳар томонлама асосланган том маънодаги бадий асарга айланиши йўлида тинимсиз изланишда бўлганини тасдиқлашга хизмат қилиб, ижодий камолот, яъни ҳикоядан қиссага, қиссадан романга ўсиш босқичи тадрижини кўрсатади.

Шу ўринда ёзувчи асарлари учун асос бўлиб хизмат қилган воқеалар ҳаётийлиги ҳақида ҳам қисқача тўхталиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Жумладан, Х.Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб”, “Сариқ девнинг ўлими”, “Ширин

¹⁶ Тўхтабоев Х. Сеҳрли қалпоқча: Саргузашт повесть. – Тошкент: Ёш гвардия, 1965.

¹⁷ Тўхтабоев Х. Сариқ девни миниб: 3 қисмли саргузашт қисса. – Тошкент: Ёш гвардия, 1969.

¹⁸ Тўхтабоев Х. Сариқ девнинг ўлими: Саргузашт роман. – Тошкент: Ёш гвардия, 1973.

ковунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги” романларининг юзага келиш омилларига назар ташлайдиган бўлсак, ёзувчи ўтган асрнинг 60 йилларида фельетончилик билан шуғулланиб, уч юздан ортиқ фельетонлар ёзганини эслаш жоиз. У фельетон ёзиш учун бир қанча жиноятларни текширгани, порахўр, чайқовчи, товламачиларга қарши курашгани кейинчалик бадий асарлари, жумладан, романларининг яратилишига асос бўлиб хизмат қилган. Бу ҳолат, айниқса, “Сариқ девни миниб”, “Сариқ девнинг ўлими”, “Ширин ковунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги” романларида кўзга яққол ташланади. “Сариқ девнинг ўлими” романида ёзувчи Одил баттол бошчилигидаги жиний гуруҳ фаолияти ва Ҳошимжоннинг милиция ходими сифатида порахўрлик, қотиллик, чайқовчилик, товламачилик, умуман олганда, ҳар қандай инсонийлик учун ёт бўлган иллатлар, сарқитларга қарши курашини тасвирлар экан, ушбу тасвирларнинг туб моҳиятида фельетончилик фаолияти давомида йиғилган муайян маълумотлардан ўрни-ўрни билан фойдалангани намоён бўлади. Бироқ ёзувчи романларидаги бундай кураш жараёнларининг асосини фақатгина фельетончилик фаолияти билан шуғулланганлигига боғласак, бирёқлама фикрлаган бўламиз. Чунки ҳаёт ҳақиқатининг том маънодаги бадий ҳақиқатга айланиши, аслида, ёзувчининг бу сингари кўплаб жиҳатларни бадий умумлашмага айлантира олиш маҳорати билан белгиланади.

Академик М.Қўшжонов “Ўзбек романчилигининг ривожланиш босқичлари ва жанр хусусиятлари” асарида ўзбек романчилигининг тараққиёт хусусиятларига тўхталиб, қуйидагича тасниф этади:

1. Биринчи ўзбек романларининг туғилиши ва тараққиёт масалалари.
2. Тарихий материалнинг замонавийлиги ва ижодий анъаналар.
3. Янгича тафаккурнинг уйғониши, эскича қарашларнинг яшовчанлиги.
4. Турғунлик даври ўзбек романчилигининг жанр хилма-хиллиги.

5. Қайта қуриш ва бугунги роман¹⁹.

Адабиётшунос Ҳ.Каримов “Ўзбек романларининг тараққиёт тамойиллари” қўлланмасида ўзбек романчилиги тараққиёт тамойилларини романчилик тараққиётига таъсир этган муҳим даврлар ва “роман эволюцияси” нуқтаи назаридан таҳлил қилган.²⁰ Маълумки, адабиётни даврлаштиришга кўпроқ санъат ва адабиётда муҳим ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда ёндашилади. Ҳ.Каримов ҳам ана шу йўлдан боради. У 20 йилларда ҳаётда тузум ўзгариши билан ўтмиш кадриятлари, урф-одатлар, маърифати, давлат тузуми тенденцияси бошлангани, бу эса нотўғри эканлигини қайд қилади. 30 йилларда барчани жамоа ҳўжалигига жалб қилиш, коллективлаштириш орқали инсон бахтга эришиши мумкин эканлиги сингдирилган асарлар яратила бошлангани, бу инсонлар жамоа бўлиб ҳаракат қилишидек эзгу амал билан бирга айрим кишиларда ялқовлик кайфиятини юзага келтиргани бадиий асарларда тасвирлаб кўрсатилган. Олим уруш даврида яратилган асарларда ҳаёт ўзининг ҳаққоний тасвирини топмагани, иккинчи жаҳон урушидан кейин юзага келган романларда ҳаётий мантиққа зид бўлган конфликтсизлик назарияси юзага келгани, 50-80 йилларда шахсга сиғинишга барҳам берилгани, адабиётда жуда катта сифат ўзгариши бўлганини таъкидлайди.

Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда юқоридаги қўлланмада романларда қайд қилинган тамойилларнинг баъзи жиҳатларидан ўзбек болалар романчилиги тараққиёт тамойилларини белгилашда фойдаланамиз. Лекин ўзбек болалар романчилигининг майдонга келиши ва тараққиёт тамойилларини уларда келтирилганидек, айнан болалар романчилигига тўлалигича тадбиқ қилиш мумкин эмас. Чунки ўзбек болалар романчилиги, юқорида қайд этилганидек, бир муддат кечроқ юзага келган. Шу жиҳатларни

¹⁹ Қаранг: Қўшжонов М. Ўзбек романчилигининг ривожланиш босқичлари ва жанр хусусиятлари /Адабий тур ва жанрлар. Уч жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 299-382

²⁰ Каримов Ҳ. Ўзбек романларининг тараққиёт тамойиллари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий университети нашриёти, 2008. – Б. 3.

ҳисобга олиб, ўзбек болалар романчилигининг юзага келиши ва эволюцияси мавзуй нуктаи назардан қуйидагича тасниф қилиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги романлар. Бундай романлар сирасига Ё.Шукуровнинг “Қасос” ва Л.Маҳмудовнинг “Қопга яширинган одам” романларини киритиш мумкин.

2. Иккинчи жаҳон уруши даврида фронт орти ҳаёти акс этган романлар. Х.Тўхтабоевнинг “Беш болали йигитча” романи ана шундай роман.

3. Тарихий шахслар ҳаёти акс этган романлар. Бундай романларга мисол қилиб Х.Тўхтабоевнинг “Қасоскорнинг олтин боши” романини келтириш мумкин.

4. Ўтмиш сарқитлари, диний хурофотлар, жиноятчиликка қарши кураш мавзуси акс этган романлар. Бундай романлар сифатида Х.Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб”, “Сариқ девнинг ўлими”, “Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги” асарларини санашимиз мумкин.

5. Инсон камолоти, илм-маърифат, касб эгаллаш билан боғлиқ романлар. Ўзбек болалар адабиётида катта шуҳрат қозонган “Сариқ девни миниб”, “Сариқ девнинг ўлими” ва “Қуёнлар салтанати” романларида ўқимаган боланинг ҳар мақомга йўрғалаши, бирор натижага эришиш учун инсонга билим, кўникма, малака сув ва ҳаводек зарурлиги тасвирланган.

6. Истиқлол шарофати билан миллий, маданий, адабий, тарихий, диний қадриятларимиз тикланиши натижасида халқимизнинг кейинги салкам бир асрлик тарихининг турли жабҳаларини қамраб оладиган, том маънода ёш авлод маънавий камолотига хизмат қиладиган асарлар. Бундай асарлар сирасига Х.Тўхтабоевнинг “Жаннати одамлар” ва “Мунгли кўзлар” романлари киради.

Хуллас, ўзбек болалар романчилигига назар ташлайдиган бўлсак, деярли барча романлар саргузашт жанрида яратилганининг гувоҳи бўламиз.

Бироқ уларнинг қайси биридир саргузашт-фантастика, қайсисидир тарихий-саргузашт, яна бошқаси саргузашт-детектив кўринишида яратилган.

1.2.§. “Сарик девни миниб” ва “Сарик девнинг ўлими” асарлари ўзбек болалар адабиётида саргузашт-роман намунаси сифатида

“Ёзувчи шахсини, феъл-атворини унинг асарига қараб бемалол билиш мумкин. Муаллиф қанчалик софдил, самимий бўлса, китоби ҳам шунчалик ҳаяжонли, таъсирчан бўлади. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. “Фарзанд” “отаси”га тортади-да!”²¹

Ана шундай самимий, софдил инсон, ўзининг қатор ҳикоя, қиссалари, романлари билан ўқувчилар қалбига ҳаяжон сола олган ижодкор Х.Тўхтабоевдир. Ёзувчи асарларида саргузашт жанрига хослик илк ҳикоялар тўплами “Шошқалоқ” ва “Сеҳрли қалпоқча” қиссасидан тортиб барча асарларида кўзга ташланади. Бунга сабаб ёзувчи характерининг саргузаштга мойиллигидандир.

“Саргузашт адабиёти намуналарига хос умумий хусусиятлар сифатида сюжет воқеаларининг шиддат билан ривожланиши, сирли ва ажабтовур воқеаларнинг юз бериши, ўткир интригаларга бойлиги, сюжет ситуацияларининг кескин ўзгариши ва персонажлар тақдирида терс бурилишлар юз бериши, қаҳрамонларнинг турли синовларга дуч келишию уларни енгиб ўтиши”²² ва шу кабилар билан характерланади.

Сервантеснинг “Дон Кихот”, Ф.Рабленинг “Гаргантюа ва Пантагрюэл”, Ж.Свифтнинг “Гулливёрнинг саёҳатлари” каби асарлари жаҳон саргузашт адабиётининг етук намуналаридан ҳисобланса, ўзбек адабиётида Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, Ғафур Ғулумнинг “Шум бола” асарларида ҳам саргузашт адабиётига хослик мавжуд.

²¹ Hoshimov O'. Daftar hoshiyasidagi bitiklar. - Toshkent: Sharq, 2005. – B. 187.

²² Д.Қурононов, З.Мамажонов, М.Шералиева. Адабиётунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 271.

“Сариқ дев...” ҳақидаги романларнинг хамиртуруши ҳисобланган “Сеҳрли қалпоқча” асари 1971 йил болалар ҳақида ёзилган энг яхши бадиий асарлар учун ўтказилган танловда ғолиб чиқади ва Фахрий диплом билан тақдирланади. Шу муносабат билан қисса жаҳоннинг кўплаб халқлари тилига таржима қилинади ва ёзувчи ижодига чинакам қизиқиш уйғонди.

Х.Тўхтабоев “Сеҳрли қалпоқча” қиссаси илҳоми билан “Сариқ девни миниб” саргузашт романини яратди. Ёзувчи асарларининг самимияти, болалар характерининг ўзига хос тасвири ўзбек болалар адабиётида Чипполино, Алдар Кўса, Насриддин афанди каби янги бир образнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Х.Тўхтабоевнинг “Сеҳрли қалпоқча”, “Сариқ девни миниб”, “Сариқ девнинг ўлими” асарлари яратилган пайтда ўзбек болалар адабиётида катта ходиса бўлди. Ушбу асарларга бағишлаб кўплаб тақризлар, мақола ва илмий ишлар ёзилди²³.

“Сариқ дев...” ҳақидаги асарларнинг бош қаҳрамони Ҳошимжон мактабдаги фанларни ўзлаштиришга қийналадиган, мактабни ташлаб, меҳнат қилмасдан ўз орзу-истакларига, мақсадига эришиш хаёлида уйдан чиқиб кетган, сеҳрли қалпоқчаси билан бошидан кўплаб саргузаштларни кечирган самимий, ўзига яраша қув, шу билан бирга, ишқмас бола сифатида тасвирланган бўлса, Ҳошимжоннинг саргузаштларида унга ҳамроҳ бўлган, беминнат ёрдамчиси сеҳрли қалпоқча асарда сюжетни ҳаракатлантирувчи образ сифатида тасвирланган.

Маълумки, ўзбек халқ оғзаки ижоди, ўзбек мумтоз адабиёти ва жаҳон адабиётида сеҳрли анжомлар билан боғлиқ асарлар кўп. Халқ оғзаки ижодидаги эртакларда қайнар хумча, очил дастурхон, уртўқмоқ; халқ дostonларида девлар ёки отлар асар қаҳрамонларига ўзининг ёлидан тутатқи бериши; халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётда ойнаи жаҳоннамо, сеҳрли

²³ Қўшжонов М. Замонавий “Шум бола” / Моҳият ва бадиият. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1977; Норматов У. Саргузашт сардори. – Тошкент: Адиб, 2012; Расулов А. Ғаройиб салтанат / Дунёга танилган адиб. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2012.

кўзгу, сирли сандик, сирли тароқ каби сеҳрли анжомлар; жаҳон адабиётида сеҳрли сўта каби образлар саргузашт асарларда кўп тасвирланган. Бирок Х.Тўхтабоев анъанавий сеҳр анжомларидан фойдаланмай, ўзбекларнинг миллий бош кийими – “сеҳрли қалпоқча”дан фойдаланиши ҳам миллийлик, ҳам янгилик сифатида кўзга ташланади.

“Худойберди Тўхтабоев романларида сеҳргарлик анжомлари, сеҳр йўсинлари миллий бетакрорликда, ўзбекона муҳитда акс эттирилади”²⁴. Ҳошимжонгача жаҳон адабиётида сеҳрли қалпоқчага эга, оддий ишлардан тортиб ўта қалтис муаммоларни ҳам бир зумда ҳал қилиб ташлайдиган қаҳрамон яратилмаган эди.

Сеҳрли қалпоқча образининг яратилишига нима сабаб бўлган? Бу саволга жавоб излаганимизда ёзувчи халқ эртаклари, дostonларини яхши билганлигини сабаб қилиб кўрсатсак, бирёклама фикрлаган бўлиб қоламиз. Чунки ҳеч бир нарса сабабсиз юзага келмайди. Х.Тўхтабоев ёзувчиликкача бир неча йиллар мактабда ўқитувчи, илмий бўлим мудирини ва директор вазифаларида ишлаган. Табиийки, фаолияти жараёнида Ҳошимжонга ўхшаган қанча болалар билан юзма-юз бўлган.

Бу ҳақда у М.Пирматов билан бўлган суҳбатда “Сариқ девни миниб” асари 1964-1968 йиллар оралиғида ёзилган бўлса-да, асарни ёзиш истағи мактабда ишлаб юрганида туғилгани, фақат қандайдир туртки етишмаганини эслайди. Кунлардан бир кун армия сафида хизмат қилаётган Али ва Маҳмуд исмли собиқ ўқувчиларидан “Домлажон, сиз айтган гапларингизни энди тушундик...Ўшанда ўқимасанг одам бўлмайсан дердингиз. Қани энди шундай сеҳрли куч бўлсаки, унинг ёрдамида биз қайтадан бешинчи синф ўқувчиси бўлиб қолсак”, – деб ёзилган хат олгани туртки бўлганини эслаб,

²⁴ Расулов А. Фаройиб салтанат / Дунёга танилган адиб. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2012. – Б. 47.

“шу хат менга туртки бўлди, дангаса қахрамонимга сеҳрли қалпоқча кийгизиб оламни саёҳат қилдирсам деган фикр туғилди”²⁵, дейди.

Ўша суҳбатда мухбирнинг “Ҳошимжон образи прототиплари ҳақида нима дейсиз?” деган саволига ёзувчи “Ҳошимжон образини яратаётганимда ўзим яхши билган, яхши кузатган беш боланинг характерини кўшиб юбордим. Бирдан оққўнгилликни олдим, иккинчисидан қувликни олдим, учинчисидан ёлғончилик ва дангасаликни олдим, тўртинчисидан хаёлпарастликни, бешинчисидан дадилликни ва қатъийликни олдим. Ҳаммасини қориштириб Ҳошимжон образини яратдим” деб жавоб беради²⁶. Назаримизда, ёзувчи ушбу жавоби билан умумлашма образ қандай бўлиши ҳамда ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга айланиши қандай амалга оширилиши кераклиги ҳақидаги масалага муайян образнинг яратилиши мисолида аниқ жавоб берган. Эҳтимол, бошқа ижодкорлар асарларида бирор-бир образни яратиш учун бу қадар умумлашмага эҳтиёж туғилмаган бўлиши ҳам мумкин. Демак, ушбу қайд ҳам ижод жараёнининг ҳар бир ҳолатда ва ҳар бир ижодкор мисолида нақадар индивидуал бўлишини тасдиқлашга хизмат қилади.

Бу ўринда, бизнингча, эҳтимолки, Х.Тўхтабоевга туртки бўлиб хизмат қилган яна бир асарни ҳам тилга олиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Гап шундаки, “Сеҳрли қалпоқча” яратилишидан биров аввал рус ёзувчиси Н.Носовнинг “Билмасвой ва унинг дўстларининг бошидан кечирганлари” (1954), “Билмасвой Қуёш шаҳрида” (1958) ва “Билмасвой Ойда” (1964) роман-эртаклари яратилган эди. Қисқа муддатда нафақат собиқ шўролар мамлакати ҳудудида, балки жаҳон бўйлаб машҳур бўлган бу трилогия бош қаҳрамони Билмасвой ҳам, гарчи жимит болакай бўлса-да, кўп жиҳатлари билан Ҳошимжонга ўхшаб кетади. Унинг ҳам Ҳошимжон сингари ўқишга

²⁵ Болаларнинг сеvimли ёзувчиси (М.Пирматов билан суҳбат) / Дунёга танилган адиб. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2012. – Б. 123.

²⁶ Болаларнинг сеvimли ёзувчиси (М.Пирматов билан суҳбат) / Дунёга танилган адиб. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2012. – Б. 122.

тоби-тоқати йўқ, ҳамма нарсага сеҳрли таёқча ёрдамида эришишга ҳаракат қилади ва деярли барча ҳолатларда Ҳошимжон сингари “қовун туширади”. Таниқли болалар шоири Пўлат Мўмин “Билмасвой ва унинг дўстларининг бошидан кечирганлари”ни 1958 йилда, “Билмасвой Қуёш шаҳрида”ни 1961 йилда ўзбек тилига таржима қилган²⁷. Х.Тўхтабоев, ҳеч бўлмаганда, ушбу таржималардан хабардор бўлмаслиги мумкин эмас. Демак, Билмасвойнинг “сеҳрли таёқча”си Ҳошимжоннинг “сеҳрли қалпоқча”сига, муайян даражада бўлса ҳам, туртки сифатида таъсир қилган деб ўйлаймиз. Рус тадқиқотчиси И.Васюченко ҳам Ҳошимжонни Билмасвойга қиёслайди: “Подобно Незнайке, завладевшему вольшебной палочкой, маленький честолюбец вновь и вновь попадает впросак и, наконец, принужден осознать, что шапка не все может”²⁸.

“Сариқ дев...” саргузашт асар. Бунинг устига фантастик ҳам”²⁹. Академик М.Қўшжонови ушбу фикрлари саргузашт адабиётининг кенг имкониятлари, қирралари борлигини кўрсатади.

“Сариқ девни миниб” романининг жанрий хусусиятлари хусусида олимлар турлича фикр билдиришган. Баъзи танқидчилар “Сариқ девни миниб”ни саргузашт асар дейишса, бошқалари детектив, фантастик характердаги асар эканлигини таъкидлайдилар.

Академик М.Қўшжонови “Сариқ девни миниб”, “Сариқ девнинг ўлими” асарлари “Саргузашт – фантастик” асарлар эканлигини таъкидласа, А.Вулис “Сеҳрли қалпоқчада детектив” мақоласида асардаги саргузаштлик, детективликни халқ оғзаки ижоди билан боғлаб, “Сариқ девнинг ўлими”ни ҳам детектив, ҳам эртак деб баҳолайди³⁰, П.Шермухаммедов “Сариқ девнинг

²⁷ Бу ҳақда қаранг: Игамуратова Д. Болалар саргузашт-фантастик насри ўзбекча таржималарининг ўзига хос хусусиятлари (Н.Н. Носов ва А.С. Некрасов асарлари таржималари мисолида): Филол.фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2021.

²⁸ Васюченко И. Испытание чудом // Журнал «Детская литература». Февраль, 1987 (Иқтибос “Дунёга танилган адиб (Худойберди Тўхтабоев замондошлари наздида)” тўпламидан олинди. – Б. 169).

²⁹ Қўшжонови М. Замонавий “Шум бола” / Моҳият ва бадиият. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1977. – Б. 230.

³⁰ Вулис А. Дружба народов. 1976. №6. С. 273. (Иқтибос Қ. Қахрамонови унинг “Адабий танқид ва ўзбек болалар адабиёти” Тошкент: Фан.1991. монографиясидан олинди. – Б.112)

ўлими” романини шартли маънодагина саргузашт асар дейиш мумкин”, – деб ҳисоблайди ва саргузашт адабиётидаги саргузашт, фантастика, детективнинг “чатишиб кетиши”ни фан-техника, селекциядаги турли навларни “чатиштириш” орқали янги навларнинг ҳосил бўлишига қиёслайди³¹, У.Норматов эса “Саргузашт-ташвишлари” деб номланган суҳбатда “Сарик девни миниб” саргузашт асар бўлса, “Сарик девнинг ўлими” детективнинг яхши намунаси” деган фикрни илгари суради³².

У.Мусаева “Худойберди Тўхтабоев романларининг сюжет ва конфликт хусусиятлари” номли номзодлик диссертациясининг биринчи боб тўртинчи фаслида “Сарик девни миниб”, “Сарик девнинг ўлими” романларининг фантастик хусусиятларига тўхталиб ўтган.³³ Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, У.Мусаева “Сарик девни миниб” ва “Сарик девнинг ўлими” асарларида фантастик хусусият устувор деб ҳисоблаган дея оламиз. Зеро, сеҳрли қалпоқча образи ёзувчига фантастикага йўл очиб берган, “ёзувчи бир юмалаб Ҳошимжонга айланади”³⁴-ю, сеҳрли қалпоқчасини кийиб, ўзини қийнаган, жамиятда адолатсизлик деб ҳисоблаган сарқитларга қарши курашади.

Аслида саргузашт адабиётини фантастика, детективсиз тасаввур қилиш қийин. “Саргузашт адабиёти фантастика, илмий фантастика ва детектив адабиётга яқин туради, аниқроғи, саргузаштлилиқ бу турдаги асарларнинг барчасига хос хусусиятдир. Шунга кўра, кўплаб асарларда саргузаштлилиқ, детектив ва фантастика элементларининг қоришиқ ҳолда намоён бўлиши табиийдир”³⁵.

Х.Тўхтабоевнинг “Сарик девни миниб” ва “Сарик девнинг ўлими” романларида ҳам саргузаштлилиқ, фантастика, детектив элементлари

³¹ Шермухаммедов П. Она сутидек покиза. Тошкент, 1975. – Б. 58.

³² Саргузашт ташвишлари (Танқидчи Умарали Норматов билан суҳбат) / Дунёга танилган адиб. – Б. 116.

³³ Мусаева У. Худойберди Тўхтабоев романларининг сюжет ва конфликт хусусиятлари: Филол.фан.номз. ... дисс. – Тошкент, 1997. – Б. 65-80.

³⁴ Обиджон А. Ўйла, изла, топ / Дунёга танилган адиб. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2012. – Б. 123.

³⁵ Д.Қурононов, З.Мамажонов, М.Шералиева. Адабиётунослиқ луғати. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 271.

коришиқ ҳолда келади. Шу хусусияти ёзувчи асарларининг ўзига хослигини таъминлаган.

Асарда Ҳошимжоннинг ўқимаёй бирор яхши касб эгаси бўлиш орзуси билан боғлиқ воқеалар саргузашт бўлса, сеҳрли қалпоқчани кийиб олса кўринмай қолиши, қалпоқча ёрдамида чўнтагига қўл солса дипломли бўлиши, қалпоқча ёрдамида бўйи чўзилиб қолиши кабилар фантастика элементлари, унинг Сорахон фолбин, Данак қори, Бодом қори, Ёнғоқ қориларнинг кирдикорларини фош қилишида детектив элементлари намоён бўлади, “Сариқ девнинг ўлими” романида “Роҳат” ошхонасидаги ҳолатларни очиши, Одил баттол ва унинг гунаҳгарларига қарши кураш олиб бориши, ҳақиқий жиноятчилар билан тўқнаш келиши, улар билан курашда жиноятчилардан зийракроқ, зуккорроқ бўлиб ҳаракатланиши орқали ҳақиқий саргузашт-детектив асар яратилган.

“Сариқ девни миниб” ва “Сариқ девнинг ўлими” асарлари ҳақида фикр билдириб, М.Қўшжонов иккала роман номида ҳам “Сариқ дев” ибораси борлиги учун қисқа қилиб “Сариқ дев” деб қўя қолади.

Ёзувчини машҳур қилган, кўплаб дунё тилларига таржима қилинган ушбу романлар сири, улар нима учун айнан шундай номлангани ҳақида олий ўқув юртлири учун “Болалар адабиёти” дарслигида “сарик дев” иборасининг мажозий маъносига тўхталиб, дев нима учун оқ ёки қора эмас, балки айнан сариқ, деган саволга сариқ нафс, олов маъноларини билдириши, халқимизда нафсига қул бандалар, нафсини тия олмайдиғанлар “Нафси оловлар” деб юритилиши, дев образи халқ оғзаки ижодида ёвузлик тимсоли эканлиги таъкидланади³⁶.

“Сариқ девни миниб” романида халқнинг соддалигидан фойдаланувчи, динни ниқоб қилиб халқни алдаб кун кўрувчи сохта дин арбоблари: қори поччалар ва Сорахон фолбинга ўхшағанлар, яъни нафс қулига айланган

³⁶ O.Safarov, R.Barakayev, B.Jamilova. Bolalar adabiyoti. Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Buxoro: Durdona, 2019. – B. 304.

бандалар “Сариқ дев” тимсолида гавдалантирилса, “Сариқ девнинг ўлими” романида товламачи, юлғич, чайқовчи, ҳар қандай разилликни қила оладиган, ҳаётда тўғри яшайдиган Салимжон ака кабиларга доим ёмонлик қилувчи, жамият қонун-қоидаларига бўйсунмайдиган Одил баттол каби кимсаларни ёзувчи “Сариқ дев” дея тасвирлайди.

“Сариқ девни миниб” ва “Сариқ девнинг ўлими” романлари гарчи ўзбек болалар адабиётидаги дастлабки саргузашт типига асарлар бўлса-да, сюжетининг қизиқарлилиги, болаларбоплиги, содда ва самимийлиги, миллий ўзига хос тасвир услуби туфайли дунё болаларининг севимли асарига айланишига сабаб бўлган. Адиб асарларининг бир неча дунё тилларига таржима қилиниши, асарларининг тиражи ва қайта-қайта нашр этилиши бўйича “Ўткан кунлар”, “Сароб” ва “Шум бола”дан кейин учинчи, дунё миқёсида энг болаларбоп асарлар рейтингда “Сариқ девнинг ўлими” бешинчи ўринни эгаллаши³⁷, уч-тўрт авлод вакилларининг севимли асари сифатида қўлма-қўл бўлиши бежиз эмас.

Буларнинг барчаси ёзувчи асарларига берилган ҳақиқий баҳо.

“Сариқ девни миниб” романи ва асар қаҳрамони Ҳошимжон ўзбек болалар насрининг энг яхши намунаси сифатида кенг китобхонлар ва адабиётшунослар томонидан муносиб баҳоланган. Бу баҳо асарнинг турли нашриётларда миллионлаб нусхаларда қайта-қайта нашр этилишида яна бир қарра намоён бўлади.

“Сариқ девни миниб” ва “Сариқ девнинг ўлими” романларининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда Ҳошимжон образининг ҳаётийлигини таъминлаган жиҳатлар М.Қўшжонов, У.Норматов, С.Мамажонов, П.Шермухаммедов каби адабиётшунослар томонидан чуқур таҳлил қилинган.³⁸

³⁷ Ғафуров А. Ғаройиб салтанат. Дунёга танилган адиб. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2012. – Б. 48.

³⁸ Қўшжонов М. Моҳият ва бадиият. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1977; Норматов У. Саргузашт сардори. – Тошкент: Адиб, 2012; Мамажонов С. Сайланма. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981; Шермухаммедов П. Она сутидек покиза. – Тошкент, 1975.

Ҳошимжон образини замонавий “Шум бола” деб атаган М.Қўшжонов Ҳошимжон характерининг шаклланишини уч муҳим босқичга ажратиб кўрсатади. У Ҳошимжоннинг қалпоқчани топиб олиши ва ўқимай турли касбларни эгаллаши билан боғлиқ саргузаштларини биринчи босқич деб ҳисобласа, Сорахон фолбин, Данак, Бодом, Ёнғоқ қори каби сохта дин кишиларига қарши кураш билан боғлиқ воқеаларни иккинчи босқич эканлигини айтиб, ана шу икки босқич Ҳошимжон характерининг шаклланишида учинчи босқич учун кўприк, тайёргарлик босқичи эканлиги, ҳар учала босқич бир-бири билан узвий боғлиқлиги, бирисиз иккинчиси, иккинчисиз учинчиси ҳаракатлана олмаслиги, бир-бирини тақозо қилишини кўйидагича таъкидлайди:

“Бундан кейин қаҳрамон характерида учинчи ва масъулиятли нуқта бошланади. Асардан шундай таассурот пайдо бўладики, қаҳрамон гўё ўзини нимагадир тайёрлайди, энди ўша тайёргарликка кўра ишга тушиши керак. Ёзувчи шунга лойиқ вазифа ҳам топиб беради. Бу фирибгар, текинхўр ўғрилardan халқ мулки ва осойишталигини сақлашга қодир бир вазифа – милиция ходими”³⁹ликни юклайди.

Адабиётшунос олимнинг ушбу таъкидлари “Сеҳрли қалпоқча”дан “Сариқ девнинг ўлими”гача бўлган жараён ёзувчи ижодидаги изчиллик ва узвийлик нақадар таъминланганини тасдиқлашга хизмат қилади ҳамда бу вазифа Ҳошимжоннинг “Сариқ девнинг ўлими” романидаги саргузаштларига асос бўлганлигини кўрсатади.

“Сариқ девни миниб”, ҳаттоки “Сариқ девнинг ўлими” асарларида захарханда қаҳқаҳа билан ардоқли табассум ҳамиша ёндош ҳолда келади ва асарларига ўзига хос жозиба бахш этади”, – дея ёзади адабиётшунос У.Норматов⁴⁰.

³⁹ Қўшжонов М. Моҳият ва бадиият. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1977. – Б. 228.

⁴⁰ Норматов У. Саргузашт сардори. – Тошкент: Адиб, 2012. – Б. 18.

Ҳақиқатан ҳам ёзувчи асарларида асар воқеаларининг энг таранг нуқталарида ҳам қаҳрамонларининг фавқулодда ҳаракатлари, сўзлари шу қадар қулгили вазиятларни юзага келтирадики, қулмасликнинг иложи бўлмайди. Шундай бўлса-да, ёзувчининг “Сариқ девни миниб” ва “Сариқ девнинг ўлими” асарларида “саргузаштдан кўра жиддий адабиётга хос таҳлил услуби устувор” эканлиги, “гап айтиш” хусусиятига эгаллиги, жамиятдаги жиддий иллатларга муносабат билдириши, ниманики сарқит, иллат деб билса, унга қарши аёвсиз курашишини кўрамыз.

“Сариқ девни миниб” романида Ҳошимжоннинг нафси бузуқ Ёнғок қори дамлаб қолганида оғзига терак навдасини солиб, дамлаб қолган молга қилинадиган ишни қилиши, ола сигирларига шундай қилса дами тарқаша ҳақидаги фикри ёки бувиси билан Узунқулоқ пир ҳақидаги суҳбатда Узунқулоқ пир қайси фандан дарс ўтган деб сўраши лавҳалари фикримизнинг далилидир. Биринчи ҳолатда ёзувчи нафси бузуқ Қори поччаларнинг асл башарасини очиш орқали жамиятда ана шундай очкўзлик иллатини йўқ қилиш кераклигини тасвирлаган бўлса, иккинчи лавҳада ўта даражада соддалик, билиб билмай ҳар хил нарсаларга ишониш, эргашиб кетавериш тўғри эмаслигини қулги остига олади.

Х.Тўхтабоев асарларидаги бундай билиб-билмасликка олиш (ёзувчи билиб туради, лекин китобхон билмайди) усули мумтоз адабиётимиздаги “Тажоҳили ориф(она)” (арабчадан олинган бўлиб, “билиб-билмасликка олиш” деган маънони англатади) шеърини санъатини эслатади. Бироқ ёзувчи асарларида билиб-билмасликка олиш айнан тажоҳили ориф санъатидагидек билиб-билмасликка олиш орқали бирор нарсани бўрттириброқ тасвирлашга эмас, балки қутилмаган вазиятда қулги яратиш, бу орқали жамиятдаги бирор иллатни йўқотишга қарши кураш қуроли вазифасини ўтайди.

Ўзбек адабиётида саёҳатнома типидagi асарлар кўплаб яратилган. Бундай асарларда кўпроқ саёҳат саргузаштлари билан бирга саёҳат қилинган жой тасвири, табиати, одамларининг ўзига хос характерли жиҳатлари

тасвирланади. Жумладан, Муқимийнинг “Саёҳатнома”, Фурқатнинг саёҳат таассуротлари ана шундай асарлардандир.

Саёҳат саргузаштлари тасвири жаҳон адабиёти тажрибасида ҳам кўплаб учрайди. Масалан, Жонатан Свифтнинг “Гулливернинг саёҳатлари” асарида ҳам асар қаҳрамони бир неча хаёлий мамлакатларга саёҳат қилади.

Мумтоз адабиётда яратилган саёҳатномаларда ҳам, жаҳон адабиётида ёки ўзбек болалар адабиётида яратилган саёҳат саргузаштларига бағишланган асарларда ҳам сатира ёки юмор асосида жамиятдаги турли иллатлар қораланганлигини кўрамиз.

Гарчи мумтоз адабиётимизда кўплаб саёҳатномалар яратилган бўлса-да, ўзбек болалар адабиётида саёҳат саргузаштлари тасвирланган асарлар яратилмаган эди. Бу йўналишдаги асарлар ўзбек болалар адабиётида илк бора Х.Тўхтабоев ижодида юзага келди. Шунинг учун ҳам адабиётшунос олим А.Расулов “Худойберди Тўхтабоев болалар адабиётининг жасур реформаторларидан биридир. У болалар адабиётига саргузашт, саёҳат, фантастикани олиб кирди”⁴¹, – деганида тўла ҳақли эди.

Х.Тўхтабоев яратган “саёҳатнома”нинг мумтоз адабиётда яратилган “Саёҳатнома”лардан фарқи шундаки, мумтоз адабиётда яратилган бу тип асарларда асар бош қаҳрамони кўпинча ижодкорнинг ўзи бўлса, Х.Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” романида бош қаҳрамон ижодкорнинг ўзи эмас, Ҳошимжон ҳисобланади.

Иккинчидан, Муқимийнинг “Саёҳатнома”си ва шу каби асарларида саёҳат давомида жамиятдаги иллатлар, амалдорларнинг халқ ҳаётига бепарволиги чеккадан кузатилиб, қораланса, “Сариқ девни миниб” ва “Сариқ девнинг ўлими” романларида Ҳошимжоннинг ўқимай бирор касб эгаси бўлиш йўлидаги саргузаштлари орқали Ҳошимжонга ўхшаган болалар илм олишга ундалади, ўқимай яхши агроном, шоир, умуман, ҳеч қандай касбни

⁴¹ Расулов А. Бетакрор ўзлик. – Тошкент: 2009. – Б. 186.

эгаллаш мумкин эмаслиги, бу хатти-ҳаракатнинг оқибати кулгига қолиш билан яқунланиши таъкидланади.

“Сариқ девни миниб” романида асар қаҳрамони юрт бўйлаб саёҳатга чиқса, “Ширин қовунлар мамлакати” романида “Гулливернинг саёҳатлари” ва “Билмасвой билан дўстларининг бошидан кечирганлари” асарларидаги сингари хаёлий мамлакат бўлмиш Ширин қовунлар мамлакати ва Ҳандалак шаҳрига саёҳати тасвирланган.

Диссертациямизнинг биринчи боб учинчи фаслида Билмасвой ва Ҳошимжон образлари қиёсий таҳлилга тортилган. Шундай бўлса-да, Н.Носов асари ҳам саёҳат саргузаштлари типиди бўлганлиги учун ушбу фаслда ҳам баъзи фикрларни келтириб ўтишни жоиз деб топдик.

Билмасвой саргузаштларининг асосий қисмида унга сеҳргар чол томонидан совға қилинган сеҳрли таёқча турса, унинг сеҳрли таёқчани кўпчилик ҳолатларда нотўғри қўллаши оқибатида келиб чиққан баъзан кулгили, баъзан эса ачинарли ҳолатлар, аслида, ҳеч нарсани билмаса-да, ўзини ҳаммадан ақлли ҳисоблайдиган Билмасвойнинг исми жисмига том маънода мослигини тасдиқлашга хизмат қилиши билан ҳам ёш китобхон учун, бир жиҳатдан, қизиқарли бўлса, иккинчи томондан, ибратлидир.

Сеҳрли таёқча жаҳон халқлари “сеҳрли” эртақларида турлича қиёфаларда намоён бўладиган сеҳрли буюм намунаси сифатида Н.Носов асарида воқеалар ривожини янада қизиқарлироқ қилиш ва асар бадииятини янада юксалтиришга хизмат қилган бўлса, Пўлат Мўмин дастлабки икки романни таржима қилиш билан бу асарларни ёш ўзбек китобхонларининг ҳам сеvimли китобларига айлантирди. Х.Тўхтабоев эса Билмасвойнинг сеҳрли таёқчасидан ижодий фойдаланиб, адабий таъсир маҳсули сифатида “Сеҳрли қалпоқча”, “Сариқ девни миниб” ва “Сариқ девнинг ўлими” роман-трилогияси билан ўзбек болалар адабиётига Билмасвойнинг сеҳрли қалпоқча кийиб олган ва, айниқса, билимсизлиги билан унга жуда ҳам ўхшаб

кетадиган Ҳошимжон деган акаси пайдо бўлишига сабаб бўлди десак, хато бўлмаса керак.

Ёзувчи “Сариқ девни миниб” романидагидан фарқли равишда “Ширин ковунлар мамлакати” асарида Ҳандалак шаҳридаги порахўрлик, таниш-билишчилик каби иллатларга қарши курашади. Бинобарин, Ҳошимжоннинг ҳамда Акрам Мадумаровнинг саргузашт саёҳатларини шунчаки саёҳат таассуротлари эмас, балки ёзувчи ижодий концепциясига хос бўлган курашчанлик, жамиятдаги иллатларга қарши ёзувчининг фаол гражданлик муносабати деб ҳисоблаш зарур.

1.3.§. “Сариқ девни миниб” ва “Сариқ девнинг ўлими” романларида анъанавийлик ва бадий маҳорат

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Давлат дин ишига, дин давлат ишига аралашмаслиги” белгиланган. Лекин тарихга назар ташласак, шоҳлар бирор ишни бошлашдан олдин шайхулисломлар, илми нужум билан шуғулланувчи кишилардан маслаҳат сўраган, улар юлдузлар жойлашувига қараб шоҳга шу ишни бошлаш ёки бошламаслик ҳақида кўрсатма беришган. Ҳатто улар ўзларини подшоҳлардан ҳам улуғ билишган ва кўпинча тўғрилиқ эмас, ёлғон тарафдорлари бўлиб, давлат, тож-тахтга душманлик пайида бўлишган. Бунга мисол тариқасида “Навоий” романидаги шайхулислом, мунажжимларнинг Ҳусайн Бойқарога юлдузлар жойлашуви сизнинг мағлубиятингизни айтаяпти, дея башорат қилиши, аслида душманлар билан тил бириктирганлигини ёки “Юлдузли тунлар” романида шайхулисломнинг Кўҳинур олмоси садақа қилинса, Ҳумоюн тузалиши ҳақида айтган фикрлари аслида шу олмосга эга бўлиш учун айтилганлиги тасвирларини келтиришимиз мумкин.

Алишер Навоий ижодида ҳам ана шундай сохта дин кишилари, риёкор шайхлар қиёфаси очиб берилган. Шоирнинг “Шайх” радифли ғазали, “Ҳайрат ул-аброр” достонининг тўртинчи мақолати айнан риёкор шайхлар

хусусида бўлиб, “Ҳайрат ул-аброр” достонининг тўртинчи мақолати (18-боб) сарлавҳаси “Хирқа кийган риёкор шайхлар хусусидаким, уларнинг олдида ҳақиқий либос дегани ҳийла-найранг кийимидир, авом халққа ўргатадиган ҳақиқат ва билимлари эса аҳмоқлик, ҳақиқий майхўрлар тўғрисидаким...” деб номланади ва ушбу мақолатда сарлавҳадаги фикрлар изоҳланади.

Шоир фикрича, бундай кишилар сохта шайхлар, улар кийган хирқанинг ямоқлар билан тўлиб тошгани уларнинг ҳокисорлигидан эмас, балки бу ямоқлар сохта художўйлик ва риё иплари билан тикилгани, аслида бу ямоқлар уларнинг пулларини, бойликларини яшириш учун атай кўйилганлиги, ипи ёлғон ипидан, игнаси иблиснинг мўйлабидан эканлиги айтилади.

Бу тоифа кишилар ўзларини одамларга энг яқин дўст, Ҳизрга ҳамроҳ деб айтсаларда, аслида кийимларига маҳкам қилиб тугиб олган наша ранги уриб кийими яшил ранг бўлиб қолгани, ҳилват жойларда тоат-ибодатда эмас, ана шу нашани чекиб олиб, ўзларини еттинчи осмонда ҳис қилишларини шоир жуда чиройли тасвирлаб берган.⁴²

Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссасида ҳам ана шундай мадрасани макон қилиб, фиску фасод, ўғрилиқ, нашавандлик билан шуғуллинувчи сохта диндорлар тасвирланган.

“Сариқ девни миниб” романида ҳам Сорахон фолбин, Ёнғоқ, Бодом, Данак қори каби халқни орқасидан эргаштириб, тўю маъракаларда дастурхоннинг гули бўлиб, қайтишида уч сўм пул, бир калла қанд деганларидек, тугунчакни қўлтиқлаб, масжидда дин, иймон, инсоф ҳақида ваъз қиладиган, аслида динни ниқоб қилиб, халқни алдаб, мол-давлат учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган риёкорлар образлари тасвирланган. Бинобарин, романда Алишер Навоий ва Ғафур Ғулом асарлари анъаналарини давом эттириш билан бирга ўзига хос бадиий маҳоратини ҳам кўрамыз.

⁴² Қаранг: Navoiy Alisher. Hayrat ul- abror. – Toshkent: G’afur G’ulom nomidagi NMIU, 2006. – B. 302.

Алишер Навоий ва Гафур Гулом асарларида сохта диндорлар, риёкор шайхлар кескинлик билан фош этиш, яъни сатирик йўлдан фойдаланилган бўлса, “Сариқ девни миниб” романида ёзувчи бундай кишиларни юмор орқали фош қилишни мақсад қилган.

Асар қаҳрамони Ҳошимжон бироз гўл, билимсиз бўлса-да, содда, кувнок, шу билан бирга бироз кув, ҳар қандай ҳолатдан осонгина чиқиб кета оладиган, гап-сўзлари, қилиқлари, ўзини тутиши билан ҳаммани кулдирадиган, ўзи ҳам қўшилиб куладиган, керакли ўринларда заррача кулмайдиган бола. Унинг айнан ана шу жиҳатлари романда кўплаб юморларни юзага келтирган.

Романнинг “Сариқ девни миниб” (иккинчи қисм) қисми Хўжа қишлоқ тасвири билан бошланиб, Узунқулоқ ота зиёратгоҳи ҳақидаги фикрларга уланиб кетади. Ҳошимжон зиёратгоҳ ҳақида гапириб, “Бувижонимнинг айтишича, Узунқулоқ отага астойдил сиғинган одам муроди мақсадига етмасдан қолмас экан”, – дея давом этади:

“– Аълочи ҳам бўлиб кетадими? – деб сўрайман бувижонимдан.

– Ҳа, аълочи ҳам бўлиб кетади, – тушунтирди бувижоним”⁴³.

Диалог давомида Ҳошимжон бувисидан Узунқулоқ ота қайси фандан дарс ўтган, деб сўрайди. Айнан ана шу ҳолат ўзига хос кулгу яратади. Чунки Ҳошимжон бувисининг ўта художўй экани, зиёратгоҳга, Қори поччаларга ихлоси баланд эканини билади, лекин пинагини бузмай берган саволи юморга сабаб бўлади.

Романда Ҳошимжоннинг синглиси Донохоннинг тоби қочиши, Сорахон фолбин “кинна соладиган аппарат”да кинна солиши, Қори поччалар чилёсин қилишлари бола тилидан жуда чиройли, самимий тасвирланган.

Чилёсинга айтиб келинган Қори поччалар кўча эшиқдан бир-бирларига “қани, марҳамат қилсинлар”, “ўзларидан бўлсин” деб мулозамат қилишлари

⁴³ То‘хтабоев Х. Sariq devni minib. – Toshkent: Yangi asr avlodi. 2013. – B. 82 (ушбу манбадан олинган кейинги мисоллар саҳифаси қавсда кўрсатилади).

Муқимий “Саёҳатнома”сидаги Хўжа ва Ҳакимжонларга ўхшайди, аслида манфаатлари тўқнаш келса, улар бир-бирларини хомлайн ейишга тайёр кимсалар эканлиги асар давомида очиб берилади.

Воқеа давомида чилёсин учун қўй сўйилгани, ярми қозонга қайнатма учун солингани, “Қори поччалар ким ўзарга бош силкитиш”лари тасвирланади. Аслида, намоз ўқиганда, Қуръон тиловат қилганда, албатта, чилёсинда инсон бутун вужуди билан, ихлос билан худо билан мулоқот қилиши зарур, романда эса “Қори поччалар бош силкитиш”дан нарига ўтмасликлари тасвирланган.

“Данак қори амаким менга ўхшаб қайнатма шўрвани яхши кўрса керак, нега десангиз, икки кўзи ҳовлидаги ўчоқда: қозонга картошка тушадими, пиёз тушадими, ҳаммасини кўриб, кузатиб турибди” (“Сарик девни миниб”, 102).

Ана Қори поччаларнинг асл башараси, буёқда бемор ўламан деб турганда қорин ғами билан овора. Буниси ҳали ҳолва, давомига эътибор қаратамиз.

“Бир маҳал бўйнини чўзиб:

– Келин, иккитагина гармдори ҳам ташлаворинг! – деб илтимос қилиб қолса бўладими” (“Сарик девни миниб”, 102).

Қозонга нима тушишини томоша қилиб тургани ҳам майли, “иккитагина гармдори ташлаворинг” дейишига бало борми?! Ёзувчи “Қори поччалар”нинг ҳақиқий башарасини очиб ташлашда шу билан чекланмай, янада кульминация даражасида кулгу остига олади:

“Ёнғоқ қори поччам дадамдан жуда кўрқар экан. Нега десангиз, дадам уйга кирди дегунча, овозини баланд чиқариб қироат билан ўқийди. Чиқиб кетса, яна овози ичига тушиб кетади-ю, фақат “бай-бай-бай” дегандек бошини силкитиб ўтираверади” (“Сарик девни миниб”, 102).

Бошига катта салла ўраб “қори почча”ларга айланиб олган бу сохта диндорларнинг, риёкорларнинг устидан бундан ортиқ кулиб бўлмаса керак, назаримда.

Асарда “қори почча”ларнинг исмлари ҳам ўзига хос тарзда, ҳар бирларининг қиёфаларидан келиб чиқиб изоҳланган. Хўш, нима учун ёзувчи уларга Данак, Бодом, Ёнғоқ деб исм берган? Бизнингча, инсон олма, ўрик ва бошқа меваларни кўриб чириган, қурт еган, пишган ёки пишмаган деб фарқлаши мумкин. Лекин данак, бодом, ёнғоқ мағизлари қобиқ билан ўралганлиги боис ичи тўқ ёки пучлиги, ширин ёки аччиқлигини билиб бўлмайди. Балки шу жиҳатни ҳисобга олиб, юзига дин ниқоби ўралган “қори почча”лар айнан Данак, Бодом, Ёнғоқ деб номланиши ҳам рамзий маънога эга бўлса керак деб ўйлаймиз.

Романда “Қори почча”лар молу давлат учун ҳар қандай манфур ишдан қайтмайдиган, найрангбоз кишилар эканлигини кўриш учун Узунқулоқ ота зиёратгоҳидаги ўргатилган илон воқеасини эслаш кифоя. Ёнғоқ қори зиёратчилар зиёратгоҳга нарзу ниёзни кўпайтириш кераклиги, одамларнинг дилига шайтон васваса солиб зиёратгоҳнинг бузилиши, ўрнига лагер қурилиши лозимлигидан ҳазрати Узунқулоқ пирнинг арвоҳлари безовта эканлиги, юртга офат ёғилиб, аждарҳо пайдо бўлганлигини ваъз қилиши, шу пайтда катта илон пайдо бўлиб, одамлар ваҳимага тушгани, илон ўргатувчи билан уч юз сўмга келишиб халқнинг, оломоннинг назарида гапларининг тасдиғи сифатида кўрсатмоқчи бўлгани, Ҳошимжон сеҳрли қалпоқчани кийиб илонни чопиб ташлагани тасвирланган. Шунда ҳам Данак қори халқ олдига намойишкорона чиқиб, буларнинг барчаси Узунқулоқ отанинг шарофати эканлигини айтади. Одамларни эҳсонни кўпайтиришга чорлайди. Ҳошимжон “пул демагани ёғилиб кетгани”, Данак қорининг чопони унгури тўлганини айтади.

Халққа қилган ваъзида Ёнғоқ қори одамларнинг рўза тутмаслиги, намоз ўқимаслиги натижасида гуноҳга ботаётгани, шунинг учун халқнинг

бошига оғир кунлар тушаётганини айтади. Ҳошим ва Зокирларни инсу жинслар чангалзорга бойлаб кетгани, Ҳазрати Данак қорига сариқ дев ҳамла қилганини мисол қилиб келтиради. Аслида колхоз полизидан қовун ўғирлаб келаётган Данак қорини Ҳошимжон ва Зокир Сарик дев деб ушлаб ургани, кейин ўша ерда ухлаб қолганини ўқиган китобхон “Қори почча”лар учига чиққан ўғри, ёлғонни сувдек симирувчи кишилар эканлигини ҳам билиб олади.

Ўлим ҳақ. Ҳар бир мўмин кунига ўлимни эслаши, бўйнига олиши, шундай қилинса, инсон бу дунёдаги ҳар хил ёмон одатлардан тийилиши диний китобларда айтилган. Жаннат ёки дўзах бу дунёда қилинган амалларнинг натижаси. Асарда ёзувчи жаннат ҳақидаги Ҳошимжон ва Ёнғоқ қорининг суҳбати орқали “ҳақиқий” диндорнинг ҳақиқий қиёфасини моҳирлик билан чизади:

- Жаннат яхшими-а? – деб сўрайман.
- О, нимасини айтасиз, бўтам!
- Икковимиз ўша ёққа кета қолсак бўлмайдими-а?
- Нима?! – қори поччам шартта ўрнидан туриб кетади, – тавба қилдим де, шайтонбачча” (“Сариқ девни миниб”, 132).

Аслида-ку, ҳар бир инсон у дунёда жаннатни орзу қилиши тайин. Шундай бўлса Ёнғоқ қори нега сапчиб тушади? Жуда бўлмаса, ҳар бир ишнинг вақти билан бўлишини тушунтирмайди. Ёзувчи енгилгина кулгу, киноя билан Ёнғоқ қори қандай инсон эканлигини Ҳошимжоннинг гангитувчи саволи орқали очиб берган.

Х.Тўхтабоев “Қори почча”лар қиёфасини яратишда Абдулла Қаҳҳорга хос сатирик услубдан фойдаланади, яъни ёмон кўрган образининг шунчаки бир-икки ёмон жиҳатларини тасвирлаб қўя қолмай, бир йўла уни тепиб балчиққа киритиб юборганлигини кўрамыз.

Ёнғоқ қорининг мурид овлаб қишлоқма-қишлоқ айланиб, хуржунларни тўлдириб, нафси бузук ҳайитда ўлар деганларидек, кўп овқат еб қўйиб,

сигирга ўхшаб дамлаб қолиши тасвири бу гал ёзувчининг шунчаки енгил кулиб кўйишига сира ўхшамайди. Одатда, моллар дамлаб қолса, кўпни кўрган кишилар унинг оғзига керги солиб ҳайдаш орқали дамни қайтарган. Ҳошим ҳам шундай ҳолатни ола сигирларида кўрган эди, дарров шу усулни ишга солади:

“Йўғонлиги теша сопидек келадиган керги кесиб, қори поччамнинг оғзига кўндаланг солдим-да, салласи билан бўйнига чандиб, икки қўлини орқасига қайриб турдим. Устозим калтакни чайнаб, ўқчиб, кўзлари олайиб, тер босиб, беш-ўн минут қийналдию, бора-бора қорни пасайиб, ёрилган коптокдек пуч бўлиб қолди” (“Сарик девни миниб”, 137).

Жуда ачинарли ҳолат. Халқимизда “Сомон бировники бўлса ҳам сомонхона ўзиники”, – деган нақл бор. Бизнинг “қори почча”, балки бу нақлни эшитгандир, лекин нафс ўлсин, одамни не кўйларга солмайди, дейсиз.

Ёнғоқ қорининг нафси бузуқлиги ҳам майли, ёзувчи унинг ўлардек майхўр эканлигини ҳам чиройли очиб берган:

“ – Бай-бай-бай! – дейди қори поччам пиёладагини симириб, – обикавсарнинг ўзи-я!

– Қори почча, мен ҳам жиндак ичсам майлими? – деб сўрайман баъзан, – менинг ҳам юрагим қисилиб кетяпти.

– Юрагингиз қисилмай ўлсин, бўтам, – деб уришиб беради қори поччам, – бу болалар учун заҳарнинг ўзи-я!” (“Сарик девни миниб”, 139)

Навоий “Ҳайрат ул-аброр”да риёкор шайхлар тасвирида ҳам шунга ўхшаш фикрларни келтирса, Х.Тўхтабоев шунчаки қори поччалар майхўр деб айтиб қўймай, чиройли далиллаб кўрсатишни маъқул кўрган. Навоий риёкор шайхлар ҳақидаги фикрларида бундай кишиларнинг муридлари ҳам ўзларига ўхшаган кишилар бўлишини айтади.

“Сарик девни миниб” романида ҳам шундай ҳолатни кўришимиз мумкин. Лагер қурилишининг бир қисми Узунқулоқ ота зиёратгоҳига тўғри келгани сабабли қори поччалар тиш-тирноғи билан қурилишга қарши

чиқадилар. Чунки зиёратгоҳ бузилса, уларнинг иши касодга учрарди. Хошимжоннинг қалпоқча орқали Ёнғоқ қорини зиёратгоҳ бузилишига мажбурлаши, бу хабарни оммага етказишда сансоларлик бўлиши, охири Ёнғоқ қори Данак қорига “сиз Узунқулоқ ота авлодларидансиз” дейиши китобхонда кулгу уйғотади. Данак қори эшакнинг авлодими? Қабрга кетмон солиб қовлаганда у ердан эшак суяклари топилгани, зиёратгоҳнинг мўловдор қассоби урғочи эшак суяги эканлигини айтиши, бу қабрда қўшни қишлоқлик Раҳим ўтинкашнинг эшаги ётганлиги маълум бўлади. Бир вақтлар эшагининг бели синиб, унга ўрганиб қолган ўтинчининг жониворни эъзозлаб ҳудди инсонни кўмгандек қабрга қўйилиши, ўткинчилар йиғлаб турган ўтинчидан кимнинг қабри деб сўраганларида Ҳазрати Узунқулоқ пиримининг деб жавоб қайтаришидан эшак “пир”га айланиши ва қабрга мрамрдан сағана қўйилиши тасвирланади. Бу хабарни тоғда яшайдиган бир юз ўттиз тўртга кирган чол сўзлаб беради.

Маҳаллий аҳолининг кўр-кўрона “қори почча”ларга ишониб зиёратгоҳга сиғиниб келганлигини ёзувчи ўткир кулгу, киноя орқали тасвирлайди. (Ёзувчи айнан ана шу тасвирлар орқали етмиш йил давомида СССРга кўр-кўрона сиғиниб келинганини ишора қилади.)

“Бир юз йигирма етти йилдан буён диндорлар сиғиниб келган, бели синиб ўлган урғочи эшак – ҳазрати Узунқулоқ пиримининг суяклари мана шу бўлади... Қўл теккизилмасин, штраф ўн сўм” (“Сариқ девни миниб”, 171).

Романда қори поччалар устидан кўп ва хўп қулинади. Ёзувчи ҳам, биз ҳам ҳамма қорилар шундай дейишдан йироқмиз. Романда Хўжақишлоққа таъриф берилганда бошқа қишлоқ масжидларидан қувилган, қочганлар шу қишлоқдан қўним топиши таъкидланган. Балки асар қаҳрамонлари ҳам ана шундай қочган, писган кимсалардан.

Нима бўлганда ҳам ёзувчининг қалам олишига сабаб бўлган мавзу ҳар бир давр учун ҳам долзарбдир. Бугунги кунда ҳам динни ниқоб қилиб, диний билими суст, онгида ғоявий бўшлиқ мавжуд бўлган ёшларни йўлдан оздириш

билан шуғулланаётган, асл ниятлари бузғунчилик, ҳокимият бошқарувига эришиш бўлган экстремистик гуруҳлар мавжуд эканлиги, ёшлар кўр-кўрона уларга эргашаётганлигини ҳисобга олсак, “Сариқ девни миниб” романи бугунги кун учун ҳам ўта долзарб мавзунини ёритган асар сифатида қимматли.

Аслини олганда, бу масалага халқимизнинг минглаб йиллик миллий, маданий, тарихий, диний қадриятлари тикланаётган бугунги кун нуқтаи назаридан бошқачароқ муносабат билдириш ҳам мумкин. “Сеҳрли қалпоқча”нинг Ҳошимжон Сорахон фолбин қаллоблигини фош қилиши тасвирларига бағишланган фасли сарлавҳаси “Худонинг елкасига игна санчдим” деб қўйилган⁴⁴. Асарнинг 1991 йилдан кейинги нашрларида, яъни “Сариқ девни миниб”да бу сарлавҳа “Шайтоннинг елкасига игна санчдим” деб ўзгартирилган. Узунқулоқ ота зиёратгоҳига макон қуриб олган Ёнғоқ қори, Бодом қори ва Данак қорилар кирдикорлари тасвирларининг якуни эса мозорга эшак кўмилгани аниқланиши билан яқунланади. Эҳтимол, ёзувчи тасвирлаган ушбу воқеаларда муайян ҳақиқат бўлиши ҳам мумкин. Лекин адабиётшуносликда ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга айланиши ҳақидаги талаб ҳам бор-ку! Аслида, бу тасвирлар шўро тузумининг атеистик, яъни даҳрийлик, эътиқодсизлик дунёқарашини талабларидан келиб чиққанлиги аниқ. Чунки, истаимизми, истамайизми, Х.Тўхтабоев ҳам ўша давр одами, коммунистик партия аъзоси, шўро мафқураси ёлғонларига мутлақ ҳақиқат деб ишонган қанчадан қанча ижодкорларнинг биттаси бўлган. “Сеҳрли қалпоқча” ҳам ўша давр маҳсули. “Сеҳрли қалпоқча”даги “Худонинг елкасига игна санчдим” сарлавҳасининг истиқлолдан кейин “Сариқ девни миниб”да “Шайтоннинг елкасига игна санчдим” деб ўзгартирилиши шундан далолат беради. Бугун биз минг йиллик эътиқодларимизга қайтаётган эканмиз, юртимиздаги шўро даврида омборларга айлантирилган ёки вайрон қилинган юзлаб масжиду зиёратгоҳлар қайта тикланаётган, обод қилинаётган экан, юқоридаги биргина салбий мисол бадиий ҳақиқатга айлана оладими?

⁴⁴ Тўхтабоев Х. Сеҳрли қалпоқча. – Тошкент: Ёш гвардия, 1965. – Б. 11.

Назаримизда, масалага ушбу нуқтаи назардан қараш ҳам ҳақиқатга ҳилоф эмас. Фикримизни яна бир мисол билан асослашга ҳаракат қиламиз. Ушбу асарнинг Эрвин Умеров томонидан 1965 йилда амалга оширилган русча таржимасида айни шу қисмлар қисқартирилган. Ушбу қисқартиришлардан Х.Тўхтабоев хабардор бўлгани, уларга розилик бергани ҳам аниқ. Чунки таржима жараёнида муаллиф розилигисиз асар сюжетиға сезиларли ўзгартиришлар киритиш мутлақо мумкин эмас. Асарнинг бир қатор бошқа тилларға таржималари ҳам Э.Умеров таржимаси асосидадир. Лекин бу қараш Х.Тўхтабоевнинг обрў-эътиборига заррача путур етказмайди. Унинг сеҳрли қалпоқча ҳақидаги асарлари умуммоҳияти билан ўзбек болалар насри таракқиётиға қўшилган улкан ҳисса.

Ўзбек болалар адабиёти хазинасига ўзининг бетакрор асарлари билан салмоқли ҳисса қўшган болалар ёзувчиси, шубҳасиз, Х.Тўхтабоевдир. Унинг асарларини ўқимаган, бу асарларни ўқиб мириқиб кулмаган, асар қаҳрамонларининг характерида ўзи ёхуд ўзи таниган бирор бола ҳаётини кўз олдига келтира олмайдиган ўзбек китобхони топилмаса керак. Бунинг боиси эса ёзувчи болалар ҳаётини синчковлик билан кузатганлигида, бола характери ни теран тасвирлашида, бир сўз билан айтганда, ёзувчи ўзини боладек ҳис қила олишидандир. Х.Тўхтабоев асарлари юморға бойлиги, фантастиканинги кучлилиги билан ажралиб туради.

Ҳар бир ижодкор шахсининг шаклланиши, камол топишида устоз санъаткорлар асарларига ижодий эргашиш, ижодий таъсирланиш ўзига хос ўрин касб этади. Ёзувчи асарларини ўқир экансиз, устоз санъаткор Ғафур Гулом ижоди анъаналарини кузатасиз.

“Шум бола” қиссасининг энг кульминацион нуқтаси “бир ёлғондан қирқ ёлғон”, яъни Қоровойнинг Сарибой бўлис ёниға бориши, унинг эзмалик билан берадиган “иннай кейинчи” деган саволиға жавоб қайтариши воқеалари кулгуга бойлиги билан ўқувчини мириқиб кулишға чорлайди.

Х.Тўхтабоев романларида ҳам ана шундай ҳолатларни кузатамиз. Академик М.Қўшжонов “Сариқ девни миниб” ва “Сариқ девнинг ўлими” асарлари ҳақида фикр билдириб, “Шундай қараганда, “Сариқ девни миниб”, “Сариқ девнинг ўлими” баъзи хусусиятлари билан Ғафур Ғуломнинг “Шум бола”сини эслатади. Худойберди Тўхтабоев қаҳрамонлари ҳам “Шум бола” қаҳрамони сингари зийрак, серфаҳм, чакқон...

Бирок, Худойберди Тўхтабоевнинг қаҳрамони замонавий “шум”лардан”, дея эътироф этади⁴⁵.

“Шум бола” қиссасида асар қаҳрамонининг уйдан сариёғ ва тухум олиб қочиш воқеалари оқибатида уйдан қувилиши тасвирланса, “Сариқ девни миниб” асарида Ҳошимжон кўчага қувилишининг товуқларга дон бермаслик саҳнаси билан бошланишини кўрамиз:

– Нега товуқларга дон бермадинг, деяпман, нима, кулоғинг деворнинг остида қолганми?

– Овқатини ўзи топиб есин-да. Токайгача текинхўрлик қилишади, – деб гапни чалғитмоқчи бўлдим.

– Вой, ўлмасам, сувам бермаганга ўхшайсан.

– Ойи, товуқлар сув ичмайдиган бўлиб кетган...

– Шунақами?

– Ҳа, шунақа...” (“Сариқ девни миниб”, 263).

Юқорида келтирилган парчадаги охириги диалог “Шум бола”даги Қоравойнинг ўғри деб қистовга олиниси воқеаларига ўхшаш. Қиссада асар қаҳрамонини уст-боши қон (эшак сўйиб қон бўлган) ҳолатда кўрган оломон ўғри деб ўйлаб, унинг шериклари ҳам бор деб қистовга олади, шунда асар қаҳрамони “эшакни ҳам сўйдим, бойни ҳам тўнадим, энди сени ҳам ўлдираман” дегандаги ҳолати айнан юқоридаги диалог билан ўхшаш:

– Шунақами?

⁴⁵ М.Қўшжонов О‘зига хос ижод соҳиби / Х.То‘хтабоев. “Sariq devning o‘limi” romaniga “So‘ngso‘z”. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2010. – B. 263.

– Ҳа, шунақа...”

Ҳар иккала ҳолатда ҳам асар қаҳрамонларининг қистовдан кейин жаҳл устида айтган нутқи келтирилади. Фақат “Шум бола”да ноҳақликка чидай олмаслик, ўзини оқлай олмаганидан ўғрилиқни тан олиши тасвирланса, “Сариқ девни миниб” романида айтган ёлғони фош бўлиб, ойисидан дакки эшитган Ҳошимжоннинг ҳақиқатни фош этиши тасвирланган.

Юқоридаги парча “Шум бола” қиссасидаги боғ айланиб юрган Сарибой бўлиснинг Қоровойни кўриб қолиши, Қоровой “Қандил пишибди”, - деб айтганда бойнинг эзмалик қилиши лавҳаларига ҳам ўхшайди. Бойнинг “иннай кейинчи” деган саволига жавоб бера олмаган Қоровой роса саваланади ва жони оғригач, “Энди билдим, ейиш керак”, - деб жавоб беради. “Сариқ девни миниб” романидан келтирилган парча давомида ҳам шунга ўхшаш тасвир бор:

“Ножўя гап айтиб қўйган бўлсам керак, оймим катта калтакни олиб қувлашга тушди. Уч марта ҳовлини айландим-да, кўча эшик олдига бориб эгилиб салом бердим ва бир хатлаб ўзимни кўчага олдим. Ўша ердан туриб:

– Бир ҳафтадан бери сув берганим йўқ. Тухумини порошок қилиб туғаверсин! – деб бақирдим” (“Сариқ девни миниб”, б).

Ҳошимжоннинг тухумини порошок қилиб туғаверсин, деб бақариши “Шум бола”даги “Энди билдим, ейиш керак”нинг замонавий “шум бола”ча талқини.

“Шум бола” қиссасида пичоқнинг синиши, отнинг ўлиши, кўрғон ва омборнинг ёниши, Бўрибойваччанинг дарахтдан йиқилиб ўлиши, Адол опанинг ўғилчали бўлиши каби занжирли ёлғондан кейин Қоровой ушланиб жазоланганда “ахир айтгандим-ку, бироз ёлғон гапираман”, – деб айтганда Сарибой “сал ёлғонинг шу бўлса, ҳаммасини айтсанг одамни ўлдирар экансан-да”, – деб жиғибийрон бўлади.

Х.Тўхтабоев шу тасвирлардан романда усталик билан ижодий фойдаланган. Асарда тасвирланишича, Ҳошимжондан ойиси кунига олган

баҳоларини сўрар эди. Ҳошимжон бизники доим беш-да, – деб жавоб берса, ойиси уни эркалатиб қўяр эди. Кунларнинг бирида баҳоларни сўрамай, кундалигини кўрсатишни сўрайди:

“Ранг-қутим ўчиб кетди, нега десангиз, ишнинг бу ёғи сал ишқалроқ эди-да.

– Кундалигим ўқитувчимизда қолган, – деб қутулмоқчи бўлдим.

– Папкангни оч деяпман!

Бошқа иложим бўлмаганидан папкани очиб, секин кундаликни чиқариб бердим.

– Бу нима? – сўради ойим.

– Икки.

– Буниси-чи?

– Уч.

– Нега ёлғон гапирдинг?

– Ким ёлғон гапирибди, – дедим бўш келмай, – икковини қўшса беш бўлади, ойижон!” (“Сариқ девни миниб”, 7).

Юқорида келтирилган юморга бой ёлғон тасвири “Шум бола”дан ижодий таъсирланишдан юзага келган бўлиб, шу билан бирга замонавий кўринишга эга.

“Шум бола” қиссасида Қоровойнинг дандон сопли пичоқ синиши, от харом ўлиши, омбор ва қўрғон ёниши билан боғлиқ ёлғонларидан Сарибой ўлар аҳволга тушса, Адол опанинг ўғилли бўлиши билан боғлиқ ёлғон ўлганнинг устига тепган бўлади.

“Сариқ девни миниб” романида ҳам худди шундай ҳолатга дуч келамиз. Юқорида келтирилган тасвирда икки ва уч баҳолардан “беш” бўлган бўлса, асарнинг давомида учта баҳодан “беш” ҳосил бўлишини кузатамиз:

“Ойим қошларини чимириб, қўллари қалтираб, кундаликни варақлашда давом этди.

– Бу нима?

- Икки, ойижон.
- Буниси-чи?
- Буниси физикадан олинган баҳо.
- Хўп, мана бунисига нима дейсан?
- Ҳеч нарса деёлмайман, лекин ойижон, учовини қўшса беш бўлади” (“Сарик девни миниб”, 7).

Ушбу диалогдан Ҳошимжоннинг бироз ёлғончилиги билан бирга сўзга уста эканлигини ҳам кўрамыз. Чунки, биринчи саволга “икки” деб жавоб бериб, иккинчи саволга яна “икки” деб жавоб қайтармай, “физикадан олинган баҳо”, – деб жавоб қайтаради. Учинчи саволга “бир” деб жавоб қайтармай, “учовини қўшса беш бўлади” деган жавоби мактаб таълимида “бир” баҳонинг йўқлиги, шундай баҳо олганлигини айтишга уялганлигини кўрсатиши билан бирга, ҳар қандай вазиятдан силлиқ чиқа оладиган уддабурон бола эканлигини кўрсатади.

“Шум бола”даги “қувилиш”дан “Сарик девни миниб”даги қувилиш бироз фарқли, яъни бу асарда қувилишнинг бошланиши олтинчи саҳифада бошланиб, лекин батамом қувилмайди. Ҳақиқий қувилиш асарнинг ўн биринчи саҳифасида давом этади:

“ – Дарс тайёрламасанг, уй ишларига қарашмасанг, сингилларингга кун бермасанг, кун бўйи муштлашсанг – сени ўлдириб қўя қолмасамми, – деб ойим кўлидаги таёқни менга қараб отди. Чап бериб қолдим. – Йўқол, кўзимга кўринма!” (“Сарик девни миниб”, 11)

Асарнинг “Шайтоннинг елкасига игна санчдим” деб номланган бобида Ҳошимжон сеҳрли қалпоқчани излаб қишлоқ чеккасидаги ташландиқ эски ҳовлига боради. Ана шу ташландиқ ҳовли тасвири “Шум бола”даги ўғрилар макон қилган уй тасвирига жуда ўхшаш эканлигини кузатиш мумкин.

Қоровой бир девона дарвешнинг изидан изма-из келади, дарвеш бир эски ташландиқ ҳовлига кириб кетади. Қоровой ҳам киради. Асарда ҳовлининг жуда ваҳимали эканлиги дераза табақасининг шамолда енгилгина

очишиб-ёпилиши натижасида дерзанинг бир кўз ойнаси синиб ерга тушиши билан янада ишонarli тасвирланган.

“Сарик девни миниб” романида ҳам шунга ўхшаш тасвир келтирилади: “Ташландик уйдан хунуги бўлмас экан. Қайси бурчакка қараманг, ажинами, алвастими, кўзини лўқ қилиб менга бақрайиб турганга ўхшайди. Ҳатто назаримда икки марта бўри ҳам кўрингандек бўлди” (“Сарик девни миниб”, 12).

“Шум бола” қиссасининг энг юморга бой лавҳаларидан бири, шубҳасиз, икки севишганнинг ўчоқ бошида хуфия учрашувидаги ош ейиш тасвиридир. Тандир ичидаги Қоровой қўлини чиқариб иккала севишган билан тенгма-тенг ош ея бошлайди. Шунда уни ушлаб олиб сўроққа тутишса, у “бировнинг ўчоқ бошисида ўзинг нима қилиб юрибсан”, – деб жавоб беради. Ошиқ йигит ҳайратга тушиб, “– Тавба”, – деса, Қоровой ҳам “Тавба” деб жавоб қайтаради. Айни шу тасвирларнинг ижодий таъсири “Сарик девни миниб” романида кўзга яққол ташланади:

“Шу пайт совуқ ош томоғимга тикилиб ҳикичоқ тутиб қолса бўладими, бунақасига илгари ҳеч учрамаган эдим. Ўзиям нақ ўн беш минут нағма қилдим-да.

– Тавба! – деди ойим у ёқ – бу ёққа қараб.

– Тавба! – деди синглим ҳам ёқасини ушлаб” (“Сарик девни миниб”, 13).

Ушбу келтирилган парчада ҳар иккала асарни “Тавба” деб ҳайратланишдан ташқари, ош ейиш тасвири ҳам боғлаб туради. Фақат бирида ўчоқ бошидаги иссиқ ош, иккинчисида музлатгичдаги совуқ ошдан ейиш натижасида “Тавба” деб ҳайратга тушиш тасвирланган.

“Сарик девни миниб” романида Ҳошимжон бир неча фанлардан ўзи ва дўстига чораклик баҳоларни чиқариб кўйиши, ўқитувчилар ва мактаб директори шу кетишда кетаверса тузукроқ одам чиқмаслиги, ўқимай бирор касб эгаси бўла олмаслик ҳақида қилинмаган насиҳат қолмагани

тасвирланади. Шундан сўнг Ҳошимжон ўқитувчилари ва директор Отажон Азизовичга аччиқ қилиб, кимлигини кўрсатиб қўйиш, қаҳрамонликлар кўрсатиб қўйиш мақсадида сафарга отланади. Айнан шу ҳолат “Шум бола”даги “Довдираш”нинг бошланишига ўхшайди.

Юқорида “Шум бола” ва “Сарик девни миниб” асарларининг баъзи ўринларини таққосладик. Бундан мақсад эса фақат асарларнинг ўхшашликларини очиб бериш эмас, балки ижодий таъсир масаласига эътибор қаратиш, “эски” шум бола билан “замонавий” шум болани таққослаш орқали ёзувчининг бадиий маҳорати масаласини очиб беришдан иборат эди.

Халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётда “сайёр сюжетлар” атамаси қўлланилиб, ҳудудидан қатъи назар, бир хил ёки бир-бирига айнан яқин бўлган сюжетлар тушунилади. “Адабиётшунослик луғати”да сайёр сюжетларга қуйидагича таъриф берилган: “...турли халқлар оғзаки ижодида бир-бирига ўхшаш сюжетлар мавжудлиги адабий асарлар бир маданий-тарихий ҳудуддан бошқа маданий-тарихий ҳудудларга кўчиб юриши билан изоҳланади”⁴⁶.

Адабиётшуносликда “сайёр образ” атамаси мавжуд бўлмаса-да, сайёр сюжетлардагидек бир хиллик, кўчиб юриш характери сюжетга эмас, образга хос бўлганда қандай ном билан аталишини узоқ ахтардик, охири сайёр образлар деб аташ тўғри бўлади деган фикрга келдик. Тўғри, кўчиб юриш, такрорланиш хусусиятлари образнинг бошқа турларида ҳам мавжуд, шундай бўлса-да, сайёр образ тушунчаси умумлаштириш даражасига кўра образнинг бошқа турларидан фарқ қилишини ҳисобга олдик.

“Умумлаштириш даражасига кўра бадиий образнинг яна адабий-маданий анъаналар доирасида муайян турғун шаклга айланиб, асардан асарга кўчиб юриш хусусиятига эга бўлган мотив, топос, архетип деб юритилувчи кўринишлари ҳам ажратилади. Мотив (мотив образ) шаклий ва мазмуний

⁴⁶ Д.Куронон, З.Мамажонов, М.Шералиева. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр. 2013. – Б. 268.

жиҳатлардан муайян турғунлик касб этган, бир ёки бир неча ижодкорнинг асарларида қайтарилиб туриши билан уларнинг ижодий интилишларини намоён этувчи образдир”, – дейилган “Адабиётшунослик луғати”да⁴⁷. Бундай образлар инсон қиёфасидаги образлар бўлмай, мавҳум тушунчалар ёки турдош отларни ифода этувчи тушунчалар кўринишида бўлади. Топос мотивга нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, у миллий маданиятда катта бир адабий давр мобайнида такрорланувчи образ саналиб, мумтоз шеърятда учрайди. Пайғамбарлар, гул ва булбул, шам ва парвона каби такрорланувчи образлар мисол бўла олади. “Адабиётшунослик луғати”да архетипга таъриф берилиб, инсон тафаккури, ижодий тасаввурига хос бўлган турғун “схема”лар, конструкциялар, қолиплар тушунилиши, уларнинг изларини энг қадимги даврлардан бошлаб то ҳозирги адабиётгача кўриш мумкинлиги айтилган. Юқорида кўриб ўтганимиздек, вазифа жиҳатдан бир бўлса-да, ҳар бирининг ўзига хос жиҳатлари борки, сайёр образ тушунчасини фарқламаса бўлмаслиги аён бўлади.

“Сариқ девни миниб” романида Ҳошимжоннинг синфдош дўсти Ақром исмли бола тасвирланган. Романнинг “Ақром бўри ушлабди” бобида Ақромнинг бўри боласини ушлаб олгани, Ҳошим билан бирга аравага қўшмоқчи бўлиши, кучук боласи билан бўри боласини аравачага қўшиб цирк томошаси уюштирмақчи бўлиши билан боғлиқ воқеалар тасвирланган. Романда Ҳошимнинг фанлардан ўзлаштира олмагани учун синфдан синфга қолиб кетишида айнан Ақром ҳам синфдан қолиб кетиши келтирилади.

Романнинг “Хотима” қисмида Ҳошимжон лагердаги болаларга бошидан ўтганларини сўзлаб берадиган жойи бор. Шу ерда болаларнинг Ақром нима бўлди, – деган саволига “Ақромнинг бошидан ўтганларини кейин гапириб бераман, оғзим оғриб кетди ахир...” деб ваъда беради. “Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги” романида ёзувчи

⁴⁷ Ўша жойда.

Ҳошимжон тилидан эмас, асар қаҳрамони, яъни Ақромнинг ўз тилидан кейинги тақдирини ҳикоя қилади.

Ёзувчининг “Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги” романида ҳам яна шу қаҳрамон тасвирланган. “Сариқ девни миниб”да асар қаҳрамонининг исми Ақром бўлса, “Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги”да Ақбар исми билан киритилган. Бу икки романдаги қаҳрамонлар балки бошқа-бошқадир деб ўйлайсиз, лекин “Ширин қовунлар мамлакати...” романида асар қаҳрамони “Ўқиган бўлсангиз, эсингиздадир, ўша китобда “Ақбар бўри ушлабди” деган боб ҳам бор. Бўрининг боласини ушлаб олганим тўғри, уни аравачага қўшиб цирк томошаси кўрсатмоқчи бўлганим ҳам рост. Лекин Ҳошимнинг шу бўри боласига маҳлиё бўлиб Ақбар яхши ўқий олмай, олтинчи синфда қолиб кетди, дегани ғирт ёлғон”,⁴⁸ деб таништиришидан англашиладики, икки асарда иккита исм билан тилга олинса-да, бу асар қаҳрамонлари бир экан. Балки асар қаҳрамонининг яна бир исми бордир, шунинг учун “Ширин қовунлар мамлакати...”да Ақром эмас, Ақбар деб ёзгандир, лекин ҳар икки романи ўқиганингизда бир инсон ҳақида гап кетаётганини кўрасиз.

“Сариқ девни миниб” романида Ақром эпизодик образ сифатида тасвирланган бўлса, “Ширин қовунлар мамлакати...”да Ақбар бош қаҳрамон сифатида гавдалантирилган.

Ҳар иккала романда ҳам асар қаҳрамони икки, уч баҳоларга ўқийдиган, ўзлаштириши суст бўлган, қолюқ ўқувчи сифатида тасвирланса-да, сиз ундан бешиб қолмайсиз. Чунки уни ёзувчи шундай тасвирлайдики, у содда, беғубор, шу билан бирга, ҳар қандай вазиятдан осонгина чиқа оладиган бироз қув бола сифатида намоён бўлади.

Ёзувчи эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги курашни анъанавий шакл (халқ оғзаки ижодида ҳам учрайди) – “сеҳрли қалпоқча” тилсими воситасидан фойдаланиб, очиб беришни мақсад қилган.

⁴⁸ То‘хтабоев Х. Shirin qovunlar mamlakati yoki sehrgarlar jangi. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2006. - B. 9.

Х.Тўхтабоев романларидаги “сайёр образлар”дан яна бири сеҳрли қалпоқча образидир. “Сариқ девни миниб” романида Ҳошимжоннинг саргузаштларига шерик, унинг беминнат ёрдамчиси, яқин дўсти сифатида сеҳрли қалпоқча образи тасвирланган.

Сеҳрли қалпоқча образи ҳам ёзувчи романларидаги кўчиб юривчи сайёр образлардан бири. Сеҳрли қалпоқча ёрдамида Ҳошимжон жуда кўп саргузаштларни бошидан кечиради. Сора фолбиннинг кирдикорларини, Ёнғоқ, Бодом, Данак қориларнинг кўзбўямачилик билан қилиб юрган ишларини фош этади. Бир қанча касб эгаси бўлиш билан боғлиқ орзуларини амалга оширишда сеҳрли қалпоқча қаҳрамонга яқин кўмакдош бўлади.

Асарда сеҳрли қалпоқча ҳамма нарсага қодир: хоҳласа, Ҳошимжонга бўй кўшиб беради, хоҳласа диплом... Лекин ақлга келганда, ўзимда ҳам шу зормандадан йўқ-да, ақл семиз-семиз китобларда бўлади, деб таъкидлайди. Ҳошимжон асарнинг охирида фақат сеҳр-жоду билан ўйлаган мақсадига етиша олмаслигини тушунгач, сеҳрли қалпоқчани нима қилишни ўйлайди. Сеҳрли қалпоқча қаердан олган бўлса, ўша ерга қўйишини, ҳали Ҳошимжонга ўхшаган болаларга керак бўлишини айтади.

Роман “Хотима”сида Ҳошимжон лагердаги дўстларига “Охири, ўйлай-ўйлай сеҳрли қалпоқчамни унга (фанларни ўзлаштира олмаган Ақромга) совға қилишга қарор қилдим”, – дея ҳикоя қилади. “Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги” романида қалпоқча тилидан Акбарнинг қалпоқчага унча аҳамият бермагани, Сойбоши қишлоғига кўчиб кетаётганида молхонадаги тўсиннинг тагига қистириб кетганини эслатади.

Сеҳрли қалпоқча ёрдамига муҳтож болалардан яна бири “Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги” романидаги Акбар Мадумаров образи эди. Шу боис ҳам “Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги” романининг йигирма биринчи боби (“Ҳошимжоннинг сеҳрли қалпоқчаси ёрдамга келибди”)дан бошлаб Ҳандалак шахрини сарқитлардан

тозалаш, инсонлар умрини узайтиришдек буюк орзуларини амалга оширишда сеҳрли қалпоқча Акбарга ёрдамга келади.

“Сариқ девни миниб” романида Ҳошимжон Кашмир қишлоғидан келган бувисидан сеҳрли қалпоқча ҳақида эшитгандан сўнг уни роса кидиради, охири топади. “Ширин қовунлар мамлакати...”да эса Акбар қалпоқчани кидирмайди, касалхонада қийналиб ётганида қишлоғини, синфдош дўстларини эслаб хаёл сураётганда қалпоқча Акбарнинг исмини айтиб чақириши, Акбарнинг кўрқиб аланглаши, охири қалпоқча билан учрашуви тасвирланган. “Сариқ девни миниб” романида Ҳошимжоннинг кизиқувчанлиги, қалпоқча сирини текшириб кўриш билан боғлиқ орзуси орқали улар учрашиб қолишса, “Ширин қовунлар мамлакати...”да ёрдамга муҳтож Акбарга сеҳрли қалпоқча кўмак беришга ўзи етиб келиши билан фарқланади.

Сеҳрли қалпоқча билан Акбар кўплаб хайрли ишларни амалга оширади. Шунинг учун Ҳандалак шаҳрида профессор Дар Даража, профессор Акбар Акбарий ва яхшилик рамзи бўлмиш сеҳрли қалпоқчаларга ҳайкал қўйилади. Бу орқали ёзувчи ҳар иккала романда ҳам сеҳрли қалпоқчанинг асарни ҳаракатлантирувчи образ эканлигини таъкидламоқчи бўлган.

Х.Тўхтабоев романларини ўқир экансиз, мактаб мавзуси, қолақ ўқувчилар-у, уларни тартибга чақирувчи фан ўқитувчилари, мактаб директорларига дуч келаверасиз. “Сариқ девни миниб” романида алгебра ўқитувчиси Қобилов, мактаб директори Отажон Азизовлар Ҳошим ва Ақромларни ўқишга ундайди, ўқимаса ҳеч қандай касб эгаси бўла олмаслигини айтади. Табиийки, бола характерида қилма деган ишни қилишга мойиллик кучли бўлади. Ҳошимжон ҳам ўзини кўрсатиб қўймоқчи бўлади.

Романда Отажон Азизов Пушкин номли мактаб директори эканлигини Ҳошимнинг бир қанча фанларни дарс жадвалидан олиб, ўрнига футбол ҳақидаги фанларни қўйдириш билан боғлиқ мактаб директорига ёзган

аризасидан билиб оласиз. “Сариқ девни миниб” романида Отажон Азизов юмшоқ табиат, очиккўнгил инсон сифатида тасвирланган.

Отажон Азизов ҳам ёзувчи ижодидаги кўчиб юрувчи образлардан бири, яъни сайёр образ бўлиб, “Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги” романида Сойбоши қишлоғига кўчиб келган Акбардан ўқитувчи қайси мактабда ўқиганини сўраганида “Макаренкода” деб жавоб беради. Ваҳоланки, Акбар ва Ҳошимжон бир синф, бир мактабда ўқишган.

Отажон Азизов образи “Қуёнлар салтанати” романида ҳам директор сифатида тасвирланган. Роман қаҳрамонлари Эгамберди ва Каримберди Отажон Азизовнинг буйруғига асосан уч ойга ҳайдалишади. “Қуёнлар салтанати”да Отажон Азизов Азизов домла деб келтирилади. Азизов домла қаттиққўл, айтганини қилмаганларни ўқувчими, ўқитувчими мактабдан ҳайдайдиган раҳбар. “Азизов домла ўзининг қайта-қайта таъкидлашича, шу мактабда эллик йилдан буён ишларкан”, – дея ҳикоя қилинади асар қаҳрамони Эгамберди тилидан.

Отажон Азизов образи икки романда икки хил характерда, бирида юмшоқ табиат, иккинчисида қаттиққўл қилиб тасвирланган. Балки Отажон Азизовни қаттиққўл қилган ҳолат мактабда ўтган эллик йиллик умридир, балки “Сариқ девни миниб” романида у бироз юмшатиброқ тасвирлангандир. Бироқ ҳар икки романда ҳам характери қандай тасвирланишидан қатъи назар, Отажон Азизов таълимга панжа орасидан қарайдиган ўқувчиларни ёқтирмайдиган раҳбар.

“Сариқ девни миниб” романидаги Ҳошимжон, “Қуёнлар салтанати” романидаги Эгамберди ва Каримбердилар Отажон Азизовнинг, ўқитувчиларнинг “ўқимасанг ҳеч ким бўла олмайсан” деган гапларидан таъсирланиб изланса, интилса яхши натижаларга эришиш мумкинлигини Ҳошимжон аъло баҳоларга ўзлаштириб, Эгамберди ва Каримберди катта куёнчилик фермасини ташкил этиб, туман миқёсидаги катта тадбиркорга

айланиши билан ўқитувчининг ўқувчига “сендан ҳеч ким чиқмайди” дейиши ҳозирги педагогикада нотўғри эканлигини исботлайди.

Юқорида Х.Тўхтабоев романларидаги Ақром (Ақбар), сеҳрли қалпоқча, Отажон Азизов образлари гарчи бу асарлар бошқа-бошқа асарлар бўлса-да, кўчиб юривчи сайёр образлар эканлигини таҳлил қилиш орқали сайёр образларнинг ёзувчи асарлари сюжет қурилишида ўзига хослик яратганини ҳам кузатдик. Аслида роман дилогия, трилогия, тетралогия каби роман шаклларида бир образ унисиди ҳам, бунисиди ҳам иштирок этиши мумкин бўлади. Бундай асарларда иккинчи ёки учинчи асар ундан олдинги асарнинг мантикий давоми ҳисобланади. “Сариқ девни миниб”, “Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги”, “Қуёнлар салтанати” романлари бир неча китобдан иборат бир роман ҳисобланмаса-да, биридаги образ иккинчисига кўчиб ўтишига сабаб, бизнингча, асар ғоясидаги умумийлик, ёзувчининг ўзига хос услуби, ижодий нияти билан боғлиқ. Яъни яхши ўқиш кераклиги, ўқимаган одам ҳаётда қийналиши, умуман олганда, мактаб масаласи ёритилгани, ёзувчи бир романида айта олмаган фикри ёки тақдири ўқувчига мавҳум бўлган фикрини таъкидлаш учун хизмат қиладиган, ғоявий яхлитликни таъминлайдиган образларни кейинги асарларига сайёр образ сифатида кўчирган.

Ижодкорнинг бир хил мавзуда ижод қилиши, образларнинг бир асардан иккинчисига кўчиб юришини бадиий маҳоратнинг саёзлиги тарзида баҳолаш нотўғри. Бир хил мавзуда ижод қилса-да, бирор образ ёзувчининг бир нечта асарларида кўчиб юрса-да, такрорийликка йўл қўйилмаса, янги фикрлар айтилса, ижодкор ўзини такрорлаб қўймаса, бундай ижодкорларни бадиий маҳорати саёз деб қандай айта оламиз. Дунё адабиётида фақат уруш мавзусида ёки фақат муҳаббат мавзусида ижод қилган ижодкорлар кўп.

Нима бўлганда ҳам, ёзувчининг бу услуби ўзини оқлаган. Чунки ўқувчини бездирмайди, бир асарини ўқиса, иккинчиси унга боғлиқ асар

қахрамони тасвирланганини билган ўқувчи иккинчи асарни ҳам топиб ўқишга қизиқиши табиий, албатта.

Х.Тўхтабоев ижодида рус адабиётининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Жумладан, Николай Носов асарларининг таъсири сезиларли. Ҳар иккала ижодкор асарларини ўқиган китобхон Х.Тўхтабоев Ҳошимжонни бош қахрамон сифатида тасвирлаган асарларида муайян даражада Н.Носов анъаналаридан фойдаланганлигини англайди.

“Худойберди Тўхтабоевнинг машҳур “Сеҳрли қалпоқча” номли қиссасида ҳам Билмасвой ҳақидаги асарлар таъсири яққол сезилиб туради. Зеро Билмасвойнинг кўпгина кўргулик ва саргузаштларига сеҳрли таёқча сабаб бўлса, Ҳошимжоннинг саёҳат ва кечинмалари сеҳрли қалпоқча воситасида амалга ошади”⁴⁹.

Ҳошимжон ва Билмасвой образларида қатор уйғун жиҳатлар мавжуд. Ҳар иккала образ ҳам бирор ишга қўл урса, албатта, пачавасини чиқариши, бирор кулгуга сабаб бўлиши, ўқимай, ўрганмай яхши натижага эришиш йўлидаги ҳаракатлари фикримизнинг далилидир.

“Билмасвой кўплаб ножўяликларга йўл қўйиб, ўзгаларга кўп ташвишлар келтирган бўлса-да, тезда китобхонлар тилига тушиб, уларга ёқиб қолди. Бунинг сабабларини эса унинг феъл-атворидан қидириш керак. Аввало, Билмасвой саховатли қалб эгаси. У бирон нотўғри иш қилиб қўйса, бировни ноҳақ хафа қилса, дарров ўз айбига иқроор бўлади, уни тузатишга уринади”⁵⁰.

Ҳошимжон ҳам Билмасвой сингари билимсиз, фанларни ўзлаштира олмайдиган, бироз ёлғончи, бошлаган ишини пачава қиладиган бола бўлса-да, асарни ўқиган китобхон уни ёмон кўриб қолмайди. Чунки унинг ҳам қалби тоза, қилган хатоларидан, нотўғри ишларидан, кимнидир хафа қилиб

⁴⁹ Баракаев Р. Николай Носов ва унинг “Билмасвой”и ҳақида / Н.Носов. Билмасвой билан дўстларининг бошидан кечирганлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – Б. 6.

⁵⁰ Баракаев Р. Николай Носов ва унинг “Билмасвой”и ҳақида / Н.Носов. Билмасвой билан дўстларининг бошидан кечирганлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – Б. 5.

қўйган бўлса тонмайдиган, дарров айбини бўйнига олиб, тўғрилашга ҳаракат қиладиган самимий бола.

Бироқ шуни алоҳида қайд этиш керакки, Николай Носовнинг “Билмасвой”и “Сехрли қалпоқча”, “Сариқ девни миниб” асарларининг яратилишига туртки бўлибгина хизмат қилган, холос. Х.Тўхтабоевнинг ушбу асарларида қаҳрамонлар ҳам, асар воқеалари ҳам тубдан ўзгартирилган, Ҳошимжон эса том маънода Худойберди Тўхтабоевнинг хаёлотли, фантазияси маҳсулидир.

“Билмасвой”да ёзувчи кўпроқ сюжетнинг қизиқарли бўлишига эътибор қаратган бўлса, Худойберди Тўхтабоев асарларида қизиқарли сюжет билан бирга дидактикага ҳам етарлича эътибор қаратилган.

Билмасвой ҳақидаги асарда ҳам, Ҳошимжон ҳақидаги асарда ҳам қаҳрамонларнинг касб танлаши билан боғлиқ воқеалар тасвири алоҳида ўрин тутди. “Билмасвой билан дўстларининг бошидан кечирганлари”да Билмасвойнинг ўқимай, осонгина бирор касб эгалламоқчи бўлгани билан боғлиқ учта боб келтирилган бўлиб, улар “Билмасвойнинг карнайчи бўлгани” (2-боб), “Билмасвойнинг рассом бўлгани” (3-боб), “Билмасвойнинг шеър тўқигани” (4-боб) деб номланади.

“Билмасвой”да ёзувчи бобларни содда номлашга ҳаракат қилган бўлса, “Сариқ девни миниб”да ҳар бир боб мазмунидан келиб чиқиб номланган. “Билмасвой”да асар қаҳрамони карнайчи, рассом, шоир бўлиши билан боғлиқ воқеалар қисқагина тасвирланган. Масалан, карнайчи бўлганда карнайни ғат-ғут қилиб ҳаммани бездириши, рассомликда тагига исмини ёзиб қўймаса кимлигини билиб бўлмайдиган расмлар чизиб ўртоқларининг ғашига тегиши тасвирланади.

“Сариқ девни миниб” романида эса ҳар қайси касбни эгаллаш билан боғлиқ тасвирларда ёзувчи воқеаларга батафсил тўхталган. Жумладан, романнинг “Ҳашаротларни калтаклашга буюрдим” деб номланган 4-бобида Ҳошимжон сехрли қалпоқча ёрдамида 12-бригадага агроном бўлади.

Билимсизлиги туфайли компот билан компостнинг фарқига бормай кулгуга қолади:

“...компост жуда фойдали ичимлик, уни асосан мевалардан тайёрлашади. Меваларнинг хили қанча кўп бўлса, у шунча ширин бўлади. Бизнинг Фарғона томонларда компостни ўрик, шафтоли қоқи ва олчанинг қуруғидан тайёрлашади. Хуллас, компост ичмабсиз, дунёга келмабсиз...” “Сарик девни миниб”, 33).

Х.Тўхтабоевнинг фельетончилик фаолияти билан шуғулланганида кўплаб ҳаётий ҳодисалар, турфа инсонлар қиёфаси, характери билан танишиши асарларига ҳам ҳаётий материал бўлиб хизмат қилган. У “Оққўрғонда бир саводсиз агроном билан суҳбатда бўлиб, компост ҳақида сўраганимда “Компост” – туршак ва шафтоли қоқидан тайёрланади деб жавоб бергани ҳамон эсимда”, – дея компостнинг асарга қандай кириб келганини эслайди⁵¹.

“Билмасвой”нинг тўртинчи бобида Билмасвойнинг шеър тўқигани, шоир Гулшанийнинг шеърда қофия бўлиши зарурлиги ёки қофия қиламан деб мазмунни эътиборсиз қолдириб бўлмаслиги ҳақида Билмасвойга ўғитлари ҳамда Билмасвойнинг бир-биридан бемаза шеърлари билан танишасиз.

“Сарик девни миниб”да ҳам Ҳошимжоннинг шоир бўлиши тасвирланган. Ҳошимжон туни билан ухламай шеър ёзиб, эрталаб редакцияга бориб, шеърларини кўрсатади. Шеърлар билан танишган шоир Ҳошимжонга шеърда қофия, вазн, туроқ, маъно, мантиқ деган нарсалар бўлиши лозимлигини уқтиради, машқ қилиш кераклигини айтади. Шеъри “қасодга учраган” Ҳошимжон лаб-лунжини осилтириб ўтирмай қофия, вазн, туроқни излаб аввал магазинга, кейин культмагга, ундан хозмагга боради.

Шоир бўлиш учун ҳам меҳнат қилиш лозимлигини тушунмаган Ҳошимжон бировлар кўнгли тўлмай ғижимлаб ташлаб юборган қоралама

⁵¹Болаларнинг сеvimли ёзувчиси (М.Пирматов билан суҳбат) / Дунёга танилган адиб. – Б. 123.

шеърларининг у ёқ-бу ёғини бироз ўзгартириб, газетада ўз номидан чоп эттиради ва оқибатда шеър ўғриси (плагиат)га айланиб шарманда бўлади. Бироқ шунда ҳам ўзини ҳақ билиб редакциядаги шоирларни айблайди:

“Ўзларингчи, ўзларинг! Магазинга келган қофия, вазн, туроқларни бизга ўхшаганларга бир грамм ҳам бермасдан олиб қўясизлар-ку! Уят эмасми” (“Сариқ девни миниб”, 49).

Билимсизлик инсонни қанчалик кулгили вазиятга солиб қўйиши мумкинлиги Ҳошимжоннинг инженерлик фаолиятида яна бир бор кулги остига олинади. Лойиха билан генпланнинг фарқига бормайдиган Ҳошимжон бошчилигида қурилган ўттиз саккиз квартирали етмиш биринчи уйни қабул қилиб олиш учун келган комиссия аъзолари кулгидан ўзларини тўхтата олмайдилар. Сабаби бирови уйнинг канализацияси қолиб кетганлигини айтса, иккинчиси уй қийшиқ эканлигини, яна бошқаси тепадаги хоналарнинг ҳеч қайсисига эшик очилмагани, мисоли гугурт қутига ўхшашлигини айтиб роса хуноб бўлишади, айримлари роса кулишади. Буниси ҳам ҳолва, уй кўчага кўндаланг қуриб қўйилган.

Ёзувчи М.Пирматов билан суҳбатида “Уста бузармон” номли фельетонда кўп қаватли уйни кўчага кўндаланг қуриб қўйган “Генплан” билан “Проект”нинг фарқига бормайдиган инженер ҳақида ёзган эдим”, – дея ҳикоя қилади⁵². Демак, инженер образи (Ҳошимжон) ҳам ҳаётдан олинган. Албатта, бундай қурилишни, уни қурган “инженер”ни кўрган ҳар қандай инсон ўзини кулгудан тия олмаслиги табиий:

“Яна кулги кўтарилди. Аммо бу галги кулгида на қувонч, на шодлик, на таажжуб бор эди. Унда олам-олам нафрат мужассам. Ҳаммаси кулаяпти. Менинг устимдан кулаяпти” (“Сариқ девни миниб”, 68).

Ҳошимжоннинг ҳар бир қилган номаъқул иши ана шундай захарханда кулгига сабаб бўлади. У агроном бўладими, шоир, сайёҳ, инженер ёки артист

⁵² Болаларнинг сеvimли ёзувчиси. (М.Пирматов билан суҳбат) / Дунёга танилган адиб. – Б. 124.

бўладими, доим билимсизлиги, тажрибасизлиги туфайли ана шундай ҳолга тушаверади. У айнан шу жиҳати билан Билмасвойга жуда ўхшаш.

Ҳар иккала асар ва ҳар иккала образнинг ўхшаш жиҳатлари ҳақида Р.Баракаев шундай ёзади: “Ҳатто ҳар иккала адибнинг асар охиридаги “билимсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди”, деган хулосаси ҳам ҳамоҳангдир. Яна бир қизиқ ташқи ўхшашликка эътибор берайлик: “Билмасвой ва дўстларининг саргузаштлари” дастлаб эртак-қисса эди, кейинги икки китоб эса роман-эртак шаклида майдонга келди, “Сехрли қалпоқча” ҳам дастлаб қисса эди, кейин эса “Сариқ девни миниб”, “Сариқ девнинг ўлими” романлари пайдо бўлди”.⁵³

Н.Носов ва Х.Тўхтабоев асарларининг қатор уйғун жиҳатлари ҳақида тўхталдик. Яна бир жиҳат, асарларнинг тақдирида ҳам ўхшашлик мавжуд. Рус адабиётида Н.Носов асарларининг ўқилиш даражасига кўра М.Горкий ва А.Пушкиндан кейинги учинчи ўринда бўлса, ўзбек адабиётида Х.Тўхтабоевнинг “Сариқ дев”и “Ўткан кунлар”, “Сароб”, “Шум бола”дан кейинги тўртинчи ўринда туриши ҳам икки асарнинг ана шундай яна бир ташқи ўхшаш жиҳатидир.

Биринчи боб бўйича хулосалар:

1. Ўзбек болалар адабиётида XX аср ўрталарида роман яратиш бўйича гарчи баъзи изланишлар ҳам бўлган эса-да, том маънодаги бадиият талабларига жавоб бера оладиган романчилик тарихи бевосита Х.Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” ва “Сариқ девнинг ўлими” романларидан бошланади.

2. Х.Тўхтабоев Ҳошимжоннинг сеҳрли қалпоқча ёрдамидаги ғаройиб саргузаштларига бағишланган ушбу романлари билан ўзбек болалар адабиётида саргузашт-фантастика йўналишига асос солди.

⁵³Баракаев Р. Николай Носов ва унинг “Билмасвой”и ҳақида / Н.Носов. Билмасвой билан дўстларининг бошидан кечирганлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – Б. 6.

3. “Сарик дев...”лардаги Ҳошимжон образи “Шум бола”нинг укаси сифатида ўзбек адабиётидаги анъанавийликнинг ўзига хос кўриниши бўлса, Билмасвой (Н.Носов)га ўхшаб кетадиган қатор жиҳатлари билан жаҳон болалар адабиётидаги энг яхши анъаналарнинг ўзлаштирилиши ва ўзига хос тарзда янгилалиши нуқтаи назаридан ёзувчи маҳоратини кўрсатади.

4. Ўсмирларга мўлжалланган “Сарик девни миниб” ва “Сарик девнинг ўлими” романлари халқ оғзаки ижодидаги сеҳрли элемент, яъни сеҳрли калпоқчанинг илк бора бадиий адабиётга олиб кирилиши нуқтаи назаридан Х.Тўхтабоевнинг кашфиёти ҳисобланади.

5. Ушбу романларда саргузаштларнинг туб моҳияти маърифийлик ва тарбиявийликка маҳорат билан йўғрила олингани сабабли ҳар иккала роман нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий мамлакатларда ҳам эътибор қозониб, жаҳон халқларининг ўттиздан ортиқ тилларига таржима қилингани ўзбек болалар романчилигининг жаҳон болалар адабиётида эътироф этилишига сабаб бўлди.

6. “Сарик девни миниб” ва “Сарик девнинг ўлими” романларида асар яратилган давр, яъни даҳрийлик (атеизм)га асосланган шўро тузуми сиёсатининг баъзи салбий асоратлари ҳам сезилиб турса-да, романларнинг истиқлолдан кейинги нашрларида уларнинг қайта ишлангани ёки қисқартирилгани ёзувчининг ижодий эволюцияси, яъни асарларини нашрдан нашрга такомиллаштириш борасидаги масъулиятини кўрсатади.

II БОБ. “БЕШ БОЛАЛИ ЙИГИТЧА”, “ҚАСОСКОРНИНГ ОЛТИН БОШИ” ВА “ЖАННАТИ ОДАМЛАР” РОМАНЛАРИНИНГ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1.§. “Беш болали йигитча” романида биографик талқин ва тасвир

“Сарик дев” хақидаги асарлар яратилганидан кейин кўп ўтмай, 1975 йилда “Беш болали йигитча” саргузашт романи майдонга келди. “Сарик дев”ларда XX асрнинг 60 йилларидаги воқеалар қаламга олинган бўлса, “Беш болали йигитча”да ёзувчи йигирма йиллар орқага, ярим жаҳонни қамраб олган даҳшатли қирғин – Иккинчи жаҳон уруши даврига қайтади. Энг асосийси, романда тасвирланган воқеалар ёзувчининг ўз болалик даври воқеалари, ўз бошидан кечирган оғир кунларнинг реалистик тасвиридир.

Роман ўзбек болалар адабиётининг жонкуяр тадқиқотчиси П.Шермухаммедовнинг муфассал сўзбошиси билан чоп этилган. Кўп ўтмай, яъни 1976 йилнинг 7 июлида Москвада нашр қилинадиган “Литературное обозрение” газетасида ушбу муаллифнинг “Х.Тухтабаев. Многодетный паренек” сарлавҳали тақризи ҳам эълон қилинди⁵⁴.

Тадқиқотчи О.Назировнинг “Орифжон ва унинг укалари” мақоласи ҳам “Беш болали йигитча” асари таҳлиliga бағишланган⁵⁵. Х.Тўхтабоев ижодининг ҳассос тадқиқотчиси, дўсти ва ҳамюрти У.Норматов эса 2012 йилда ёзилган “Хонадон чироғи ўчмасин деб...” мақоласида “Беш болали йигитча” романини янада ҳар томонлама муфассал таҳлил қилган⁵⁶.

Ушбу санокларнинг ўзи ҳам, бир жиҳатдан, адабиётшунослик “Беш болали йигитча” асарини қанчалик самимий кутиб олганини кўрсатса, иккинчи томондан, уларда романнинг ўзига хосликлари, ўзбек болалар

⁵⁴ Қаранг: Шермухамедов П. Х.Тухтабаев. Многодетный паренек (1976) / Дунёга танилган адиб. – Б. 170-171.

⁵⁵ Қаранг: Назирова О. Орифжон ва унинг укалари (1976) / Дунёга танилган адиб. – Б. 100-103.

⁵⁶ Қаранг: Норматов У. Саргузашт сардори. – Тошкент: Адиб, 2021. – Б. 59-70.

романчилигида тутган ўрни ҳам шу қадар ҳар томонлама муфассал таҳлил ва тадқиқ этилганидан далолат беради.

Х.Тўхтабоев Хуршид Дўстмуҳаммад билан суҳбатлашар экан, ушбу асарининг майдонга келиши сабаблари ҳақида: “Беш болали йигитча” эса... Бу роман менинг кўз ёшларим...” дейди⁵⁷.

Дарҳақиқат, “Беш болали йигитча” романи сюжетини ёзувчи таржимаи ҳолининг Иккинчи жаҳон уруши даврида кечган оғир кечмишлари саҳифалари билан қиёсласак, бу романни “кўз ёшларим” дейишида у тўла ҳақлигининг гувоҳи бўламиз. Аслида, бундай ҳолат, яъни болаликка қайтиш болалар адабиёти учун янгилик ҳам эмас. Жаҳон адабиётининг жуда кўп намояндалари ёшлари бир жойга бориб қолганда болаликка қайтиб, болалик даврининг хотираларида қолган ёрқин хотираларини, улар ижобий бўлиши ҳам мумкин, салбий бўлиши ҳам мумкин, тиклаш орқали болалар адабиётининг баркамол намуналарини яратганлари маълум ҳақиқат.

Асарнинг дастлабки саҳифалари, бир қарашда, XX аср 30-йиллари охирлари ўзбек қишлоғининг ўша давр одамларига таниш бўлган оддий тасвирлари сингари таассурот қолдиради. Чунки бой-бадавлат одамлар ёт унсурлар сифатида кулоқ қилиниб, узоқ юртларга сургун қилинган. Қишлоқлардаги барча ерлар колхозларга бирлаштирилиб, эркагу аёл барчаси тонг саҳардан қоронғи кечгача далага сафарбар қилинган. Бир пайтлар бойларнинг ерида мардикор бўлиб ишлаб, бири икки бўлмаган одамлар, гўёки, ўз ерларига эга бўлганлар. Даладан йиғиштирилган ҳосил ҳам гўё барчанинг бирдай фаровон ҳаёт кечиришига хизмат қиладигандай.

Асар бош қаҳрамони Орифжонлар оиласи ҳам эл қатори: ота-она тонг саҳардан ярим кечгача колхоз даласида, барча уй юмушлари, табиийки, тўнғич фарзанд бўлмиш ўн тўрт яшар Орифжоннинг зиммасига тушади. Бир эмас, икки эмас, беш ука ташвиши елкасига тушган бола бечора уй юмушлари ва укаларига қарашдан ортиб, ҳатто ўртоқлари билан биров бўлса-

⁵⁷ “Китобингни эл ўқисин” (Хуршид Дўстмуҳаммад билан суҳбат) Дунёга танилган адиб. – Б. 132.

да, ўйнагани кўчага ҳам чиқолмайди. Орифжон характериға чизгиларни ёзувчи асарнинг ушбу дастлабки саҳифаларидан чиза бошлайди. Табиатан ҳазилкаш бўлган Орифжон ҳар нарсадан фазилат қидириб, ўзини овутишга ҳаракат қилади, “укаларимни кўтаравериб бўйим ҳам ўсмай қолган” дейди. Демак, ҳазилкашлик, қизиқчилик Орифжон табиатининг ўзига хослигини белгиловчи дастлабки қирра экан. Аслида уй бекаси қилиши керак бўлган барча юмушларни тўнғич ўғли зиммасига юклаб қўйишга мажбур бўлган она ҳам баъзан “хайриятки, эсим йўғида сени туғиб олган эканман” деб, Орифжоннинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилади. Бироқ ота-онасининг аҳволини тушунадиган, табиатан кўнгилчан, укаларига меҳрибон Орифжонни тенгдош ўртоқлари ёмон кўрадилар. Чунки уларнинг оналари доим Орифжонни ибрат қилиб кўрсатиб, болаларига танбеҳ берадилар-да. Болалар алам қилганидан Орифжонни камситиш учун унга “беш болали йигитча” деб лақаб ҳам қўйиб олганлар. Мана, асарнинг сарлавҳаси қаердан пайдо бўлгани ҳам аниқланди.

Бироқ колхоз идораси олдидаги симёғочга илинган радиокарнайдан бирдан уруш бошлангани эълон қилинади-ю, одамларнинг одатдаги турмуш тарзи бузилади. Барча соғлом эркаклар қатори Орифжоннинг отаси Мирзаполвон ҳам урушга сафарбар қилинади. Бир қарашда, бу асар ҳам гўёки ўзбек адабиётида Иккинчи жаҳон урушига бағишланган асарларнинг биттасидай: қаттол уруш барча хонадонларнинг одатдаги турмуш тарзини издан чиқарди, қишлоқ даласидаги барча ишлар чол-кампирилар, аёллар ва нисбатан суяги қотган ўсмирларнинг зиммасига тушган.

Бу ташқи ўхшашликлар узоққа бормайди: тонг саҳардан ярим кечагача колхоз даласида тракторни бошқаришга маҳкум бўлган Кароматхон азбаройи чарчаганидан ухлаб қолиб, трактор ағдарилиб тушади ва аёл трактор остида қолиб, ҳалок бўлади. Аслида, аёлнинг ҳалок бўлишини меҳнат фронтида шаҳид бўлиш деб баҳолаш ҳақиқатга яна-да тўғри келар эди.

Ўзбекистондаги деярли барча учун бирдай бўлган ушбу ҳаёт ҳақиқатининг улкан бадий ҳақиқат даражасига кўтарилиши романда ниҳоятда ишонарли, таъсирчан ва аламли тасвирлангани асарнинг дастлабки муваффақиятидир. Ушбу қисми асарнинг кириш қисми десак, ҳақиқий саргузаштлар шундай кейин бошланади.

“Беш болали йигитча” романининг ўзбек адабиётидаги Иккинчи жаҳон уруши даври фронт орқаси воқеаларига бағишланган бошқа асарлардан асосий фарқи эса барча воқеалар марказида бош қаҳрамон сифатида ўн тўрт ёшли йигитча Орифжон образи туриши ва асар воқеалари унинг тилидан ҳикоя қилиниши, яъни болалар адабиётида илк бора шундай асар яратилганлиги билан белгиланади.

Х.Тўхтабоев ижодининг ҳассос тадқиқотчиси, дўсти ва ҳамюрти У.Норматов ёзувчи билан суҳбатида: “Беш болали йигитча” романининг туғилишидан қисман хабарим бор. Уруш йилларидаги болалик ҳақида ёзишни кўпдан бери орзу қилардингиз. Нега яна саргузашт ҳикоя йўлини танладингиз?” деб берган саволига ижодкор: “Бу кўпроқ услубга оиддир. Услуб ёзувчи ихтиёридан ташқари ички бир майлнинг талаби билан белгиланса керак. Аввалги икки романим саргузашт усулида битилган эди, бу услуб руҳиятимга хийла сингиб қолган эди. Иккинчидан, “Беш болали йигитча” романининг кўп воқеалари ўзимнинг бошимдан ўтган, айти саргузаштнинг материали эди”, – деб жавоб беради⁵⁸.

Ёзувчининг ўзи эътироф этганидек, биринчидан, унинг аввалги икки романидан бошланган саргузаштлилик “Беш болали йигитча” романида ҳам етакчи мавқе касб этса, иккинчидан, романда тасвирланган воқеаларнинг асосий қисми унинг ўз бошидан ўтган саргузаштлар билан ҳамоҳангдир. Шу сабабли ҳам асар воқеалари гарчи Орифжон номидан ҳикоя қилинса-да, унинг орқасида худди ёзувчининг ўзи тургандек таассурот қолдиради.

⁵⁸ Саргузашт ташвишлари (У.Норматов билан суҳбат) / Дунёга танилган адиб. – Б. 117.

М.Пирматов билан суҳбатида Х.Тўхтабоев болалар адабиётининг вазифаси ҳақида шундай дейди: “Менимча, болалар адабиётининг вазифаси болага ўзи яшаб турган дунёни озми-кўпми тушунтиришдан, болани келажакка тайёрлашдан иборат бўлиши керак. Ҳаётни қизиқарли қилиб беришда фантастик ва саргузашт асарлар ёзувчига қўл келади”⁵⁹.

Ёзувчи бу гапни бежиз таъкидлаётган эмас. Гарчи роман яратилган пайтда Иккинчи жаҳон уруши тугаганига 40 йил тўлган бўлса-да, қаттол уруш ўзбекистонлик ҳар бир оила бошига солган оғир жудоликлар, айниқса, ўша даврда ёш бола бўлган, отадан, акадан ва бошқа яқин қариндошлардан ажралиш жафосини ўз бошидан ўтказган Х.Тўхтабоев ва унинг тенгдошлари ёдидан шунчаки чиқиб кетадиган, осонгина унутиладиган ҳолат эмас. Урушни кўрмаган, унинг нималигини фақат китоблардан ўқиб ёки кинолардан кўриб, тасаввур қиладиган ёш авлод учун эса бундай асарлардаги баъзан кулиб, баъзан йиғлаб ўқиладиган саргузаштлар тинч, фаровон ҳаётнинг қадрига етиш руҳида тарбиялаши билан ҳам ибратли.

Орифжон саргузаштлари шу маънода ёш китобхон учун ибратнинг конидир. Аввало, ота урушга кетаётган пайтда катта ўғил сифатида унга “опанг бечорани хафа қилманглар” деб қилган илтижоси ва трактор остида қолиб ҳалок бўлаётган онанинг: “Укаларингга бош бўлгин... Даданг қайтгунча тарқаб кетманглар. Уйимизнинг чироғи ўчиб қолмасин” деб қилган васиятини бажариш йўлида ҳали ўзи ўсмир бўлган, ҳаёт тажрибаси у қадар катта бўлмаган йигитча қанчалар машаққатлар билан интилиши, ёш китобхон учун бир жиҳатдан, ўсмир характерининг ҳаёт учун тенгсиз курашларда шаклланиши нуқтаи назаридан эътиборга сазовор бўлса, иккинчи томондан, ота-она васиятини бажариш ҳар бир ўзбек фарзанди учун нақадар қадрли бурч эканлиги таъкиди сифатида ҳам улкан тарбиявий аҳамият касб этади.

⁵⁹ Болаларнинг сеvimли ёзувчиси (М.Пирматов билан суҳбат) / Дунёга танилган адиб. – Б. 124.

“Беш болали йигитча” романи 1980 йилда Э.Умаров томонидан рус тилига ўгирилиб, Москвада чоп этилади. Романнинг рус тилига таржима қилиниши ва 65 минг нусхада чоп этилиши ўша пайтдаги умумиттифок миқёсида асарга бўлган қизиқиш нақадар катта эканлигидан далолат берса, унга таниқли рус болалар адиби Альберт Лиханов сўзбоши ёзганлиги асарга бўлган алоҳида эътиборни яна бир қарра тасдиқлайди. А.Лиханов асарни қуйидагича баҳолайди: “Не раз и не два больно сжималось мое сердце, когда я читал рукопись этой книги. Но – вот удивительно! – перелистнув последнюю страницу, я чуть ли не физически ощутил, как душа полнится светом. Вызывать тепло, рассказывая о горьком, – это особый талант, дарованный не всякому. И Худайберды Тухтабаев сполна наделен им”⁶⁰.

Дарҳақиқат, қаттол уруш қасофати билан ота-онасидан ажралиб қолган Орифжон ва укаларининг турли шаҳару қишлоқларда, етимхоналар ва кўча-кўйларда ўтган сарсонлик-саргардонликдаги аччиқ саргузаштлари нақадар юракни эзиб юборадиган даражада аламли, одам боласи чидаш бериши қийин бўлган машаққатлар билан тўла бўлмасин, асар охирида унинг ука-сингиллари билан уйларига қайтишга, ота-она чироғини ўчирмасликка қарор қилиши китобхон қалбига ёрқин нур, ҳарорат олиб кириши асарнинг юксак бадииятини таъминлайдиган Х.Тўхтабоевгагина хос маҳорат мевасидир.

А.Расулов фикрича ҳам: “Худойберди Тўхтабоев маҳорати, топқирлиги шундаки, ҳаётдаги ғам-ташвиш, йўқотишларни бола қалбидаги табиий ҳаётсеварлик, қувноқлик – эзгуликка ташналик орқали нурлантира олган. “Беш болали йигитча”ни ўқиган китобхон йиғлайди, айни вақтда қаердадир унинг юзи, лабларига табассум қўнади. Кўздаги ёш, лабдаги табассум – “Беш болали йигитча” романи поэтикасининг асос, ўзагини белгилайди”⁶¹.

Асар воқеалари давомида бир йўла ҳам оталари, ҳам оналаридан ажралиб, етим қолган Орифжон ва укалари бошидан кечган оғир,

⁶⁰ Лиханов А. Добро с горьким вкусом / / Дунёга танилган адиб. – Б. 165.

⁶¹ Кўчирма У.Норматовнинг “Саргузашт сардори” китобидан олинди. – Тошкент: Адиб, 2021. – Б. 60.

машаққатли кунлар, уларнинг очлик, ялонғочликда кўчама кўча, қишлоғу шаҳарларда қанчадан қанча сарсону саргардон бўлишлари тасвирлари ҳар қандай китобхон қалбини ҳам ларзага солиши табиий. “Хўш, одам боласи дош бериши мумкин бўлмаган азобу изтиробларга тўла бу асарда нозиктаб адибу адабиётшунослар таъкидлаган ҳаётбахш, умидбахш, киши кўнглига нур, ҳарорат олиб кирадиган манба-асос нимада? Аввало, асар марказида турган эзгу мақсад – ўзи учун кадрдон онажони васияти, отаси илтижоси – уруш тўзони ўчирган уй чироғини қайта ёқиш иштиёқида ёниб яшаётган, бу йўлда ҳар қандай машаққату бало-офатларни енгиб ўтишга тайёр чин ўғлон Орифжон қалбидаги сўнмас маёқ ўша сеҳрли нур манбаидир”⁶².

Ўзбек адабиётшунослигининг икки йирик намояндаси алоҳида таъкидлаган ушбу жиҳатлар, дарҳақиқат, асарнинг ўқ илдизини ташкил қилади. Орифжон ва укаларининг бошига қандай оғир кунлар тушмасин, у баъзида иккиланиб, умидсизликка тушса ҳам тезда ўзини ўнглаб олади. Чунки унинг умидсизликка тушишга ҳақи йўқ, отанинг сўнгги илтижоси ва онасининг васияти Орифжон олдида халқимиз учун муқаддас ҳисобланган оила чироғини ўчирмасликдек улкан масъулиятни қўяди. Шу сабабли ҳам укалари тақдирини, келажагини белгилаш, аслида, Орифжон олдида турган ҳар қанча машаққатли бўлса-да, орқага чекиниб бўлмайдиган масъулиятли ҳаёт учун курашдир. Орифжоннинг ўша оғир кунларда ҳар бир инсон бошига тушиши муқаррар бўлган қанчадан қанча машаққату кулфатларни, қийинчиликларни сабот ва бардош билан енгиб ўтиши шу сабабли ҳам ҳар бир китобхон қалбига нур сочади, унинг ёрқин келажакка ишончини орттиради ва том маънодаги ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади.

“Асарга умидбахш руҳ берган иккинчи муҳим омил, унда бир қатор нурли чехралар, сиймоларнинг мавжудлигидир. Аввало, эл-юрт, мамлакат тақдири қил устида турган дамларда шу эл-юрт учун жони-танини фидо этган ота, она, қолаверса, мушкул дамларда етимлар бошини силаган, уч

⁶² Норматов У. Саргузашт сардори. – Тошкент: Адиб, 2021. – Б. 68.

фарзандини жангга кузатиб, бор-будини улар учун замбарак сотиб олишга сарф этган соддадил Парфи бува, меҳри дарё Ўрис хола, машаққатли сафар чоғи қахрамон йигитча дуч келган танти Аскар амаки, темир йўл қоровули, саховатпеша Пакана бува кабилар билан танишув китобхон дилига ажиб бир нур олиб киради; ғам-ташвишлар, изтироблар исканжасида толиққан диллардан ғам-алам чекиниб, юзларда табассум жилва қила бошлайди”⁶³.

Адабиётшунос У.Норматов алоҳида таъкидлаганларидек, аслида, ҳар бир асарга нур бериб турадиган омиллар ҳаётда жуда кўплаб учрайдиган, ҳаёт тарзини доимо ўзгаларга, айниқса, меҳр-мурувватга ташна қалбларга яхшилик қилишдан иборат деб тушунадиган ва истисносиз равишда ҳар доим шунга амал қиладиган инсонлар образлари “Беш болали йигитча” романининг ҳаётбахшлигини таъминлайди. “Онажоним бор эди...”, “Бегона элларда”, “Сарсону саргардон” ва “Она қишлоғим” деб номланган шартли тўрт қисмдан иборат романнинг қайси бир қисмида Орифжон ҳаётнинг турфа машаққатларига дучор бўлар экан, албатта, уни қўллаб-қувватлайдиган, ёрдам қўлини чўзишга тайёр, У.Норматов санаб ўтган, қанчадан-қанча бағрикенг инсонларга дуч келади. Ана шундай меҳридарё одамлар унинг бағрини тўлдиреди, қалбида келажакка ишонч-умид пайдо қилади. Ёзувчи маҳорати ҳам шунда. Чунки бадий адабиёт, айниқса, болалар адабиётининг асл мақсади ҳам шунда, у ҳар бир китобхон, хусусан, ёш китобхон қалбига, аввало, нур сочиши керак, ҳатто ҳаётнинг оғир, машаққатли дамлари ҳам яхши одамлар билан эзгулик сари йўл бошлашига ишонч руҳини тарбиялаши керак.

“Ниҳоят, яна бир муҳим омил – асар воқеалари бошдан-оёқ халқ даҳоси яратган латифа, эртак, қўшиқлар жўрлигида ҳикоя ва ифода этилганидир. Худойбердининг деярли барча романлари поэтикаси фольклор руҳи билан йўғрилган, айниқса, улардаги латифа, эртак, қўшиқларнинг ўрни махсус тадқиқот учун бой озуқа беради, ҳар бир асарда уларнинг бадий-эстетик

⁶³ Норматов У. Саргузашт сардори. – Тошкент: Адиб, 2021. – Б. 68-69.

вазифаси ўзгача. “Беш болали йигитча”дек фожиавий йўналишдаги асарда эса латифа, эртак, қўшиқлар кўпроқ асарга ҳаётбахш руҳ бахш этган, персонажларни танг вазиятлардан олиб ўтишда нажот воситаси бўлиб хизмат қилган”⁶⁴.

Х.Тўхтабоев асарларига халқ оғзаки ижодининг ҳаётбахш таъсири ҳақида фикр юритилар экан, бу руҳ унинг деярли барча асарларига алоҳида нур бағишлашини қайд этиш жоиз. Чунки, аслида ҳам, инсонга ҳар қандай оғир вазиятларда ёрдамга келадиган нарсалар, аввало, ота-боболаримизнинг минглаб йиллик ҳаёт тажрибалари натижаси бўлмиш эртагу қўшиқларда намоён бўлади. Деярли барча халқ эртаклари ва қўшиқлари ёрқин келажакка, яхшилиқнинг ёмонлик устидан ғалабасига ишонч руҳи билан суғорилгани бежиз эмас. Чунки инсон ҳамиша келажакка умид кўзи билан қарайди, ҳар қандай оғир ҳолатда ҳам вазиятдан чиқиб кетиш йўллари ота-боболар ҳикматларидан излайди. Бу борада айниқса латифаларнинг ўрни ниҳоят катта. Латифага хос бўлган ҳазил-ҳузил руҳи ҳар қандай оғир вазиятда ҳам инсон кайфиятини кўтарди, оғир кунларнинг орқада қолиб кетишига ишонч ҳосил қилади. Орифжоннинг латифалари ҳам худди шундай ҳаётбахш, у латифалар билан ўзини овутади, оғир вазиятдан чўккан руҳига озгина бўлса-да, илинж бағишлайди. “Беш болали йигитча”даги халқ қўшиқлари ҳам худди шундай, бу қўшиқлар айни шу ҳолатларга асарга ўзгача бир кўтаринкилик бахш этади ва ёзувчи бадиий маҳоратининг ўзига хос шакли сифатида намоён бўлади.

2.2.§. “Қасоскорнинг олтин боши” романида тарихийлик ва бадиий тўқима

“Беш болали йигитча” романи чоп этилганидан кейин ўтган тўрт йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Х.Тўхтабоев гўёки, дам олди, бу орада аввалги асарларининг қайта нашрларидан ташқари янги асари майдонга

⁶⁴ Норматов У. Саргузашт сардори. – Тошкент: Адиб, 2021. – Б. 69.

келмади. Лекин ўтган тўрт йиллик муддат ёзувчи учун бекорга кетмаган экан. 1980 йилда “Қасоскорнинг олтин боши” романи чоп этилди ва асар нашр қилиниши билан оғизга тушди. Аввало, китобга сўзбоши ёзган Ўзбекистон халқ ёзувчиси П.Қодиров XX аср бошларида Зарафшон водийсида рўй берган Намоз ботир бошчилигидаги халқ озодлик ҳаракати эл оғзига тушгани, машҳур рус ёзувчиси Анна Алматинская “Зулм” трилогиясида Намозни халқ қасоскори деб баҳолагани, трилогияда Намозга бағишланган бир ярим бетлик лавҳа борлиги, Абдулла Қодирий Намоз ҳақида роман ёзмоқчи бўлиб, шу мақсадда Самарқандга ва Намоз туғилиб ўсган қишлоққа бориб, унинг ўшанда тирик бўлган опаси Улуғой билан учрашгани, ундан кўп нарсаларни сўраб олгани, кейинчалик Иззат Султон “Номаълум киши” шеърӣ драмасидаги бош қаҳрамон Ниёз сиймосига Намозни прототип қилиб олгани, шундай катта ёзувчиларни қизиқтирган тарихий шахс ҳақида роман ёзиш учун истеъдод ва меҳнатдан ташқари ижодий журъат ҳам кераклиги, Х.Тўхтабоев мана шу хайрли ишга дадил қўл ургани, Намоз ботир ҳаётига оид ҳамма нарсаларни астойдил ўргангани, қаҳрамоннинг юртига бориб, уни кўрган-билган барча одамларни топиб, батафсил суҳбатлашгани ва ниҳоят, ўзидан олдинги адабий асарларда тўпланган яхши ижодий анъанани давом эттириб, бу катта мавзунини роман жанри тақозо этадиган эпик кўламда мароқли қилиб мужассам эта олгани”ни алоҳида таъкидлайди⁶⁵.

1981 йилда дастлаб таниқли адабиётшунос О.Шарафиддиновнинг “Ботирларнинг умри боқий” деб номланган салмоқли мақоласи, ундан кейин филология фанлари номзодлари М.Сатторовнинг “Намоз полвон ҳақида кўшиқ” ва Ҳ.Каримовнинг “Мардлар билан гўзал бу дунё” мақолалари юзага келди.⁶⁶ Ш.Муродованинг “Намоз ботир” мақоласида эса Намоз ҳаракати

⁶⁵ Қаранг: Қодиров П. Ботирларга ўлим йўқ (1981) / Дунёга танилган адиб. – Б. 13-15.

⁶⁶ Қаранг: Шарафиддинов О. Ботирларнинг умри боқий (1981) / Дунёга танилган адиб. – Б. 16-26; Сатторов М. Намоз полвон ҳақида кўшиқ” (1981). Шу тўплам. – Б. 98-100; Каримов Ҳ. Мардлар билан гўзал бу дунё (1982). Шу тўплам. – Б. 88-91.

билан боғлиқ бир қатор эътиборли архив материалларига таянилган ҳолда, Намоз ҳаракатининг ижтимоий асослари ва бу ҳаракат оқибатларидан бениҳоя ташвишга тушиб қолган Туркистон генерал-губернатори томонидан уни йўқ қилиш учун амалга оширилган ҳарбий ҳаракатлар тўғрисида қимматли архив материаллари келтирилган⁶⁷.

Адабиётшунослар қаламига мансуб ҳар учала мақолада “Қасоскорнинг олтин боши” романи адабиётимизда ўзига хос ҳодиса бўлгани таъкидланиб, асар ўзбек тарихий романчилигида илгари қўйилган янги дадил қадам сифатида баҳоланади. Бир асар ҳақида кетма-кет уч мақола эълон қилиниши, аслида, бежиз эмас. Чунки 1980 йилда, ҳали шўро салтанати дағдағалари кучида турган бир пайтда халқимиз миллий озодлик ҳаракатининг ёрқин бир саҳифасини шу қадар дадиллик билан қаламга олишнинг ўзи осон иш эмас эди. Шунингдек, Намоз бошчилигидаги миллий озодлик ҳаракатига муносабатлар Ўзбекистоннинг ўзида бир хилда ижобий бўлмагани ҳам маълум. Буни адабиётшунос О.Шарафиддинов ҳам алоҳида таъкидлаб: “Айрим одамлар баъзан “Намоз ҳаракати жузъий аҳамиятга эга бўлган маҳаллий характердаги стихияли, онгсиз ҳаракат эди”, “Намоз шахсий ўч олиш, бойлик орттириш учун бош кўтарган” деган фикрларни айтиб юришади. Яна баъзи бировлар эса “Намоз диний шиорларни байроқ қилиб олган, ислом номидан иш юритган” деган гапларни айтишдан ҳам тоймайди”, – дейди⁶⁸ ва фикрини далиллаш учун қуйидаги тарихий фактни келтиради: “Намоз ҳаракатининг ажойиб томонларидан яна бири шундаки, тарихий ҳужжатларда кўрсатилишича, унда ўн етти миллат вакили иштирок этган. Бу Намоз ҳаракати диний рамкаларга сиғмайдиган ҳаракат бўлганидан далолат беради”.⁶⁹

Демак, юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ёзувчи олдида ушбу асарни яратиш билан боғлиқ бир қатор муаммолар турган. Адиб

⁶⁷ Муродова Ш. Намоз ботир / Дунёга танилган адиб (2000). – Б. 103-107.

⁶⁸ Шарафиддинов О. Ботирларнинг умри боқий / Дунёга танилган адиб. – Б. 18.

⁶⁹ Шарафиддинов О. Ботирларнинг умри боқий / Дунёга танилган адиб. – Б. 19.

Ўз романи билан ҳали кўрқоқлик психологиясидан қутулолмаган қанчадан – қанча ҳамкасблари, адабиётшунослар ва тарихчиларга ҳам жавоб бера олиши керак эди. Айниқса, ўзбек болалар насрида Миркарим Осимнинг узок тарихимиз тасвирланган бир қатор тарихий қиссаларидан бошқа тарихий асарлар йўқлиги ҳам инобатга олинган бўлса, Х.Тўхтабоев олдида турган муаммоларнинг яна бир жиҳати майдонга чиқади. Бундан ташқари, истиқлол шарофати билан бугун айтиш мумкин бўлган яна бир ҳолат ҳам борки, 1980 йилда Намоз ҳаракати ҳақида асар ёзиш мўғул ёки араб босқинчиларига қарши курашган қаҳрамонлар ҳақида асар ёзиш билан бир хил эмас. Чунки шўролар ҳукумати нима бўлганда ҳам, Чор Россиясининг вориси, демакки, Чор Россияси босиб олган ҳудудларни ҳам ўзиники деб ҳисоблайди. Ҳали шўролар ҳукуматининг босиб олинган ҳудудлар устидан колониал сиёсати тугамаган бир пайтда Намоз ҳаракати ҳақида бу қадар жиддий маълумотларга асосланган асар яратиш учун ёзувчидан ниҳоятда катта жасорат талаб қилинарди.

Шу сабабли ҳам адабиётшунос О.Шарафиддинов мақоласида асарни батафсил таҳлил қилиб, “роман тўрт йиллик машаққатли изланишларнинг, тифиз ижодий меҳнатнинг самарасидир. Х.Тўхтабоев узок муддат давомида архив материалларини, Намоз устидан бўлган суд ҳужжатларини, полиция ахборотларини ўрганади. Туркистондаги инқилобий ҳаракатга бағишланган илмий-тарихий асарларни ўқийди, Намозни таниган одамларнинг хотираларини тўплайди. Оқибатда Намоз ва унинг шериклари ҳақида, Намоз ҳаракат қилган жойлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол тўғрисида бой материал йиғадики, бу давр руҳини ишонарли кўрсатишга, воқеаларни конкрет ва ишонарли баён этишга, қаҳрамонлар қиёфасини аниқ тасвирлашга имкон берган. Бироқ адабиётда фақат материал билан иш битмайди. Материал ҳар қанча бой бўлмасин, у сараланмаса, шу материал заминидаги улкан ҳаётий ҳақиқатни ифодаловчи моҳият топилмаса, ёзувчининг муваффақият қозониши маҳол. Адиб бадиий тўқима ёрдамида ижодий

фантазиясининг қуввати билан ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантиради”, – деб ёзади⁷⁰.

Ана шу, тўрт йил мобайнида заҳматлар билан йиғилган ниҳоятда катта ҳажмли материалдаги ҳаёт ҳақиқатининг сараланиб, том маънодаги бадиий ҳақиқатга айлантирила олиниши “Қасоскорнинг олтин боши” асари бадиияти ва умрбоқийлигини таъминлаган асосий жиҳатдир десак, хато бўлмаса керак. Шу боисдан ҳам Намоз ботир нафақат болаларнинг, балки катта ёшдаги китобхонларнинг ҳам севимли қаҳрамонига айлана олди.

Романга соф болалар адабиёти нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, у ўсмирлик ёшидаги китобхонларга мўлжалланган асар. Ўсмирлик эса болалик билан вояга етиш ўртасидаги поғона, бу ёшдаги бола ўзини бола деб ҳисоблашларини истамайди, у энди йигит бўлаяпти, демакки, ҳаётдан ҳам ўзига ибрат бўла оладиган, йўл кўрсатадиган қаҳрамонни излайди, худди ўшандай қаҳрамонликлар кўрсатгиси келади, барчанинг ўзига ҳавас билан қарашини истайди. Унинг қалбида энг пок инсоний туйғу – ишқ-муҳаббат секин-аста куртак отаяпти, у атрофидаги қизлар орасидан энг гўзалини, энг баркамolini танлагиси келади, ҳар бир хатти-ҳаракати билан унга муносиб бўлишга, унинг назарига тушишга ҳаракат қилади. Намоз ботир бу борада ўсмир учун энг ҳавас қилгулик қаҳрамон, чунки у озодлик учун толмас курашчи, меҳнаткаш бечора халқ дардларига малҳам, ўз юртини инглиз босқинчиларидан озод қилиш учун курашган Робин Гуд сингари том маънодаги халқ қасоскоридир.

“Қасоскорнинг олтин боши” романи нафақат ўзбек болалар адабиёти, балки Х.Тўхтабоев ижоди учун мутлақо янги ҳодиса. Асарда қаламга олинган воқеалар ҳам, қаҳрамонлар ҳам ёзувчи ижодидаги жиддий бурилиш бўлганлиги аниқ. Чунки “Сеҳрли қалпоқча” ва “Сариқ девни миниб” асарларида тасвирланган воқеа-ҳодисалар Х.Тўхтабоев учун аввалдан таниш, қаҳрамонлар ҳам ўзи ўқитувчи, илмий бўлим мудир, мактаб директори

⁷⁰ Шарафиддинов О. Ботирларнинг умри боқий / Дунёга танилган адиб. – Б. 16-17.

бўлиб ишлаган пайтдаги хулқ-атвори, феъли-табиати ҳам, ўқишга, илм олишга муносабати ҳам турли-туман бўлган ўқувчилар бўлса, “Сарик девнинг ўлими”даги воқеалар ҳам, асосан, ёзувчи ўша пайтларда фельетончи-мухбир бўлиб ишлаган муҳит вакилларида иборат эди. Бинобарин, бош қаҳрамон Ҳошимжон саргузаштлари тасвирларида ёзувчига сеҳрли қалпоқча “ёрдам”га келганини ҳисобга олсак, улар тасвирларидаги ҳаётийлик саргузашт-фантастикага йўғрилгани билан ёш китобхон учун янада қизиқарли бўлгани табиий. “Қасоскорнинг олтин боши”да эса ёзувчи мутлақо бошқа муҳитни қаламга олаяпти. Тасвирланаётган воқеалар салкам етмиш йил олдин кечган. У пайтдаги ҳаёт тарзи билан XX асрнинг 80-йилларидаги ҳаёт тарзи ўртасида етмиш йилдан ортиқроқ фарқ бор. Демак, ёзувчи тўрт йил мобайнида синчковлик билан йиққан материалларини яна ўша қадар синчковлик билан элақдан ўтказиши, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб, тарихий қаҳрамон ҳаёт йўлини нафақат қизиқарли, балки ишонарли қилиб тасвирлаши ҳам керак эди.

Адабиётшунос О.Шарафиддинов фикрича: “Қасоскорнинг олтин боши” тарихий-биографик роман эмас, шунинг учун ҳам муаллиф Намознинг ҳаёт йўлини батафсил ёритиб беришни мақсад қилиб олган эмас. Адиб ўрни-ўрни билан Намознинг етим ўсганини, Мужик қишлоғидаги Иванбой кўлида ишлаб юрганида ўқиб савод чиқарганини, рус тилини ўрганганини, ҳатто Москва ва Петербургга бориб келганини, йигитлик даври пойгаларда, улоқларда соврин талашиб ўтганини маълум қилади. Ҳикоя давомида биз Намознинг Самарқандда рус судьяси ҳузурида бир неча муддат тилмочлик қилганини, ақл-заковати, билимга чанқоқлиги, пишиқ-пухталиги билан рус тўраларининг ҳурматини қозонганини, қозилар ундан ҳайиққанини билиб оламиз. Бу маълумотлар Намоз биографиясини тўла ёритмасе-да, ҳар ҳолда

унинг характерини тушуниб олишимизга, Намозни курашга отлантирган ички омилларни аниқроқ тасаввур қилишимизга ёрдам беради”⁷¹.

Дарҳақиқат, адабиётшунос олим таъкидлаган юқоридаги ички омиллар Намоз образининг нафақат ёш китобхонни, балки муайян ҳаёт тажрибасига эга бўлган катта ёшли китобхонни ҳам қаноатлантира оладиган даражада ишонарли чиқишини таъминлаган. Намознинг ўзигагина қилинган ноҳақликлар, зулмларга қарши эмас, балки эзилган меҳнаткаш халққа қилинаётган жабр-зулмларга қарши халқ қасоскори даражасига етиши ҳам романнинг дастлабки ўн бобида етарлича асосланган. Ҳаётда кўрган жабр-зулмлари-ю ноҳақликлардан тўйиб кетиб Намоз сафига қўшилган, “кўча-кўйда очу сарсон юрган етимлар ҳаққи, бойлар эшигида қора ернинг кемасидек ишлаб, ҳаққини ололмайд юрган чўрию қароллар ҳаққи, ҳокиму тўралар қамчисидан боши ёрилган аламзадалар ҳаққи, иззат-нафси топталган йўқсиллар ҳаққи, ҳақоратлар, хўрлашлар, камситишлар белини буккан мазлум-мазлумалар ҳаққи, бойлар дунёсига ўт кўямиз!” деб ичган қасамларида Намоз сафдошларининг золимларга қарши омонсиз кураши сабабларини ёзувчи жуда ишонарли очиб берган.

Романда тасвирланган Намознинг ҳақиқий йигитларга хос мардона сифатлари тасвирланган бошқа турли воқеалар ҳам ниҳоятда ишонарли ва таъсирчан тасвирланган. Бу жиҳатдан, айниқса, Намознинг куршовга тушган пайтда бевақт тўлғоқ тутиб қолган севгилисини қутқариш учун ўз ихтиёри билан чор ҳукумати аскарларига асир тушиши лавҳалари тасвири мард йигитнинг том маънодаги мардона ҳаракати сифатида нақадар ишонарли бўлса, шу қадар таъсирчан ҳамдир. Ҳатто чор ҳукумати зобити Голов ҳам Намознинг фидойилиги ва мардлигига тан бериб, унинг ҳомиладор хотинини озод қилиб юбориши воқеалари тасвири шу қадар ёрқин тасвирланганки, бу саҳифаларни ўқиган нафақат ёш китобхон, балки катта ёшли одамнинг кўзига ҳам беихтиёр ёш келиши табиий.

⁷¹ Шарафиддинов О. Ботирларнинг умри боқий / Дунёга танилган адиб. – Б. 17.

Адабиётшунос О.Шарафиддинов фикрича ҳам: “Романнинг энг яхши саҳифаларидан бири – қуршовда қолган Намознинг ўз севгилисини сақлаб қолиш учун ихтиёрий равишда аскарларга таслим бўлгани тасвирланган саҳифалардир. Унда биз Намознинг фидойилигини ҳам, мардлигини ҳам, дойураклигини ҳам жуда таъсирли ифодалаганини кўрамиз”.⁷²

Намоз қанчалар ақлли, мард, фидойи инсон бўлса, шу қадар беғубор, ишонувчан ҳамдир. У ёнидаги йигитларга, айниқса, Арслонқулга, у неча бор панд берган бўлса ҳам, худди ўзига ишонгандай ишонади. Эҳтимолки, аслида, бу ҳам мардларга, ботирларга хос бўлган валломатлик, бағрикенглик хусусиятидир. Шу сабабли ҳам у Арслонқулнинг сотқинликкача бориб етишини ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган бўлиши мумкинлигига ёш китобхоннинг беихтиёр ишонгиси келади.

“Қасоскорнинг олтин боши” романини, аслида, ёш китобхон бир ўтиришда қўлидан қўймай ўқиб туширади. Асардаги воқеалар оқимининг кескинлиги, янгидан-янги кутилмаган саҳналарнинг кетма-кет келиб чиқавериши асар қизиқарлилигини янада ошириши табиий. Ёзувчи эса асарнинг янада ўқимишлилигини таъминлаш мақсадида ҳар бир ҳолатга ўзига хос интригалар қўшади. Шу жиҳатдан асарнинг бошидан охиригача давом этадиган Мирза Ҳамдамбой билан Намоз тўқнашувлари ёвузлик кучлари билан эзгулик ўртасидаги бир умрлик омонсиз кураш тасвирлари сифатида романнинг энг характерли саҳифалари сифатида баҳоланиши жоиз, деб ўйлаймиз. Чунки Ҳамдамбой бошқа салбий образлардан фарқли равишда асарда ниҳоятда ақлли, ўқимишли, ушлаганини кесадиган бир сўзли одам бўлса-да, ақл-фаросати, билими фақат молу мулк, бойлик орттиришга йўналтирилган, бу борада ҳеч қандай разилликдан қайтмайдиган ноинсоф, виждонсиз одам сифатида тасвирланган. Шу жиҳатдан унинг Намоздан ўч олиш учун уни “от ўғриси”га чиқариб, тухмат қилиши ва қаматиб юбориши билан боғлиқ тасвирлар Ҳамдамбойнинг ўз манфаати йўлидаги ноинсофлиги,

⁷² Шарафиддинов О. Ботирларнинг умри боқий / Дунёга танилган адиб. – Б. 20-21.

виждонсизлиги нақадар чек-чегарасиз эканлигини яққол кўрсатади. Шу сабабли ҳам улар ўртасидаги кураш романда шунчаки икки одам ўртасидаги адоват эмас, балки икки қарама-қарши қутб, яхшилик ва ёмонлик кучлари ўртасидаги бир умрлик омонсиз кураш сифатида намоён бўлади.

Ёзувчи романда ёвузлик кучлари ва эзгулик тарафдорларининг кўплаб вакиллари образларини яратади. Бироқ бу образлар тасвирида у хаамиша холисликка интилади. Масалан, ёвузлик кучларининг энг ашаддий вакили Ҳамдамбой характери ёмонликнинг барча нопок жиҳатларини ўзида жамлаган салбий образ сифатида тасвирланган бўлса, Даҳбед қозиси Шодихон Тўра ва унинг порахўр мулозими Мирза Қобил аслида, бор-йўғи бойлар кўлидаги кўғирчоқ порахўрлар эканлиги қатор воқеалар баёнида Х.Тўхтабоев услубига хос истеҳзо билан тасвирланади. Бўлис ҳокими Мирза Ҳомид характери тасвирида Х.Тўхтабоев янада ўзига хос йўл тутади. Мирза Ҳомид ҳукмрон табақа, яъни эзувчи синф вакили сифатида бир қатор ҳолатларда Намоз билан тўқнаш келса-да, аслида, унинг табиати инсоф, диёнатдан ҳам холи эмас. Ҳамдамбойнинг талончилиги, меҳнаткаш халққа қилаётган зулмларини кўриб, ҳокимликдан воз кечади⁷³.

Романда Намоз тарафдорлари қанчалик кўп бўлса, ғанимлар ҳам улардан оз эмас, уни доим кўллаб-қувватлаган ҳамқишлоқлари-ю қанчадан қанча турли миллат вакиллари бир томон бўлса, халқ қонини сўриш эвазига кун кўриб юрган амиру амалдорлар, қозию тўралар, пул, бойлик дардида уларнинг ҳамтовоқларига айланган сотқинлар бир томон. Уларнинг баъзилари асарнинг бошидан охиригача гоҳ у, гоҳ бу вазиятларда ўзларининг кимликлари, қиёфаларини кўрсатса, бир қисми бир-икки ҳолатда кўриниб, шу билан асардан чиқиб кетадиган эпизодик образлардир.

Романда тасвирланган бунга ўхшаш яна қанчадан қанча воқеалар ёзувчи ушбу асарида ҳаёт ҳақиқатига қанчалар содиқ қолган, уларни бўяб-

⁷³ Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Шарафиддинов О. Ботирларнинг умри боқий / Дунёга танилган адиб. – Б. 24-255.

бежамаган бўлса, ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантиришда ҳам бадийлик талабларига шунчалар содиқ қолганидан далолат беради. Эҳтимол, баъзи ўринларда (Намоз ва Насибанинг севги тасвирларида) ёзувчи биров сентименталликка йўл қўйган бўлиши ҳам мумкин, бироқ бир-бирига интилган икки қалбнинг қайноқ муносабатлари баландроқ пардаларда тасвирланиши ҳам муайян маънода ўзини оқлайди. Чунки бутун умри жангу жадаллар, золимларга қарши курашлар билан ўтган Намоз учун Насиба билан ўтган висол айёмлари аламу азобларни унутишнинг биргина имкони. У ҳар бир йигит сингари, озгина бўлса-да, севги нашидасини суришга ҳақли деб ўйлаймиз.

Х.Тўхтабоев асарлари ҳақида фикр юритилар экан, хоҳлайсизми, йўқми, ёзувчининг деярли ҳар бир асарига халқ оғзаки ижодининг салмоқли таъсири масаласига тўхтамасликнинг иложи йўқ. “Қасоскорнинг олтин боши”дан олдинроқ яратилган “Сеҳрли қалпоқча”, “Сариқ девни миниб” ва “Сариқ девнинг ўлими” асарларида ҳеч шубҳасиз, халқ оғзаки ижодида ўзига хос ўрин тутадиган “сеҳрли элемент”, яъни сеҳрли қалпоқча фольклордан ёзма адабиётга “кўчиб”, ушбу асарларнинг бошидан охиригача қаҳрамоннинг доимий ва садоқатли йўлдоши сифатида хизмат қилган эди. “Қасоскорнинг олтин боши”да эса тириклик пайтидаёқ кўрсатган мардлик ва жасорати билан камбағаллар ҳимоячиси сифатида эл оғзига тушиб, у ҳақда қўшиғу дostonлар яратилган ва афсонавий қаҳрамонга айланиб кетган Намоз ботир ҳақида халқ оғзаки ижодидан айри ҳолда том маънодаги юксак бадииятга эга бўлган асар яратишни ўйлаб ҳам бўлмаса керак.

Шу сабабли ҳам Х.Тўхтабоевнинг Намоз ботири қанчалик ҳаётий материалларга асосланиб яратилган бўлса, ушбу қаҳрамоннинг золим бойлар ва босқинчиларга қарши омонсиз кураши саҳифалари шу қадар халқ оғзаки ижоди материаллари билан тўйинтирилган. Шу сабабли ҳам Намоз ботир ёш китобхон кўз ўнгида афсонавий “ўтда ёнмас, сувга ботмас, қилич чопмас” Алпомишнинг ўзига хос вориси сифатида намоён бўлади. Камбағал бева-

бечораларнинг оғир меҳнатларига эвазига бойиган бўлса-да, уларнинг меҳнатларини қадрламаган, меҳнат ҳақларини бермасдан хўрлаган золим бойларга қарши курашларда Намоз ботирнинг улар бойликларини тортиб олиб, ҳақиқий эгаларига қайтариши билан боғлиқ турли воқеалар тасвирлари ҳамда Нурмон бахшининг Алпомиш қаҳрамонликларига бағишланган кўшиғи ҳамда Намозга бағишланган термаси асарга янада ўзига хос рух бағишлаган:

«Кеча-кундуз юргани дала-дашт бўлди,
Ўттиз йигитларга ўзи бош бўлди.
Николайга неча кун кенгаш бўлди,
Намоздаин бир зўр келди жаҳонга...
Жўйидевонада катта жанг бўлди,
Гоҳ у томон, гоҳ бу томон танг бўлди,
Отишмадан кулоқлар батанг бўлди,
Не-не мардлар шаҳид кетди, дўстларим.
Ўзи арслон, номи эди Шерниёз,
Камбағалга ғамхўр эди қишу ёз,
Қўрқув нима билмас эди у шоввоз,
Шерниёздеқ ботир кетди, дўстларим.
Оқил, доно, камтар эди Шоҳамин,
Титрар эди уни кўрса ҳар золим.
Золимларга қирон солди полвоним,
Шоҳаминдек доно кетди, дўстларим.
Қозоқ ўғли, етимпарвар Эсергеп,
Ҳар етимга нафим тегсин бугун, деб
Ҳалок бўлди катта жангда қилич еб,
Эсергепдек шоввоз кетди, дўстларим»⁷⁴.

⁷⁴ То'хтабоев Т. Qasoskorning oltin boshi. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2010. – В. 376 (ушбу манбадан олинган кейинги мисолларнинг саҳифаси қавсда кўрсатилади).

Назаримизда, ушбу терма ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга айланиши нуқтаи назаридан асарга қанчалик кўрк бағишлаган бўлса, Насиба кўмилган Қизбулоқ қошидаги “Лолавоё дашти билан Нуриддин даштлари кўшиладиган жойда ажиб бир манзилгоҳ бор. Ер остидан сизиб, қиз боланинг кўз ёшидек милтиллаб чиқаётган булоқ устига якка-ю ёлғиз ўсган сершоҳ чинор қулоч ёзиб соя ташлаб туради...” (“Қасоскорнинг олтин боши”, 380) деб бошланадиган Зулхумор ва Рустамнинг фожиали севгиси афсонаси Намоз ва Насиба қисматлари тасвирининг ўзига хос эпилогидай таассурот қолдиради.

Шу ўринда қозикалон Шодихон тўранинг Намозга “Сиз бамисоли Гўрўғлибексиз” дейиши билан боғлиқ олдинроқ ҳикоя қилинган бир ҳолатга мурожаат қилиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Намозга қозикалондан эшитган ва оят бўлиб туйилган бир байт жуда маъқул бўлиб қолади. У шу байтни қайта яна бир қарра эшитиш учун қозикалон олдига келиши воқеаси баёни янада ўзига хос жиҳати билан эътиборга сазовор:

– Тўрам, мен сизнинг олдингизга илтимос билан келдим, — деди Намоз тўппончаларидан бирини ғилофига солаётиб.

— Хўш, бўтам, — икки қўлини баробар кўксига қўйдилар қози калон.

— Анави куни менга бир оят айтиб эдингиз.

— Хўш, хўш?

— “Илгимдин келгунча”... деб бошланар эди.

— Ҳа-ҳа, бўтам, лекин бу оят эмас. Ҳазрат Навоийнинг ҳикматларидур.

“Илгимдин келгунча золим тиғин ушотиб, мазлум жароҳатиға интиқом малҳамин қўйдум”, сўраганингиз шумиди?

— Не учун даркор бўлиб қолди сизга бу, бўтам?

— Йигитларимга ёд олдирурман.

— Баракалло, баракалло, бўтам... Сиз бамисоли Гўрўғлибексиз!..”

(“Қасоскорнинг олтин боши”, 90).

Намозга ниҳоятда маъқул бўлган ушбу байт унинг шундан кейинги қасоскорликларига шиор бўлиб хизмат қилганлиги, бир жиҳатдан, унинг золимларга қарши кураши адолатли эканлигини асосласа, иккинчи жиҳатдан, ёзувчининг ушбу ҳаракатга муносабатини ифодаладиган ниҳоятда гўзал топилмадир.

Адабиётшунос О.Шарафиддинов мақолаларида “Қасоскорнинг олтин боши” романининг фазилятлари ва баъзи нуқсонлари муфассал таҳлилга тортилгани учун уларнинг фикрларини такрорлаб ўтирмаймиз. Чунки ишимизнинг мақсади ҳам асарни ҳар томонлама таҳлил ва тадқиқ этиш эмас, балки унинг ўзбек болалар романчилигида тутган ўрнини белгилашдир. Энг асосийси, “Қасоскорнинг олтин боши” жанр хусусиятларига кўра ҳам адабиётимизда янги ҳодисадир. Бизнинг адабиётимизда биринчи марта тарихий саргузашт жанрга мансуб асар пайдо бўлди”.⁷⁵

Х.Тўхтабоевнинг ўзи эса ушбу асари майдонга келиши сабабини кўйидагича изоҳлайди: “Чехлар яратган “Капитан Тенкешнинг саргузаштлари” фильмини бутун ўзбекистонлик болалар севиб томоша қилган кезлар ўйлаб қолдим: номардларни ахлоқ қилиб, тутқич бермай юра оладиган қаҳрамон йўқми ўзимизда? Шу ўй “Қасоскорнинг олтин боши” романи яратилишига туртки бўлган”⁷⁶. Демак, ёзувчи қайд этганидек, муайян асар яратилишига нимадир туртки, сабаб бўлиши мумкин, лекин гап натижада: шу туртки сабаб яратилган асар ҳам ўша турткига муносиб бўла оладими, йўқми? Назаримизда, “Қасоскорнинг олтин боши” романининг бу саволга жавоби тўла ижобий. Роман ўзбек болалари, ўсмирлари, балки катта ёшли китобхонлар ҳам севиб ўқийдиган том маънодаги бестселлер асарга айлана олди ва ўзбек болалар романчилиги тарихида, айниқса, тарихий саргузашт жанрида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

⁷⁵ Шарафиддинов О. Ботирларнинг умри боқий / Дунёга танилган адиб. – Б. 25.

⁷⁶ “Китобингни эл ўқисин” (Хуршид Дўстмухаммад билан суҳбат) / Дунёга танилган адиб. – Б. 132.

Энг асосийси, “Қасоскорнинг олтин боши” романининг нафақат ўзбек болалар адабиётида, балки, умуман, ўзбек адабиётида ҳам тутган бениҳоя катта ўрни шундан иборатки, ёзувчи ҳали шўролар ҳукуматининг қаттол сиёсати ўз кучида турган бир вақтда жуда катта инсоний жасорат билан ХХаср бошларида рус империясининг босқинчилик сиёсатига қарши омонсиз курашга чиқа олган миллий қаҳрамонни илк бора ўзбек адабиётининг ижобий қаҳрамони сифатида тасвирлай олди. Бундан йигирма йиллар олдин тадқиқотчи Ф.Жўраева “Типологик образларнинг қиёсий таҳлили (Лев Толстойнинг “Ҳожимурод” ва Худойберди Тўхтабоевнинг “Қасоскорнинг олтин боши” асарлари мисолида)” деб номланган номзодлик диссертациясида Намозни Кавказда бўлиб ўтган худди шундай миллий озодлик ҳаракатининг йўлбошчиси Ҳожимуродга қиёслаган экан⁷⁷. Ф.Жўраева қиёсини тўла маъқуллаган ҳолда шуни ҳам қайд этиш керакки, “Ҳожимурод” асарини яратган улуғ рус ёзувчиси, ҳаёт ҳақиқатини улкан бадиий ҳақиқатга айлантира олган том маънодаги ҳақиқатпараст, жаҳон адабиётида муносиб ўрин эгаллаган граф Лев Толстой нима бўлганда ҳам ўша босқинчи империя фуқароси, рус миллати вакили бўлиб, бу асарининг оқибати нима билан тугаши ҳақида ташвишланишига у қадар эҳтиёж бўлмаса, чор империяси босиб олган мазлум юрт вакили бўлмиш Х.Тўхтабоевнинг чор империяси вориси бўлмиш қонхўр шўролар ҳукуматининг қаттол сиёсати ўз кучида турган бир пайтда бундай асар яратиш йўлидаги жасорати “Қасоскорнинг олтин боши” асари яратилган пайтда қанчалик эҳтиромга сазовор бўлса, миллий, тарихий қадриятларимиз ҳақида фахр билан гапириш мумкин бўлган бугунги кунда эса, айниқса, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш манфаатлари нуқтаи назаридан кадр-қиммати янада юқорироқдир. Гарчи Х.Тўхтабоев бирор ўринда ҳам Лев Толстой “Ҳожимурод”ининг “Қасоскорнинг олтин боши”га озгина бўлса-да,

⁷⁷ Жўраева Ф.Ё. Типологик образларнинг қиёсий таҳлили (Лев Толстойнинг “Ҳожимурод” ва Худойберди Тўхтабоевнинг “Қасоскорнинг олтин боши” асарлари мисолида): Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 2000.

таъсири ҳақида гапирмаган бўлса-да, назаримизда, бу ҳолат, ҳеч бўлмаганда, икки ижодкор асаридаги айнан бир ҳолат, яъни босқинчиларга қарши миллий озодлик ҳаракатига бошчилик қилган ва фольклорда ҳам халқ қаҳрамони сифатида талқин қилинган икки миллий қаҳрамоннинг ёзма адабиёт қаҳрамонига айланиши ҳақида фикр юритишга имкон беради.

2.3.§. “Жаннати одамлар” романи автобиографик асар сифатида

“Сехрли қалпоқча” ва “Сарик девни миниб”да ноиложликдан айтган гаплари Х.Тўхтабоевни қанчалик қийнагани фақат унинг ўзига маълум. Истиқлол шарофати билан 70 йил мобайнида оёқ ости қилинган муқаддас эътиқодимизни тиклаш имконияти пайдо бўлиши биланок ёзувчи ижодида мутлақо янгича қараш майдонга келганини “Жаннати одамлар” ва “Қуёнлар салтанатининг шаҳаншоҳи” асарлари яққол исботлайди. Ёзувчи шўро даврида, 30-йилларда қамоққа олиниб, сўраб-суриштириб турмай ўлдирилиб юборилган ёки ёт ўлкаларга сургун қилинган мулкдорлар, диний арбоблар, эшон боболар аччиқ қисматини ўз кўзлари билан кўрган гувоҳ сифатида ҳар икки асарида ушбу воқеаларни рўй-рост тасвирлайди.

Х.Тўхтабоев ижодини ниҳоятда муфассал ўрганган, деярли ҳар бир асарининг яратилиш тарихидан хабардор бўлган адабиётшунос, ёзувчининг дўсти ва доимий ҳамсуҳбати, У.Норматов маълумотларига кўра: “Муаллифнинг ижодий режасига, қолаверса, хронология мантиқи тақозосига кўра аввал “Жаннати одамлар”, сўнг” Беш болали йигитча” ёзилиши керак эди. Бироқ 70-йиллар шароитида ... колхозлаштириш, мулкдорларни синф сифатида тугатиш, диндор уламолар, ижодкор зиёлиларни таъқиб остига олиш, мафкуравий-сиёсий дағдаға, қатағонлар авжига минган замон ҳақида бор ҳақиқатни айтиш, битиш иложи йўқ эди. Лекин, ҳар ҳолда, уруш даври кўргуликларидан сўз очиш имкони бор эди. Бунини юракдан ҳис этган, тушунган адиб алам-изтиробларга тўла болалик хотиралари изҳорини келажакка, саодатли кунларга қолдириб, уруш даври 14 ёшли ўспиринлик

палласида бошдан кечирганларидан ҳикоя қилувчи “Беш болали йигитча” устида ишга киришди. Роман 1976 йили дунё юзини кўрди, катта-кичик китобхон уни хуш қабул қилди... Ниҳоят миллат асл ўғлонлари қатори Худойберди дўстимизнинг асл орзуси – истиклол рўёбга чиқди-ю, олтмиш йилдан бери ўзига тинчлик бермай келаётган мавзуга қўл урди. Асар “Жаннати одамлар” номи остида 1996 йили ўқувчиларга тақдим этилди, аммо ундан кўнгли тўлмаган муаллиф роман устидаги ишини давом эттирди, 1997 йили унинг тўлдирилган иккинчи нашри босилди.

Демак, бу мўъжаз роман устида адиб қарийб ўн йил заҳмат чекди. Унинг 60 йиллик ижодий фаолияти давомида бунақаси бўлган эмас. Зотан ҳажман ихчам бўлса-да, бу романнинг юки ниҳоятда оғир эди”⁷⁸.

Олимнинг юқорида иқтибос олинган ва 2012 йилда ёзилган “Болакай нигоҳида замона талотумлари” сарлавҳали мақоласида “Жаннати одамлар” романи ниҳоятда ҳар томонлама мукамал таҳлил қилинган.

Шу ўринда, аввало, шуни қайд этиш керакки, У.Норматов алоҳида таъкидлаганларидек, “Жаннати одамлар” романида ҳам ёзувчи ўз тасвир услубига садоқатли қолиб, асар воқеаларини 5-6 яшар болакай тилидан ҳикоя қилади. Эътибор берилса, “Сариқ дев...”да воқеаларнинг биринчи қисми 12 яшар, иккинчи қисми эса анча ўсиб қолган, милиционер бўлиб етишган Ҳошимжон тилидан, “Беш болали йигитча”да 14 яшар Орифжон тилидан ҳикоя қилинган эди. Ёш китобхон ўқиётган асаридан, аввало, ўз тенгдошини, ҳеч бўлмаганда, фикрлаш тарзи, дунёқараши ўзига яқин бўлган болани қидириши табиийлигини кўзда тутадиган бўлсак, ушбу услуб асар воқеалари тасвирининг янада ишонарли, самимий чиқишини таъминлашга хизмат қилгани ҳам маълум бўлади.

“Бутун бошли романда бирор ўринда бўлсин бу чегарадан чиқиш, болакай қаҳрамон билан ҳикоячи қаҳрамон орасида фарқ йўқ, фақат

⁷⁸ Норматов У. Саргузашт сардори. – Б. 50-51.

Худойберди номи ўрнида Раҳмонберди; аслида, ҳар икки номнинг маъноси бир”⁷⁹.

Демак, ёзувчи бу асарда яна ўз болалигига қайтаяпти, фақат энди у 5-6 ёшларда. Воқеалар ҳам айна Х.Тўхтабоев таржимаи ҳолининг ўзи: ёт унсур, бой сифатида кулоқ қилиниб, ёт ўлкаларга сургунга қарор қилинган, сургунга кетмаслик учун хотини билан тоғу тошларга қочиб кетган ва милициялар қўлига тушиб, калтакнинг зўридан жигари эзилиб, қон туфуриб оламдан ўтган ота, икки йилдан сўнг савоб учун ота-она ихтиёри билан ўзидан қирқ ёш катта, беш боласи билан бева қолган одамга турмушга узатилган она ва бобо-бувисининг қўлида қолган бола. Бола Фарғона шевасида онасини “бувим”, бувисини “энам” дейди. Агар боланинг Фарғона шевасидаги шунга ўхшаш баъзи сўзлари бўлмаса, бу воқеаларни Ўзбекистоннинг хоҳлаган бошқа бир жойида кечган дейиш ҳам мумкин эди.

Болаликка қайтиш, болаликда кечган воқеалар тасвирига бағишланган асарлар, аслида, ўзбек адабиёти учун у қадар янгилик ҳам эмас. Адабиётшунос У.Норматов қиёс учун Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар” асарини тилга олади. Унинг ёнига Ойбекнинг “Болалик” қиссасини ҳам қўшиш мумкин эди. Бу асарларнинг ҳар иккисидан ҳам воқеалар ёш Абдулла ва Муса, яъни адибларнинг ёшликдаги ўзлари тилидан ҳикоя қилинади. Фақат бу икки асардаги воқеалар XX асрнинг 10-йилларида бўлиб ўтар эди.

“Айна шу роман устида ишлаган кезлари ёзган таржимаи ҳолида Худойберди отаси Тўхтабой 21 ёшида кулоқ қилиниб, таъқиб остига олингани, золимлар зуғуми остида ҳалок бўлгани, икки йилдан сўнг онаси Сорабиби хотини ўлиб беш етим боласи билан қолган қариндошига узатилгани ҳақида сўзлаб, сўнг шуларни ёзади: “Менинг тарбиям бобом Эркавой, энам Робиябибилар ихтиёрида бўлган. Руҳим, хулқ-атворим ва

⁷⁹ Норматов У. Саргузашт сардори. – Б. 52.

характеримда неки бўлса боғбон бобом, эртакчи энам туфайли шаклланган”⁸⁰.

“Беш болали йигитча”да адиб ўзининг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги сарсон-саргардонликларини Орифжон образида тасвирласа, “Жаннати одамлар”да бу вазифа Раҳмонберди зиммасига юклатилган. Ҳатто шу ном, аслида, ёзувчи бадий маҳоратининг бир белгиси. Чунки, У.Норматов ҳам таъкидлаганларидек, “Худойберди” ҳам, “Раҳмонберди” ҳам “Оллоҳ берган” деган маънони англатиб, ёзувчининг синоним танлаш маҳоратидан далолат беради.

Асар воқеалари бошдан охиригача ана шу, ҳаётдаги барча нарсага ҳайрат кўзи билан қарайдиган, ҳар бир нарсанинг моҳиятига етишга интиладиган, ўзига тушунарсиз ҳар бир нарса ҳақида бобоси ёки энаси билан ижикилаб сўрашдан чарчамайдиган болакай атрофида рўй беради. Бувиси, яъни онаси Сорабиби хотини ўлиб беш етим боласи билан қолган қариндошига узатилганидан кейин бола тарбияси бобо ва эна (буви) зиммасига тушар экан, имонли, эътиқодли, ҳалол, пок бу инсонлар тарбияси ҳам, аввало, неварани имон-эътиқодли қилиб вояга етказишга қаратилган.

Худди шундай ҳаракатнинг бир қирраси “Сариқ девни миниб”нинг дастлабки нашрларида Ҳошимжоннинг бувиси томонидан амалга оширилган эди. Асар иккинчи қисмининг “Муҳаммад пайғамбарнинг шеъри” деб номланган биринчи бобида Ҳошимжон бешинчи синфни битиришга бағишланган кечада “мен ҳам шеър ўқийман” деб бувиси ўргатган шеърнинг сарлавҳасини “Қулху облоху аҳад” деб эълон қилиши билан барча унинг устидан кулиб, “бу шеърингни бувингга ўқиб бер” деб саҳнадан тушириб юбордилар⁸¹. Аслида-ку, буви неварасини имон-эътиқодли қилиб тарбияламоқчи эди, лекин даҳрийлик (атеизм)га асосланган шўро мафкураси

⁸⁰ Норматов У. Саргузашт сардори. – Б. 51.

⁸¹ Қаранг: Тўхтабоев Х. Сариқ девни миниб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1982. – Б. 86-90.

бунга асло йўл қўймаслиги тайин. Ушбу боб кейинги нашрларда қисқартирилгани ҳам бежиз эмас деб ўйлаймиз.

Энди эса Х.Тўхтабоев асарлари қаҳрамонлари, ҳатто ёш болалар ҳам бобо-бувиларилардан ҳеч бўлмаса, калима ўгиришни ўрганган, “Ширин ковунлар мамлакати”даги Каримберди намозхон йигитча, шўро ҳукумати амалдорлари ва милицияси қувғинига учраганида, ўзи айтмоқчи, “Оллоҳнинг паноҳига”, яъни масжидга бориб, муаззин отахоннинг дуосини олади, “Жаннати одамлар”даги Раҳмонбердига энажони “Ла илаҳа иллоллоҳу” деган дуони ўтган йили қишда ўргатиб қўйган⁸². Энажони унга таҳорат қилишни ҳам ўргатиб қўйган, олдин уч марта қўл ювилади, кейин уч марта бет ювилади... “Ла илаҳа иллоллоҳу, ла илаҳа иллоллоҳу” деб айтиб турилади, у намоз ўқишни ҳам билади (“Жаннати одамлар”, 22). Чунки у туғилиб ўсган муҳит ҳақиқий ўзбекона миллий, исломий муҳитдир⁸³.

Раҳмонбердининг етмишларни қоралаб қолган бобоси Эркавой бобо савоб учун боғларидан бир чақиримча наридан оқиб ўтадиган Тентаксойга кўприк қурмоқчи бўлиб, невараси билан чакалакзордан терак кесиб, ўзи сойнинг муздай совуқ сувига йиқилиб тушиб, шамоллаб қолса-да, амаллаб теракларни сойга кўндаланг ташлаб, устига тахта қоқиб, қўлбола кўприк куради. Шу кўприк ҳалигача “Эркачолнинг кўприги” деб аталар экан (“Жаннати одамлар”, 7-12). Шу биргина мисол ҳам Эркачолнинг нақадар эътиқоди пок инсонлигини яққол кўрсатади. Чунки кўприк куриш исломиятда энг савобли ишлардан ҳисобланади. Эркачолнинг бундай савобли ишларига мисоллар асарда ниҳоятда кўп.

Эркачол касал бўлиб ётганида уни кўришга келиб, “бўрсиқнинг ёғи сурилса, шамоллаши тез ўтиб кетади” деб, Раҳмонбердини ҳам ўзи билан олиб, бўрсиққа тузоқ қўйгани кетаётган энг яқин дўсти – Аҳмадқул бобо йўл-

⁸² Қаранг: Тўхтабоев Х. Жаннати одамлар. – Тошкент: Чўлпон, 1995. – Б. 15 (ушбу манбадан олинган кейинги мисоллар саҳифаси қавсда кўрсатилади).

⁸³ Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Норматов У. Саргузашт сардори. – Б. 53.

йўлакай болакай билан хангамалашиб кетаётиб, дўстининг нақадар саховатли одам экани ҳақида фахр билан сўзлайди:

“Бобонг беҳад саховатли одам... Саховатли – қўли очик, хайр-эҳсонли дегани. Мана, боғларинг катта, узумларинг кўп-а! Ҳаммасини еб тугатолмайсизлар, тўғрими?.. Бобонг узумнинг ярмини савоби отишмада ўлган ўғилларимга тегсин деб, бева-бечораларга, етим-есирларга тарқатади. Ана шуни саховат дейишади... Кейин бобонг кўчат улашишни яхши кўради, кишлоғимиздаги жамики боғларда унинг кўчатидан бор, буям саховат бўлади, ўғлим” (“Жаннати одамлар”, 25).

Ҳатто асар охирида Эрқачол вафот этганида жанозага келганларга унинг боғидаги турли хил мевали кўчатлардан бир жуфтдан тарқатилиши ҳам ўша савобли ишларнинг мантиқий якунидир.

Асар бошидан охиригача воқеалар марказида турадиган Эрқачол образи, яъни муаллиф бобосининг прототиби тасвирлари, бир қарашда, совуқ ҳаёт реализмининг ўзига хос инъикосидай кўринса-да, аслида, бошига шунча кулфатлар тушган: икки тоғдай навқирон ўғли шўро қотиллари ўқидан, яккаю-ягона қизи Сорабибининг эри ҳам ўша қаттол шўролар ҳукумати зуғумлари туфайли калтакнинг зўридан қамокда ҳалок бўлган, ўзи эса ота-боболарининг минг йиллик пок эътиқодидан воз кечишга маҳкум этилган бўлса-да, имони бутун, эътиқоди пок, бутун умрини хайрли, савобли ишларга бағишлаган том маънодаги жаннати одам сифатидаги нурли қиёфаси билан китобхон кўз ўнгида намоён бўлиб, унинг қалб тўридан мустаҳкам ўрин эгаллайди, меҳри-муҳаббатига сазовор бўлади.

Асарнинг “Чол боболар суҳбати” бобидаги Эрқачолнинг дўстлари – Аҳмадқул бобо, “соқоли ялпоқ” Эсонқул бобо, “соқоли йўқ” Қамбарали бобо, “бели букик” Юнус бобо, “ҳасса ушлаб юрадиган” Матмуса боболар ҳам шўро замонаси қатағонлари гувоҳлари (қўштирноқ ичидаги таърифлар Раҳмонбердига тегишли, “Жаннати одамлар”, 34). Улар касал бўлиб ётган

Эрқачолни кўришга келганларида бир-бировларига бошларига тушган кўргиликлардан шикоят қила бошлайдилар:

– Бу қанақа замон бўлди-я, - деяпти гапга тушиб кетган боболардан биттаси.

- Намозга рухсат йўқ!
- Хатми Қуръонга рухсат йўқ.
- Китоб ўқишга рухсат йўқ.
- Мачитга рухсат йўқ.
- Жанозага рухсат йўқ.
- Ўликни ювиб-тарашга рухсат йўқ.

– Қанақанги золим замона бўлди-я! – деган гапларни айтишяпти бошқа боболар ҳам” (“Жаннати одамлар”, 32).

Боболар тилидан келтирилаётган ана шу қисқа-қисқа маълумотчалар, аслида, даҳрийлик (атеизм) сиёсатига асосланган шўролар тузумининг нақадар қаттол тузум эканлигини кўрсатишга хизмат қилади. Бугунги нафақат ёш китобхон, ҳатто 40-50-ёшлардаги одамлар учун ҳам бу гаплар эртаққа ўхшаб туйилар. Лекин истиқлол даврига не-не кўргиликларни бошдан кечириб, омон-эсон етиб келган Худойберди Тўхтабоев учун асардаги 30-йилларда ёш бола бўлган Раҳмонберди, яъни ўзи номидан бу гапларни айтиш кўз ёшининг қанчалик аччиқ таъми билан суғорилганини фақат тасаввур қилиш мумкин. Демак, асарда XX асрнинг 30-йиллари аччиқ ҳаёт ҳақиқатининг китобхон кўзидан беихтиёр ёш чиқариб юборадиган даражадаги бадий ҳақиқатга айлангани ҳатто ана шу гўёки оддий маълумотчаларда ҳам бор бўй-басти билан намоён бўлади.

Шу суҳбатда яна бир кичик маълумот бор:

“ – Хонэшон ҳазратларини олиб кетишибди! – ваҳимали қилиб деди бели букри Юнус бобом...

– Бечора эшон, кўп билимдон киши эдилар-да, – гапга аралашди ўзимнинг бобом ҳам, – жон сақлайман деб, шўринг қурғур қариганда

мелисахонанинг чўчқасини боқаётган эдилар... Қуръони шарифни ёд билардилар, тавсифини ҳам кўп чиройли айтардилар...” (“Жаннати одамлар”, 32).

Ана шу суҳбатлар билан асарга янги бир қаҳрамон образи кириб келади. Боболар “Кўқонга борганида ўшанақа катта эшонларнинг бари унга салом бераркан, илми шунақа кўп эканки, унинг олдида бошқа эшонбоболар гап очолмай куллуқ қилиб туришаркан” (“Жаннати одамлар”, 39) деб таърифлашаётган Хонэшон бобо Худойберди Тўхтабоев ижодида мутлақо янги образ. “Сеҳрли қалпоқча” ва “Сариқ девни миниб” асарларида захарханда сатира кулгиси остига олинган Данак қори, Ёнғоқ қори, Бодом қорилар қаерда-ю, “Жаннати одамлар”да бор-йўғи бир неча саҳнада кўринса-да, барча қаршисида таъзим қилиб турадиган Эшонхон бобо қаерда?! Ана шу гўёки эпизодик образнинг меҳр-муҳаббат руҳи билан тўлиб-тошган талқинида ёзувчи ўзининг бир умрлик орзусига эришган десак, хато бўлмаса керак. Турли суҳбатлар натижаси ўлароқ соф эътиқодли инсонлар йўлбошчиси сифатида тасвирланган Эшонхон бобо Эрқачол бобо вафот этганида яна қамалиш хавфи аниқлигига қарамай, Эрқачолнинг жанозасини ўқишга ўзи келади. Одамлар у кишини қамалишдан асраш учун орқага қайтаришга ҳар қанча уринсалар-да:

“ – Эрқавойдек жаннати бир одам дунёдан ўтади-ю, ҳай-ҳай, жанозасини мен ўқимасам, ким ўқиркан? – деб оёқлари билан ерни мана бундай қилиб бир тепиб қўйдилар, – жанозасини ўқиб, худо хоҳласа, фотиҳасида ҳам туриб бераман. Майли, қамасинлар, майли, пешонамдан отсинлар. Аммо Эрқачолнинг жанозасини ўқийман” дейди қатъият билан Эшонхон бобо (“Жаннати одамлар”, 144-145).

Эртаси куни, худди кутилганидек, эрталабдан милиция ходимлари кириб келадилар ва фотиҳадаги одамлар ҳар қанча ялинсалар-да, Эшонхон бобони олиб кетадилар: “Одамлар шунча илтимос қилишса ҳам, барибир,

бўлмади. Эшон бобони олдиларига солиб ҳайдаб кета бошлашди. Бобом бўлса орқаларига ўгирилиб:

– Мени етти марта ҳайдаб кетишди, – деган гапни айтдилар, – худо умр берса яна етти марта қочиб келиб, дину имонингиз тўғрисида қайғуравераман” (“Жаннати одамлар”, 146).

Шу воқеалар тасвиридан кейин қўйилган уч юлдуздан асар эпилоги бошланади. Ёши улғайиб қолган бош қаҳрамон, яъни ёзувчининг ўзи, бобосининг номи қўйилган бетон кўприк ёнида туриб, хаёлан ёшлигига қайтади, ўша воқеаларни яна бир карра эслайди. Ўтиб кетган ота-боболарининг руҳига фотиҳа ўқиш учун қишлоқ қабристонига кирганида “қабристон этагида пишган ғиштдан саҳни кенг ўймакор эшик, деразалар қўйиб, мўъжазгина масжид ҳам тикланганини” кўради. “Хонэшон ҳазратлари номларига қўйдик” деб изоҳ беради мутавалли йигит (“Жаннати одамлар”, 146).

“Мен болалигимда Эшон ҳазратларини кўрганлигимни, тиззаларида ўтириб, соқолларидан силаб дуолар ўрганганимни айтдим. Рухсат берсангиз тиловатни ўзим қилсам, дедим. Билганимча ўқидим. Негадир хаёлларим ҳам шу дақиқаларда қанот боғлаб учгандек бўлди. Қизиқ, одам боласи дунёга келаркан, яшаркан, вақти келиб яна келган томонга кетаркану, лекин, барибир, бирининг номи сарғайиб пишган беҳиларда, бирининг исми ширин-шакар узумларда, бошқасининг руҳи пештоқи баланд масжидларда яшаркан... Ўлмас экан. Ўлим йўқ экан” (“Жаннати одамлар”, 147).

Асар шу сатрлар билан тугар экан, беихтиёр роман бошида чоллар ўқиниб айтган “Намозга рухсат йўқ. Хатми Қуръонга рухсат йўқ. Мачитга рухсат йўқ. Жанозага рухсат йўқ” деган гаплар хотирга келади. Бу тўғарак дунё айланаверар экан, доно халқимиз топиб айтганидек, “худонинг тоши” бўлган одамнинг боши нималарни кўрмайди?! Назаримизда, халқимизнинг севимли ёзувчиси, бугун ўзи ҳам орамиздан кетган Худойберди Тўхтабоев ушбу асари билан бир замонлар халқ душмани сифатида сургун қилиниб,

жасадлари етти ёт бегона юртларда қолиб кетган, қамоқларда ўлиб кетган, жанозасиз кўмишга маҳкум қилинган қанчадан-қанча юртдошларимиз, ота-боболаримиз руҳини шод қилди, халқимизнинг етмиш йил топталган кадриятлари тикланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди десак, асло адашмаймиз. “Жаннати одамлар” романи эса ўз номи билан қанчадан-қанча жаннати инсонларнинг азиз номларини тиклашга ҳали кўп йиллар беминнат хизмат қилаверади.

Асарда Раҳмонбердининг турли вазиятлардаги хатти-ҳаракатларини белгилайдиган яна икки қаҳрамон билан боғлиқ ҳолатлар ҳам алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, улардан биринчиси ёш қаҳрамоннинг энаси (бувиси) Робиябиби билан боғлиқ ҳолатлардир. Чунки отасидан ажралганидан кейин икки йил ўтгач онаси Сорабиби савоб учун хотини ўлиб беш етим боласи билан қолган ўзидан ёши анча катта қариндошига узатилгач, бола тарбияси бобоси ва энаси (бувиси) кўлида қолади. Раҳмонбердининг бобоси, бобосининг дўстлари ва Эшонбобо билан учрашувларидаги таассуротлари тарбиясининг бир жиҳатини белгиласа, энасидан эшитган эртақ ва афсоналаридан олинган таассуротлар бола учун янада ёрқинроқ.

Асарда Раҳмонберди тарбиясида энаси (бувиси), Эркачолнинг кампири образи ҳам ўзига хос ўрин тутди. Онаси бошқа одамга турмушга узатилганидан кейин бола бобоси ва бувиси қарамоғида қолар экан, у ҳаётнинг дастлабки сабоқларини энасининг эртақларидан олади. Жумладан, “Энажоним эртақ айтади” фаслида кампир неварасига қор ҳақидаги эртақни айтиб беради. Эртақ воқеалари орасидаги қор, ёмғир, шамол ва офтобга бағишланган машҳур халқ кўшиқлари эртақни янада қизиқарлироқ, эшитимлироқ қилса, художўй отанинг эл-юрт хизматига бел боғлаган тўрт фарзандини одамларнинг умрларинг узоқ бўлсин, дунё тургунча туринглар деб қилган дуолари шарофати билан худои таоло ўғлонларни ҳеч ўлмайдиган, дунё тургунча турадиган қилиб, бирига Аёз бобо деб, иккинчисига Баҳор бобо деб, учинчисига Ҳайдар бобо деб, тўртинчисига

Қуёш бобо деб ном бергани ҳақидаги якуни эртақнинг мантикий хулосаси ўлароқ ёш китобхонни ҳам Раҳмонберди сингари эзгулик сари йўллашга хизмат қилади.

Раҳмонберди отаси руҳига дуои фотиҳа қилиш учун энаси (бувиси) ва бувиси (онаси) билан қабристонга борганида хонақоҳга, Шайхбобо олдида кирганларида бола кўрган ҳолат янада ибратлироқ. Хонақоҳда, Шайхбобо хузурида бир аёл уч қизи билан ўтирган экан. Улар кирганларидан кейин Шайхбобо дуои-фотиҳани тугатади ва аёллар бир-бировлари билан сўраша бошлайдилар. Бу орада ҳалиги аёл Шайхбобога учта қоғоз пул узатади (Раҳмонбердининг кузатуви). Шайхбобо пулнинг биттасини олиб, иккитасини аёлга қайтариб беради ва “қизларингга кавуш олиб бер” дейди, аёл тугун олиб келган экан, ундан ҳам битта нонни олиб, токчада турган бошқа тугунлардан шунчалик кўп нарса солиб берадики, “вой-бўй, уни қандай қилиб кўтаришаркан” деб ўйлайди бола. “Менга шу битта нону бир кўза сув кифоя, деди Шайхбобо, сенинг эса олтига боланг бор, ҳаммаси қалдирғочнинг боласидай оғзини очиб ўтирибди, ейман-ичаман, дейди. Тугунни ола кетасан, савоб бўлади, олмасанг, Шайхбобони ранжитасан, деганди, опа олмайман, ҳечам олмайман, деб йиғлаб юборди. Қарасам, бувимнинг ҳам кўзида ёш мўлтиллаб турган экан.

– Олмасанг, Меливой гўрида тинч ётмайди, – деди Шайхбобо, – тушларимга кириб чиқаяпти, етимчаларимдан хабар олиб турунг деяпти. Ма, озгина пул ҳам берай, қизларингга рўмол олиб бергин, қара, попукдаккина қизлар экан” (“Жаннати одамлар”, 75).

Назаримизда, ушбу парчани “Сариқ дев...”лардаги Бодом қори, Ёнғоқ қори ва Данак қориларнинг таъмагирликлари тасвирларига қиёслаш эҳтиёжи бор. Чунки ёзувчи уларни бировларнинг қўлига кўз тиккан таъмагирлар сифатида қанчалик аччиқ истехзо билан тасвирлаган бўлса, Шайхбобони, Эшонбобо сингари, шу қадар меҳр-муҳаббат ва ҳурмат-эътибор билан тасвирлайди. Худойберди Тўхтабоев ана шу нуқтада ҳаёт ҳақиқатини бадий

ҳақиқатга айлантиришда, истиқлол ва эътиқодий қадриятларимиз тикланиши шарофати билан кўнглининг туб-тубида яшириниб ётган соф исломий туйғуларини тўла изҳор қилишга эришган десак, адашмаймиз.

Романнинг бошқа ўзига хосликлари ҳақида ҳам ҳали кўп гапириш мумкин эди. Лекин юқорида қайд этганимиздек, асарда тасвирланган ўша кунларнинг жонли гувоҳи, адабиётшунос У.Норматов “Болакай нигоҳида замона талотумлари” деб номланган залворли мақолаларида романнинг эътиборга сазовор жиҳатлари ҳақида муфассал фикр билдирганларини эътиборга олиб ҳамда у кишининг барча фикрларига тўла қўшилиш билан чекланамиз.

Иккинчи боб юзасидан хулосалар:

1. Х.Тўхтабоевнинг ўзи таъкидлаганидек, унинг “кўз ёшлари” маҳсули бўлмиш “Беш болали йигитча” романи Иккинчи жаҳон уруши даврида халқимиз бошига тушган оғир кунларнинг, жумладан, ҳали норасида бўлган ёзувчининг сарсонлик-саргардонликда кечган даҳшатли тушга ўхшаш кунларининг ҳаққоний тасвирларини қамраб олган, ўзбек болалар романчилигида ушбу йўналишда яратилган илк тарихий-саргузашт асардир.

2. “Беш болали йигитча” романидаги шафқатсиз реалистик тасвир ёш китобхон қалбида қанчалик ҳазин туйғуларни уйғотса ҳам, аслини олганда, уни тушқунлик сари эмас, балки курашчанлик сари етаклайди. Шу нуқтаи назардан, латифагўй Орифжоннинг оғир ҳолатлардан ҳазил-ҳузил билан чиқиб кетиши тасвирлари асар ҳаётбахшлигини таъминлашга хизмат қилади.

3. “Қасоскорнинг олтин боши” романи билан Х.Тўхтабоев ўзбек болалар романчилигида мутлақо янги саҳифа очди. XX аср бошларида Самарқанд музофотида чор империясига қарши халқ озодлик ҳаракатига бошчилик қилган ва босқинчиларга қарши қаҳрамонликлари билан халқ оғзаки ижодида “Намоз ботир” сифатида ном қозонган тарихий шахс ҳақида

архив материаллари ҳамда фольклор намуналари асосида яратилган ушбу асар ўзбек болалар романчилигининг том маънодаги ёрқин намунасидир.

4. Намоз ботир образининг ниҳоятда тиниқ яратилган реалистик тасвирлари билан Х.Тўхтабоев ўзбек болалар романчилигида ёш китобхонни ўз орқасидан эргаштирадиган, ватани, халқи озодлиги, келажаги йўлида толмас курашчи бўлишга чорлайдиган, том маънодаги ибрат намунаси бўлмиш қаҳрамон тимсолини яратишга эришди.

5. “Жаннати одамлар” романи Х.Тўхтабоев ижодида ўзига хос янги йўналиш бўлиб, асар ёзувчи қалби тўрида пинҳон сақланган туйғуларнинг миллий истиқлол ва эътиқодий қадриятларимиз тикланиши шарофати билан ёрқин намоён бўлиши нуқтаи назаридан ўзбек болалар романчилигида янги саҳифа сифатида эътиборга моликдир.

6. “Жаннати одамлар” романининг бош қаҳрамони, асардаги барча воқеа-ҳодисалар унинг норасида нигоҳи призмасида тасвирланган Раҳмонберди, аслида, ёзувчининг ўзи, отаси 30 йиллар қатағонининг қурбони бўлиб, тарбияси бобоси ва бувиси қўлида қолган Худойберди Тўхтабоев ниҳоятда оғир кечган ўз болалигининг реалистик тасвирлари орқали 30 йиллар шафқатсиз шўро сиёсатининг юртимиз ва халқимиз бошига солган кулфатлари манзараларини ниҳоятда ишонарли яратишга эришган.

III БОБ. “ШИРИН ҚОВУНЛАР МАМЛАКАТИ ЁКИ СЕҲРГАРЛАР ЖАНГИ”, “МУНГЛИ КЎЗЛАР” ВА “ҚУЁНЛАР САЛТАНАТИНИНГ ШАҲАНШОҲИ” РОМАНЛАРИДА МАВЗУ ВА ТАЛҚИН ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

3.1. §. “Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги” романида бадий фантастика ва ҳаёт ҳақиқати

Х.Тўхтабоев “Сеҳрли қалпоқча” яратилганидан йигирма йил ўтгач, “Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги” романида яна сеҳрли қалпоқчага ва “Сеҳрли қалпоқча”даги қаҳрамонлардан бири, Ҳошимжоннинг худди у сингари ўқишни у қадар хуш кўрмайдиган дўсти Акбар образига мурожаат қилади. Шу ўринда, табиий равишда, ёзувчи нима сабабли яна сеҳрли қалпоқчага ва мактабда ўқишни у қадар ёқтирмайдиган, ҳамма нарсага турли воситалар ёрдамида осонгина эришишга ҳаракат қиладиган қаҳрамонга мурожаат қиляпти деган савол пайдо бўлади. Бу саволга дастлабки жавобни Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг “Ўйла! Изла! Топ!” мақоласидан топамиз:

“Ширин қовунлар мамлакати”. Энди ўқишни бошладим дегин? Ўтган асрнинг 80-йиллари охиридаги “Ошкоралик даври” руҳида яратилган, ёпиқ тазйиқлар туфайли ёзувчи узоқ вақт юрак тубида яшириб келган гапларни шошилинич тарзда овоза қилувчи, умумном билан “каттаоғизлар” деб аталгучи тоифа орасида туйғусизлик, юлғичлик, порахўрлик, юрт ва мамлакат тақдирига парвосизлик, диёнат ва адолат тушунчасидан баҳрасизлик, ашаддий имонсизлик авж олганлигини фош этувчи бу асар ҳақида сенга батафсил сўйлаб ўтирмайин, укажон. Фақат бир нарсани таъкидлаб ўтишим мумкин – суюкли муаллифинг бу сафар ҳам ўзлигича қола

олган, китоб саргузашту хангомаларга бой, бобдан бобга жўшқинлашиб, чуқурлашиб, ижтимоийлашиб бораверади”⁸⁴.

Дарҳақиқат, виждони уйғоқ ҳақиқий ижодкорнинг ҳар бир асари, у катталар ёки болаларга мўлжалланганидан қатъи назар, муайян даражада ижтимоийликдан холи бўлолмайди. Халқнинг ҳар бир дарди, ҳасрати ушбу халқ вакили бўлмиш, унинг номидан сўзловчи ёзувчи юрагида янада теранроқ акс этиши табиий. Турли сабаблар билан вақтида айтолмаган дардлар, ҳасратлар ёзувчи юрагини бир умр азоблаб юраверади. Бирок бадиий адабиётнинг буюклиги ҳам шундаки, у очик айтолмайдиган гапларни рамзлар воситасида айта олади, ижодкор ўз мамлакатида, юртида рўй бераётган ноҳақликлар, Анвар Обиджон батафсил санаб ўтган ижтимоий иллатларни ўзга юртга ёки ўтмишга кўчириб, қалбининг туб-тубида армон бўлиб ётган дардларини тўкиб сола олади.

“Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги” романида ҳам худди шундай, ёзувчи “Сариқ девнинг ўлими”да милиция ходимлари савдо соҳасида урчиб кетган бозоргир молларни прилавка остидан қимматга сотиш, яширин омборларга жойлаб, сунъий равишда етишмовчиликлар уюштириш, уюшган жиноятчилик кабиларни Ҳошимжон ва унинг сеҳрли қалпоқчаси ёрдамида фош қилишлари тасвирлари, аслини олганда, Х.Тўхтабоев фельетончилик фаолияти мобайнида неча марталаб гувоҳи бўлган қинғирликларга қарши омонсиз кураш олиб бориш, уни таг-туғидан, илдизидан қуритиш учун нима қилиш кераклигини ўйлаб, яратган лавҳалари бўлса, “Ширин қовунлар мамлакати”даги турли-туман жиноятларга қарши кураш энди Ҳошимжоннинг дўсти Ақром хизматида ўтган яна ўша сеҳрли қалпоқча ёрдамида амалга оширилади. Доно халқимизнинг минг йиллик тажрибалар асосида яратилган “Мол оласи ташида, одам оласи ичида” деган ҳикмати бежиз эмас. Чунки ташқи кўринишда ҳамма одам ҳам деярли бир хил, унинг яхши-ёмонлигини, ўғри, порахўр, юлғич ёки диёнатсиз

⁸⁴ Обиджон Анвар. Ўйла! Изла! Топ! / Дунёга танилган адиб. – Б. 54.

эканлигини ташқи кўринишидан ажратиб бўлмайди. Шу сабабли ёзувчи бундай жиноятчиларни фош қилиш учун “Ширин қовунлар мамлакати”да яна бир сеҳрли воситани кашф қилади – Акромнинг ҳид билувчи ғаройиб бурни сеҳрли қалпоқча билан бирлашиб, жиноятчиларни фош қилишда асосий ўрин тутди.

“Сариқ дев”ларда савдо-сотик тизимидаги уюшган жиноятчиликка қарши кураш олиб борилса, “Ширин қовунлар мамлакати”да бу кўлам янада кенгайиб, жамиятда, айниқса, амалдорлар орасида ялпи тус олган таниш-билишчилик, расмиятчилик, амалпарастлик, манманлик, хиёнат, порахўрликнинг турли кўринишларига қарши кураш тусини олади. Шу сабабли ҳам бу курашда биргина сеҳрли қалпоқчанинг ҳамкорлиги етишмайди, энди унинг ёнига Акромнинг одамнинг ҳидига қараб кимлигини аниқлай оладиган ҳид билувчи ғаройиб бурни ҳам ёрдамга келади. Бироқ буни ёзувчи ўз жамиятида рўй бераётган воқеалар тарзида тўғридан-тўғри тасвирлаши осон иш эмас эди.

Демак, яна ижодкорнинг воқеаларни афсонавий ўзга юртга, ҳатто ақлга тўғри келмайдиган сирли, ғаройиб юртга кўчира олишдек имконияти ишга тушади. Табиийки, бу мамлакатдаги қаҳрамонларнинг номлари ҳам ўзгача бўлади: Акром Ширин қовунлар мамлакатида дастлабки танишган боланинг номи Ха Мак, фамилияси Қо Қи экан. Агар бу исм-фамилияни ўзбекчалаштирадиган бўлсак, Хамак ҳали пишмаган қовун (бола ҳам пишмаган қовун-да), Қо Қи эса пишиб ўтиб кетган, қуритилган қовун (яъни қовун қоқи). Қолганлари ундан ҳам қизиқ: Ҳандалак шаҳрига бораётганида автобусда танишган қизи Гу Ли, таниш-билишчилик орқали фарзандини ўқишга киритмоқчи бўлган амалдорнинг исми Шар Манда, Акромнинг устози бўлмиш профессор Дар Даража, унинг қизининг исми Хол Дор, Акром ишга кирадиган институтдаги яна бир лаборатория мудирини, профессорнинг исм-шарифи Дар Мон ва ҳоказо.

“Ширин қовунлар мамлақати ёки сеҳргарлар жанги” романи бошидаги ёзувчининг “Набираларимга очик хат” сарлавҳали сўзбошиси, бошқачароқ айтганда, очик хатида ўзбек халқ оғзаки ижодидаги асарнинг ёзилишига туртки бўлган ғалати бир воқеа келтирилган: унда айтилишича, ўзбек халқ эртақларидан бирида ғалати бир сюжет бор экан. Эртақда камбағал-бечораҳол одамнинг эшагига яғир тошади. Табибга олиб борса, давоси осонлиги, битта ёнғоқни олиб, ярмини чайнаб эшак белидаги яғирга босиши, ярмини ейишини айтади. Камбағал киши табибнинг айтганини қилади: эрталаб чиқиб қараса, эшакнинг устидан бир туп ёнғоқ ўсиб чиқиб, шигил ҳосил қилган эмиш, ёнғоқни қоқса, на ёнғоқ, на кесак қайтиб тушармиш. Чиқиб қараса, дарахтнинг устида икки пайкал ер пайдо бўлган, қовун ўсиб ётган, қовун шунчалик катта эмишки, ёнидан пичоғини олиб биттасини чакмоқлаб кўрмоқчи бўлиб, пичоғи қовуннинг ичига тушиб кетиши, пичоқни оламан деб ўзи ҳам тушиб кетар экан. Ушбу эртақ мазмунига кенг тўхталганимизнинг боиси шуки, роман айнан ана шу эртақ сюжетида таъсирланиб яратилган. Бу ҳақида ёзувчи: “Мен бу эртақни болалигимда эшитган эдим. Ундаги хаёлот-фантазиянинг кучлилигига қойил қолиб юрардим. “Ширин қовунлар мамлақати ёки сеҳргарлар жанги”га сюжет ахтарганимда ундан фойдаландим”, – дея эслайди⁸⁵.

Аслини олганда, ёзувчи бу асарини яратишга ХХ асрнинг 70-йиллари охиридан киришган экан. У адабиётшунос У.Норматов билан “Саргузашт ташвишлари” деб номланган суҳбатида: “... Шунга ўхшаш иллатлар ҳали тугаганича йўқ. Гўзал ҳаётимизга қора доғ бўлиб яшаб келаяпти. Ҳозир ана шу иллатлар жамулжамига қарши ҳажвий оҳангда фантастик-саргузашт асар устида ишляпман. Бу асарнинг номини “Сарқитларнинг қабристонини” деб атаманми, ёки “Сеҳргарлар жанги” деб атаган маъқулми, ҳозирча бир нарса деёлмайман. Лекин ўша сарқитлар ботқоғига ботган шахсларни шунақанги

⁸⁵To'xtaboyev X. Nabiralaringa ochiq xat / Shirin qovunlar mamlakati yoki sehrarlar jangi. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2006. – B. 5 (ushbu manbadan olingan keyingi misollar sahiyasi kavstda kursoratiladi).

бир кулгили ва аянчли аҳволда тасвирлашни ният қилиб қўйдимки, улар ўзидан-ўзи уялиб, қочгани жой тополмай қолсин”, – дейди⁸⁶.

Маълумки, халқ ижодиёти намуналари бўлмиш эртақ, дoston, миф каби жанрларнинг ўзига хосликларидан бири бу жанрларда фантастиканинг мавжудлиги, бу асарлар бой фантазия орқали яратилганлигида намоён бўлиб, ўзбек халқ эртақларидаги учар гилам, ойнаи жаҳоннамо, қайнар хумча каби образлар ҳам халқнинг бой фантазияси орқали яратилгандир. Фантастик образлар халқнинг ўтмишдаги қийинчиликларни енгилда, душманларга қарши курашларда қийинчиликларга дуч келиш натижасида хаёлий орзу қилиш, шу кабилардан осон қутулиш ҳақидаги хаёлий ўй, хаёлот натижаси сифатида юзага келган. Жумладан, “Алпомиш” достонида душманларга қарши кураш учун (қалмоқ полвонларига бас келадиган) асар қаҳрамонининг куч-қудратини тасвирлашда унинг оёқ кийими “тўксон молнинг терисидан ковуши” деб тасвирланиши Алпомишни тенгсиз баҳодир сифатида кўз олдимизда гавдалантиради.

Ёзма адабиётда ҳаёт ҳақиқатини тасвирлашда фантастикадан кенг фойдаланилиши ҳам янгилик эмас. Фантастикани бадий хаёлот, ниманингдир яратилишига сабаб бўлувчи хамиртуруш, десак хато бўлмайди. Алишер Навоий асарларида тасвирланган ойнаи жаҳон, эскалатор, темир одам (робот)лар бир неча асрлардан сўнггина кашф қилинган. Бу каби тушунчалар бугунги кун учун оддий бир ҳол бўлиб туюлса-да, ўша давр учун бой хаёлот натижаси ҳисобланади. Айниқса, фантастикага болалар адабиётида кўпроқ мурожаат қилинади.

“Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги” романининг бош қаҳрамони Акбар Мадумаров “Сариқ девни миниб” романида Ҳошимжоннинг дўсти, “Акбар бўри ушлабди” бобида бўри боласини аравачага қўшиб цирк томошаси кўрсатмоқчи бўлган, 6-синфда Ҳошим билан бирга синфдан синфга қолиб кетган, бироз уйқучи, хаёлпараст бола

⁸⁶ Саргузашт ташвишлари (Танқидчи Умарали Норматов билан суҳбат) / Дунёга танилган адиб. – Б. 121.

сифатида тасвирланган бўлса, “Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги”да у асарнинг бош қаҳрамонига айланади.

Акбарнинг бурнига Ҳандалак шаҳрида ҳайкал қўйилади. Чунки асарда тасвирланишича, унинг бурни узокдаги қовуннинг ҳидига қараб унинг қанақа қовунлигини айтиб бера олиши, минг хил хидни фарқлай олиши, бурни орқали бир қанча жинойтларни очиши тасвирланади. Асарда бадий фантастика шу даражага етадики, қаҳрамон қўлига олган қовуннинг ичида неча дона уруғи борлигини ҳам беҳато айта олиши мумкин экан. Бир карашда, ўқувчи буниси энди ошиб кетди-ёв дейиши мумкин. Ёзувчи шундай тасвирлайдики, китобхон беихтиёр унга ишониб, асарнинг давомига кизиқади: “Мен қовунни қўлимга олишим билан унинг ичида неча дона уруғи борлигини беҳато айта оламан. Қовунни кафтимга олишим билан кўз ўнгимда телевизор экранига ўхшаш сарғиш лаган пайдо бўлади-ю, шу лаган сатҳида уруғлар дона-дона бўлиб бир томонга сурилиб ўтаверади” («Ширин қовунлар мамлакати», 12). Парчада Акбар уруғлар сонини қандай тўғри айта олиши жуда чиройли тасвирланган.

Асарнинг бешинчи бобида Акбар почтачи бўлиб ишга жойлашгани, ҳаёти қилинган эшакда туман марказидан газета-журналларни олиб, уйма-уй тарқатиши, боришда эшакка ерга ётгандек оёқ-қўлини осилтириб, ширин хаёлларга берилиши тасвирланади: “Хў, жар тубидаги улкан чинорларга оқуруғ қовунлардан пайванд қилсанг, ҳар биттаси тандирдек келадиган қовунлар пишса, оҳ, мазза бўларди-да, ярмини ёзда еб, ярмини қишга қоқи қилиб қўярдим-да” (“Ширин қовунлар мамлакати”, 37).

Акбарнинг бу хаёллари асар яратилган давр учун, бугунги кун учун хаёлот, фантастика бўлса-да, илм-фан тобора ривожланиб бораётганлигини ҳисобга олсак, қачондир оддий бир ҳодиса бўлиб қолиши мумкин. Бир пайтлар 35-40 кунда тухумдан чиққан жўжа қисқа муддатда 1-1,5 кг гўшт қиладиган товукқа айланади деган одам кулгуга қолган бўлса, бугунги кун учун бу ҳолат айни ҳақиқат.

Юқорида келтирилган бешинчи бобдаги парчадан кейинги воқеалар то асарнинг сўнгги қирқ учинчи бобигача Акбарнинг беҳуш ҳолатида (у эшакда осмонга қараб ётиб олиб, хаёл суриб кетаётиб, жарликка йиқилиб ҳушини йўқотади, лекин асарда йиқилгани айтилмасдан, фақатгина қирқ учинчи бобда ҳушига келгани айтилган) хаёлида ёки тушида юз берган воқеалардир.

У йиқилиб ҳушини йўқотгач, иши бироз чаппа кетгани, эшагининг устини яғир босгани, мол докторига борганида юқорида келтирилган эртак сюжетидагидек воқеалар кетма-кетлиги тасвирланган. Фақатгина эртакдан фарқли равишда эртакда ёнғоқнинг устига чиққанида тупроққа кўшилиб чиққан бир дона уруғ униб чиққани, мевага кирганини кўрса, романда: “...терлаб кетган эканман, артиниб олай деб чўнтагимдан рўмолчамни чиқараётган эдим, билмадим қачон солиб кўйган эканман, икки дона қовун уруғи илашиб чиқиб ерга тушиб кетди. Шу заҳотиёқ униб чиқиб палак ота бошлади”, – дея тасвирланади («Ширин қовунлар мамлақати», 38).

Тасаввур қилиб кўринг, уруғ ерга тушганиданоқ униб чиқиб, палак отиб, қовун пишиб етилса. Бу ҳам ҳаммаси эмас. Қовуннинг ичига тушиб кетганда “икки кун учдимми, уч кун учдимми, эҳтимол бир ой учгандирман”, – деб айтишига қараганда, сандикдек деб айтилган қовуннинг ичи бутун бир галактика деб ўйлайсиз. У кўзини очганида бир шаҳарнинг чеккасидаги ташландиқ уй томида ўзига келади. Бу жой Тарвуз шаҳри деб аталаркан. Тарвузнинг ичида бутун бир шаҳар жойлашганини ўқиб шошиб қоласиз. Бадиий фантастикани қаранг, автобуслар, машиналар, ҳатто инсонлар ҳам тарвузга ўхшармиш.

Акбар Тарвуз шаҳридан қочмоқчи бўлиб, яна шундай қовунга дуч келади, у ярмаркадаги “сеҳрли қовун” деб ёзиб кўйилган қовуннинг ичига тушиб, ўз юртига қайтмоқчи бўлади, лекин бу қовуннинг ичида Ширин қовунлар мамлақати жойлашган экан. Ёзувчи асар қаҳрамонини бир марта беихтиёр, иккинчи марта ўз ихтиёри билан қовуннинг ичига туширган.

Асарда Акбар Ҳандалак шаҳридаги бир ошхонага киргани, у ерда стол устидаги таомлар ёзилган (таомнома столнинг ўзига ёзилган) таомномани безорилар ёзиб кетган ёзув деб ўйлаб қайчи билан ўчирмоқчи бўлиши тасвирланган. Таомнома шундай эдики, “кабоб” деб ёзилган ёзувни босса, стол остидан кабоб пайдо бўларди. Бу асар яратилган давр учун шунчаки бадиий фантастика ҳисобланса-да, бугунги кунда айнан шундай бўлмаса-да, шунга яқин кашфиётларни учратамиз.

Бу мўъжизани кўриб Акбар ҳайратланади, механизациялашган таомномали столни ишдан чиқариб қўйишига сал қолади. Лекин Х.Тўхтабоев қаҳрамонлари ўзини йўқотиб қўядиганлар хилидан эмас. Қуйидаги парчада буни кўришимиз мумкин:

“Лекин шундай бўлса ҳам сир бой бергим келмай:

– Таомни чайнаб берадиган аппаратларинг йўқми? – деб сўрадим.

– Йўқ, – деди семиз аёл.

– Чайналган таомни ютишга ёрдамлашадиган аппарат-чи?

– Униси ҳам йўқ ҳали, – деди ориқ аёл.

– Орқада қопсизлар, – дея тўнғиллаб қўйдим” (“Ширин қовунлар мамлақати”, 53-бет).

Бугунги фан-техника ютуқларида айнан овқатни чайнаб берадиган аппарат бўлмаса-да, вазифаси шунга ўхшаш мева, сабзавот, озиқ-овқатларни майдалаб эзиб берувчи блендр номли аппарат мавжуд.

“Ширин қовунлар мамлақати ёки сеҳргарлар жанги” асарини ўқишли қилган омиллардан бири асарда фантастикага кенг ўрин берилганлигидир. Бу ҳақида ёзувчи шундай ёзади: Менинг назаримда, асардаги тўрт ҳолат уни ўқишли бўлишига, қўлма-қўл бўлиб ўқилишига сабаб бўлган бўлса керак.

1. Фантастик ҳолатга кўпроқ ўрин берилганлиги. 2. Имкон даражада юморнинг кучайтирилганлиги. 3. Қарама-қарши ҳолатлар – конфликтнинг асар охиригача сақлаб қолинганлиги. 4. Ҳаётий ҳақиқат, хулқи-ахлоқдаги иллатлар устидан бошлаб кулганим” (“Ширин қовунлар мамлақати”, 4-бет).

Дарҳақиқат, ижодкорнинг ўзи алоҳида таъкидлаган юқоридаги тўрт ҳолат асар воқеаларини бошидан охиригача таранг ҳолатда ушлаб туришга хизмат қилади. Ақром Ҳандалак шаҳрига бораверишида автобусга чиққанида дуч келган дастлабки ғайритабиий ҳолат автобус ҳайдовчиси ўтирган ойнаванд кабина орқасига жойлаштирилган кичкина телевизор ва унда кўрсатилаётган футбол ўйини бўлади. Бу Ақром учун нақадар ғайритабиий бўлса, асар яратилган 1986 йилдаги ҳамюртларимиз учун ҳам шу қадар кутилмаган янгилик эди. Чунки 1986 йилда ҳали телевизорли автобуслар Ўзбекистонга етиб келмаган эди. Буни ёзувчи асаридаги фантастиканинг дастлабки кўриниши сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Аслида, Ақромнинг ушбу асардаги саргузаштлари бироз аввалроқдан бошланади. Ёзувчи мактаб болаларининг ғўзани яғана қилишдан бошлаб пахтани териб олишгача, яъни ўқув йилининг деярли ярмини далада ўтказишларини ўқишни унчалик ҳам ёқтирмайдиган Ақром тилидан ярим ҳазил, ярим чин тарзида тасвирлар экан, баҳолар ҳам далада қандай ишлашларига қараб қўйилиши тасвирларига бағишланган саҳифалар XX аср 70-80-йиллари юртимиздаги ҳаёт тарзининг аччиқ ҳақиқатлари. Пахта даласида бригадир ва табелчининг айтганларини ўз вақтида бажариб, мактабни уларнинг маслаҳати билан қўйилган яхши баҳоларга тугаллаган Ақромнинг ўқишга кириш учун шаҳарга бориши, пединститутга хужжат топшириши ва адабиётдан иншо ёзиш имтиҳонида шарманда бўлиши эпизоди умрининг ярми далада ўтиб, мактабни амаллаб тугатган қишлоқ болалари саводхонлигининг умумий картинасидир. Роман биринчи нашрига сўнгсўз ёзган филология фанлари номзоди Омонилла Мадаев ўринли қайд этганларидек: “Ёзувчи ўз қаҳрамони тилидан бир неча йиллар аввал маориф соҳасида йўл қўйилган, айрим жойларда ҳали ҳам давом этаётган хатоларни усталик билан баён этади. Хусусан, ўқувчиларнинг етуклик аттестатларидаги баҳолар уларнинг пахта майдонидаги меҳнатларига қараб қўйилиши, мактаб маъмуриятининг эътибори ўқувчиларга билим беришга эмас, қишлоқ

хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга қаратилганлиги каби нуқсонлар очикдан очик танқид қилинади”⁸⁷.

Таниқли адабиётшунос олим О.Мадаевнинг бу гаплари бежиз эмас. Чунки худди шу ҳолат, яъни шўро даврида ўқувчиларнинг қишлоқ хўжалиги ишларига тинимсиз жалб этилишлари ҳатто истиқлол йилларида ҳам давом этганлиги, оқибатда эса Европа мамлакатлари бу ҳолатни вояга етмаган болалар меҳнатини эксплуатация қилиш сифатида баҳолаб, Ўзбекистонда етиштирилган пахта толасини сотиб олишни таъқиқлаб қўйганликлари ҳам маълум ҳақиқат.

Ёзувчи эса гўё бу воқеаларни шунчаки қисқагина тасвирлаш билан чеклангандай бўлиб, давомини афсонавий юртга, Ширин қовунлар мамлакатига оширади. Акром Ширин қовунлар мамлакатида “Ростгўйлик ва ҳалоллик тажриба институти” деб номланган олий ўқув юртига бориб қолади. Қараса, бир эшикнинг тепасига “Дадаси амалдорлар тажриба факультети”, иккинчисининг тепасига “Чўнтаги чуқурлар тажриба факультети”, учинчисининг тепасига “Билимдонлар тажриба факультети” деб ёзиб қўйилган экан: “Ҳар ёзувларки, боқсанг кўзинг яйрайди. Қалбим қувончларга тўлиб кетди. Тўғри-да, ёзиб қўйишмаганда, менга ўхшаб чекка қишлоқдан келган болалар янглишиб бошқа факультетга кириб қўйиши, оёғи осмондан келиши ҳеч гап эмас-да. Дадам амалдор эмас, дея ўйлай бошладим, бор-йўғи магазин сотувчиси, яна-тағин тавбахонада ётибди. Йўқ, буниси бизга тўғри келмайди. Чўнтаги чуқурлар факультети-чи? Буни қишлоқча тилда таржима қилсак, пули кўплар факультети бўлиб чиқади. Э, аттанг, участка бошлиғимиз Анорбой тоғанинг қизи Арофат келганда мазза қиларкан-да. Одамларнинг айтишича, отаси пулнинг сассиғига ётолмай, кечалари юриб чиқаркан... Демак, мулла Акромий пулдорлар факультетига

⁸⁷ Мадаев О. “Ширин қовунлар мамлакатиди”даги аччиқ ҳақиқат / Тўхтабоев Х. Ширин қовунлар мамлакатиди ёки сеҳрлар жанги. – Тошкент: Ёш гвардия, 1991. – Б. 280.

хам кирол майди. Ароқхўр дадасининг камомади туфайли оиласи қулоғидан қарзга ботиб ётибди.

– Бундай ўйлаб қарасам, мен учун энг ўнғайи, “Билимдонлар факультети” экан” (“Ширин қовунлар мамлакати”, 43-бет).

Биз ҳам ўйлаб қарасак, ҳақиқатга энди яқинлашиб келаётган эканмиз. Ушбу баёнлар ҳаётнинг кўп синовларини бошидан ўтказган зукко ёзувчи доно халқимизнинг “қизим сенга айтаман, келиним, сен эшит” деган ҳикматига қанчалик содиқлигидан далолат беради. Чунки яна ўша доно халқимизнинг “ҳақни айтсанг, урарлар” деган яна бир ҳикмати ҳам бор. Х.Тўхтабоев кўп йиллик фельетончилик фаолиятида ва ундан кейин ҳам айниқса, юридик, иқтисод ва шарқшунослик йўналишларида олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларида амиру амалдорлар ва пулдорлар фарзандларига кўрсатилган “ҳиммат”лардан етарлича хабардор бўлганлиги аниқ. Шу сабабли ҳам ёзувчи бу гапларни мутлақо афсонавий ўзга бир мамлакатга кўчириб, уларнинг тажриба фаолияти тарзида захарханда истеҳзо билан, ростгўйликда ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам аямайдиган Ақромжон тилидан айтишни мақсадга мувофиқ деб топган деб ўйлаймиз.

Романда Ақромнинг профессор Дар Даража билан тасодифан учрашиб қолиши ва унга ўзининг ҳид билиш қобилиятини намойиш қилиши асар воқеаларини янги ўзанга буриб юборади:

“Ўрнимдан сакраб туриб, ўн метр нарига бордим-да, икки кўзимни чирт юмиб, бурним орқали чуқур-чуқур нафас олдим:

- Чап елкангиз остига чипқон чиққанга ўхшайди. Яра модда олиб, патосга айланибди. Маддадан қўланса ҳид тарқалапти.
- Лекин, бўтам, тўғри айтдинг. Э, товба!
- Яна айтайми?
- Қани, қани.

– Костюмингизнинг ўнг чўнтагидан тахи бузилмаган қоғоз пулларнинг ҳиди уфураяпти.

– Офарин!

– Шимингизнинг чап чўнтагида атир сепилган рўмолча борга ўхшайди.

– Ёпирай!

– Икки пой пайпоғингиз бир-бирига сира ҳам ўхшамайди, - дея яна тўйиб-тўйиб ҳаво симирдим, - бир оёғингизда ип пайпоқ, кеча ювилган бўлса керак, кир совуннинг ҳиди бор. Бошқасида нейлон. Нейлон билан қоришган тернинг ҳидини сезаяпман.

Дар Даража шошилиб ботинкасини ечди-ю, қишлоқчасига қилиб айтадиган бўлсак, тарракдек қотиб қолди” (“Ширин қовунлар мамлакати”, 62-63-бетлар).

Ростдан ҳам Акроннинг бурни бу қадар ҳид билишга сезгирлиги ҳар кимни ҳам тарракдек қотириб қўйиши ҳеч гап эмас. Энг асосийси эса бу қобилият профессор Дар Даражада янги фикр, ташаббус уйғотади:

“ – Худо ҳақи, бундай фазилат эгасини мен салкам ўттиз йилдан буён ахтарардим... Ўғлим, биз биргалашиб ишлаймиз энди. Менинг биоток ўқиш қобилиятим билан сенинг ҳид олиш ҳолатинг қўшилса, буюк кашфиётлар туғилади... Бугундан бошлаб менга ҳам суюкли ўғил, ҳам тиришқоқ шогирд бўласан. Истикболнинг порлоқ, бурнинг қурмағур! Бир эмас, бир неча фанлардан доктор бўласан, профессор бўласан!” (“Ширин қовунлар мамлакати”, 63-бет).

Шундай қилиб, Акроннинг бурнининг ҳид олиш қобилияти эзгулик сари йўналтирилади, у “асл мақсади инсон умрини узайтириш йўлларини ахтариб топишдан иборат” бўлган, дарвозаси пештоқига олтин ҳарфлар билан “ИНСОН” деб ёзиб қўйилган институтда профессор Дар Даража илмий раҳбарлигида иш бошлайди. Институтга кириб боришар экан, устози йўл-йўлакай уни инсон умрини узайтиришда витаминлар ролини ўрганаётган профессор Дар Мон лабораторияси, шу борада спорт билан мунтазам шуғулланишнинг ўрнини ўрганаётган профессор Чак Қон лабораторияси,

профессор Ун Вон раҳбарлигидаги “Олимлар” лабораторияси, инсон умрини узайтиришда адабиётнинг ролини ўрганадиган, асосан шоиру ёзувчилар ишлайдиган “Адабиёт” лабораторияси билан таништиради, улар олиб бораётган илмий изланишлар ҳақида маълумот беради. Ўзи бошчилик қиладиган лаборатория олдида етиб боришар экан, эшик олдида Ақромнинг кўлидан ушлаб, “энгашиб, остонани ўп!” деб буюради устоз. “Товба, нега бундай қилдиряпти экан” деб ҳайрон қолган Ақромга устози:

“– Ўғлим, – дея юмшоққина қилиб гапира бошлади, - ҳар бир киши ўзи ишлайдиган даргоҳни муқаддас билиб, унинг остонасини ўпиши шарт. Қасбга муҳаббат деган гапни эшитганмисан?”

– Эшитганман.

– Бўлмаса, энгашиб, остонани ўп. Баракалла, яна ўп! Бу бошқа гап. Қани энди орқамдан юр. Мана бу зални мен қасамхона деб атайман. Менга шогирд тушмоқчи бўлган ҳар бир йигит-қиз шу ерда қасамёд қилиб олишга мажбур” (“Ширин қовунлар мамлақати”, 72-бет).

Ҳақиқий ёзувчи асаридаги ҳар бир эпизод китобхонни тарбиялашга хизмат қилиши ушбу ҳолатда янада ёрқин намоён бўлади. Ҳақиқатан ҳам асар фантастик йўналишда бўладими, унда саргузаштлилик устуворлик қиладими, булардан қатъи назар, бадий адабиёт китобхон, айниқса, ёш китобхон маънавий оламини бойитишга, маънавий камолотини таъминлашга хизмат қилиши кераклиги унинг олдида турган дастлабки вазифадир. Агар ҳар бир киши ўзи ишлайдиган даргоҳни муқаддас деб билса, остонасини ўпа олса, ишга қираётган жойида ҳалоллик, поклик билан ишлашга қасамёд қила олса, эҳтимол, Худойберди Тўхтабоев умид-орзу қилган қанча яхши нарсалар, айниқса, поклик, ҳалоллик, имон, инсоф сингари туйғулар аллақачон қалбларни нурга тўлдирган бўлармиди?! Лекин ушбу асарни ўқиган бир китобхон қалбида бўлса ҳам шундай туйғулар уйғонса, бу туйғу бир қалбни бўлса-да, мунаввар қила олса, демак, асар ўзининг маънавий-маърифий вазифасини бажарган деб ҳисоблаш мумкин деб, ўйлаймиз.

Романда Ақромнинг ўзи йигирма литрлик шиша идишга ўн етти хил сарқитли қонни кўшиб ва ярим литр ароқни аралаштириб тасодифан яратиб кўйган Иблиснинг шиша идишдан чиқиб кетиб, Ширин қовунлар мамлакати аҳолиси бошига келтирган офату кулфатлари ва Ақромнинг унга қарши кураши тасвирлари асосий воқеалар тизимида ўзига хос ўрин тутди. Назаримизда, ёзувчи Иблиснинг яратилишида ароқнинг таъсирини алоҳида таъкидлаши бежиз эмас. Чунки дунёда нимаики ёмонликлар бўлса, аслида, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ароқхўрликдандир. Асар бошида Ақромнинг отаси ароқхўрликка берилиб кетиб, охир-оқибат давлат мулкани ўзлаштиришда айбланиб, қамоқ жазосига маҳкум қилингани фикримиз далилидир. Эътиқодли, ҳалол-пок инсонга нотаниш аёл билан зино қилиш, ёш болани ўлдириш ва шароб ичиш гуноҳларидан бирини танлаш таклиф қилинганида энг енгил гуноҳ сифатида шароб ичишни танлаши, шароб ичиб маст бўлгандан кейин ҳалиги аёл билан зино қилишга ҳаракат қилиши, аёл бола бизни кўриб турибди-ку деганида болани ўлдириши воқеаси халқ ривоятларидан маълуму машҳурлигини эслайдиган бўлсак, Х.Тўхтабоев бу хусусда бу қадар алоҳида тўхташи халқ оғзаки ижодидаги “қиссадан ҳисса”ларнинг ўзига хос кўриниши деб баҳоланиши жоиз, деб ўйлаймиз.

“Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги” романида илгари сурилган масалалар тилга олганларимиз билан тугамайди, албатта. Бироқ биринчи нашрига сўнгсўз ёзган таниқли адабиётшунос О.Мадаев асарнинг ўзига хосликлари ҳақида ниҳоятда батафсил фикр юритганларини ҳисобга олиб ҳамда домланинг фикрларини тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда ушбу роман ҳақидаги мулоҳазаларимизни Х.Тўхтабоев ижодининг изчил тадқиқотчиси, дўсти ва ҳамюрти, У.Норматов фикрлари билан якунлаймиз:

“Қабоҳату жинойтларга қарши мурасасиз кураш-жанг мотиви кейинроқ, 1986 йили чоп этилган “Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги” романида ўзгача тарзда давом эттирилди. Бу асарда аёвсиз кураш энди бошдан оёқ тахайюл-хаёлотда фантастик тарзда кечади. Бу

романни “Сарик девни миниб” ва “Сарик девнинг ўлими” билан боғлайдиган жиҳати шундаки, ҳар икки романда иштирок этган Ҳошимжоннинг дўсти – бир оз хаёлпараст, бир оз ўйинқароқ Акрамжон бу асарда бош қаҳрамонга айланади, унинг ширин қовунлар мамлакатадаги хаёлий саргузаштлари – мамлакатни ҳар хил иллатлардан тозалаш ниятида сеҳргар иблис билан олиб борган аёсиз жанглари роман асосини ташкил этади... Шу тариқа, ҳар бири ўзича бир дунё, мустақил хилқат саналмиш бу уч роман, айни пайтда, асосий мотиви, етакчи персонажлари орқали бир-бирлари билан туташади, шунга кўра уларни ўзига хос миллий адабиётимизда ҳозирча ягона саргузашт-трилогия деб аташ мумкин”⁸⁸.

Асарда бадиий фантастика ҳаёт ҳақиқати, инсонлар хулқ-атворидаги иллатлар устидан кулиш, жамиятда инсон янада бахтли яшашини таъминлашга қаратилгани билан характерлидир. Шу боис ҳам адабиётшунос А.Расулов асар муҳокамасида роман ҳақида: “Худога шукур, ўзбек болалар адабиётида ҳам, мана чинакам фантастик асар яратилди”, – дея эътироф этади⁸⁹.

3.2. §.“Мунгли кўзлар” романининг мавзу кўлами ва тасвир услуби

“Мунгли кўзлар” романи китобхонлар қўлига 1988 йилда етиб келди. Асарни шўро тузумининг охириги йилларидаги ҳурфикрлилик маҳсули дейиш ҳақиқатга кўпроқ яқин келади. Чунки 1985-1990 йилларда матбуотда ҳар ҳолда хоҳлаган гапни айтиш имкони пайдо бўлгани, айниқса, шўро тузумида амалдорлар, адлия органлари ва савдо ходимлари орасида урчиб кетган порахўрлик, улар томонидан сунъий равишда уюштирилган етишмовчилик (дефицит)лар оқибатида халқ норозилигининг кучайиши, қатағонлар ҳақидаги шу пайтга қадар яшириб келинган қанчадан-қанча

⁸⁸ Норматов У. Саргузашт сардори. – Б. 37.

⁸⁹ Қаранг: То'xtaboyev X. Nabiralaringa ochiq xat / Shirin qovunlar mamlakati yoki sehrgarlar jangi. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2006. – B. 4

маълумотларнинг бирдан қалқиб юзага чиққани кўплаб фош қилувчилик руҳидаги публицистик чиқишларга сабаб бўлгани ва ҳатто, бадий адабиётда ҳам фош қилувчилик руҳи етакчилик қиладиган бир қатор асарлар майдонга келишига олиб келгани маълум ҳақиқат. Демакки, бу асар яратилишига ҳам Х.Тўхтабоевнинг фельетончилик фаолияти мобайнида йиғилган ўша даврлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётига тааллуқли қанчадан-қанча салбий маълумотлар материал бўлиб хизмат қилган дейиш мумкин.

“Мунгли кўзлар”ни ўқиганларнинг кўпчилиги, асосан, бир ғалатилик атрофида баҳсга киришадилар: Акбар ким? Дономи, тентакми? Тўғри, онаси ўта молпараст, худбин, бориб турган қаллоб. Лекин, нима бўлгандаям, биттаси – ота, биттаси – она! Акбар учун улар ҳатто жонларини тикишга ҳам шай. Ҳадис кўрмаган бола эса уларнинг устидан тегишли жойга шикоят ёзди, каматтирди. Энди одамларга қайси юз билан қарай олади? Нариги дунёда аҳволи нима кечади?”⁹⁰.

Ростдан ҳам асарни ўқиб тугатар экансиз, хаёлингизда минг хил фикрлар ғужғон уриши табиий. Роман воқеалари тилла буюмларнинг сифатини бир қарашда ажратиб бера оладиган, қалби доимо тилла ишқи билан ёнадиган она (Ёқутхон), омбор мудир сифатида магазин сотувчиларидан ажратиладиган ҳар бир буюм учун зақалат олишни қонуний деб ҳисоблайдиган ота (Саиджон), яъни шўро даври қонунлари бўйича порахўрлар ва уларнинг бундай йўллар билан бойлик орттиришларига ҳар хил қарайдиган болаларидан иборат оила кечмишлари атрофида рўй беради. Туғма ногирон катта ўғиллари Акбар отасини порахўр, онасини чайқовчи, яъни очикдан-очик жиноятчилар деб ҳисобласа, иккинчи ўғил бўлмиш Зафар уларни ҳожатбарор деб ҳисоблайди. Акбар ота-онасининг қилмишларини чайқовчилик ва порахўрлик деб кескин қораласа, Зафар кўни-қўшнилари бўлмиш амалдорлар мисолида порахўрликни жиноят эмас, шунчаки жамиятда ҳар куни рўй бериб турадиган одатдаги ҳол деб ҳисоблайди.

⁹⁰ Обиджон А. Ўйла! Изла! Топ! / Дунёга танилган адиб. – Б. 65.

Ёзувчи олис бир қишлоқдан ўқишга кираман деб шаҳарга келган, лекин олий ўқув юртига кириш жараёнида ноҳақликларнинг гувоҳи бўлган, омборга ишга кириб, уч сўмлик термосни олти сўмга сотаётганида милиционернинг қўлига тушиб, уч минг сўм пора эвазига қутулган, устози Саид Бадалович уни ўринбосарликка олмоқчи бўлганида, яна уч минг сўм пора билан иши битган, демак, ҳамма иш пул билан битар экан-да, деган хулосага келган ва шу йўлни танлаган Саиджон қисматини жуда ишонарли тасвирлайди.

Биринчи мисол: “Қишлоғимиздан уч бола ўқишга отландик. Орамизда анча-мунча илми бори мен эдим. Ахир улар билан бирга ўқиганман, нимага ярашини билардим-да. Йўқ, улар ўтди, мен қолиб кетдим. Биттаси ҳозир ҳам уйимизга келиб юрадиган Шокир амакинг, қишда ҳам болаларини олиб келди-ку, ўша қулоғинг қани деса, бурнини кўрсатарди. Дадаси фермада мудир эди, бой, пули кўп, беш мингга гаплашиб кетган экан. Мен галварс бўлсам ректорга кириб жанжал қилиб юрибман. Иккинчи шеригимиз кела солиб тўппа-тўғри бир дўстининг уйига тушганди. Унинг нияти осон кўчди. Энг ёмони иккала ўртоғим ҳам пул билан ўтганини мендан яширишмасди. Ҳатто мақтанишарди ҳам. Алам қилди, йиғладим. Лекин қишлоққа қайтмадим, ўқишга кирмагунча бормайман деб аҳд қилдим” (“Мунгли кўзлар”, 92-бет).

Иккинчи мисол: “Бир кечада ўзгариб кетдим. Институт пулга, жиноятни ёпиш пулга, вазифага ўтириш пулга, пул, пул, пул... ҳаммаёқда иш фақат пул билан битаркан-да... Ўша кечаси қалбимга ҳам, онгимга ҳам пулнинг сурати қаттиқ муҳрланиб қолгандек бўлди. Томирларим ҳам пул, пул, деб тепаётгандек эди...” (“Мунгли кўзлар”, 94-бет).

Демак, жамиятдаги ноҳақликлар, деярли барча соҳаларда урчиб кетган порахўрликлар қишлоқдан келган содда бир йигитнинг йўлдан озишига, уларнинг ҳамтовоғига айланишига сабаб бўлаяпти. Ёзувчи бу аччиқ ҳақиқатни очиқ-ойдин айтиши учун имконият XX асрнинг 80 йиллари

охирида, ана шундай ноҳақликлар Шўро жамиятини еб тугатаётган бир пайтдагина пайдо бўлган эди.

Эҳтимол, бу воқеалар бугунги кунларда рўй берганида онани айблайдиганлар ҳам унча кўп бўлмаса керак эди. Чунки она заргарнинг қизи, унинг кўзи отаси тайёрлаган заргарлик буюмларини кўравериб пишган. Ҳатто шаҳарда тилла тақинчоқларнинг ҳақиқий ёки сохталигини, пробасини аниқлашда унга тенг келадиган одам йўқ, магазинчилару заргарларнинг барчаси ишонч билан унга мурожаат қиладилар. Бугунги кунда ўша заргарларнинг давомчилари-ю, шогирдларини ҳам ҳеч ким айбламайди. Шўро даврида уйдаги қўлбола дастгоҳида атлас тўқиган ҳунармандлар ноқонуний фаолият юритишда айбланиб қамалган бўлса, бугунги кунда уларга ўхшаган қанчадан-қанча турли соҳа вакилларига катта йўл очиб берилган, улар давлат томонидан қўллаб-қувватланади.

Аслида, шўро давридан бошқа барча замонларда қимматбаҳо олтину кумуш тақинчоқларни ёки турли хил атласу кимхобларни уйда тайёрлаш, яъни касаначилик айб, жиноят деб ҳисобланмаган. Ҳатто қўлда тайёрланган маҳсулотлар завод-фабрикаларда тайёрланадиганидан кўра сифатлироқ бўлиши, демак нархи қимматроқ бўлиши ҳам табиий. Бироқ роман воқеаларининг ўқ илдизи шўро даврида сунъий етишмовчиликларни ташкил қилган савдо ходимлари, яъни магазинчилар ва омбор мудирлари ҳамда улардан ўз вақтида “қонуний ҳисса”сини олиб турадиган амалдорлар, яъни камбағаллар ҳукуматининг бой бўлишга қарши сиёсатини амалга оширувчиларга бориб тақалади. Шўро сиёсатида кўра барча маҳсулотлар давлат завод-фабрикаларида тайёрланиши ва барча жойда бир хил нарх билан сотилиши керак эди. Лекин ўша бир хил нархда сотилиши керак бўлган ва асосан, орзу-ҳавас учун сотиб олинадиган тилла тақинчоқлар қайси магазинда ўз нархида бемалол сотилган экан? Ўғлини уйлантириш ёки қизини чиқариш ташвишига тушиб қолган ота-она атласу кимхобларни қайси магазиндан ўз нархида сотиб олган экан?

Бинобарин, буларнинг барчаси тепадан туриб бошқариладиган давлат сиёсати, яъни айсбергнинг оддий одамларга кўринмайдиган сув остидаги қисми. Оддий халқ наздида омбор мудирини камёб нарсаларни магазинчиларга ўз нархида бермай, муздини оладиган жиноятчи бўлса, магазинчи омбор мудирини берган порасини ва ўз хизмат ҳақини ҳам чиқариб олиш учун камёб нарсаларни яшириб, янада қимматга сотадиган жиноятчи муттаҳам. Шу сабабли ҳам қошоналарда яшайдиган, ўзгалар учун орзу бўлган енгил машиналарда юрадиган, ҳаёти порахўрлик, яъни ҳаром насиба асосига қурилган бу тоифани ойлик маош ҳисобига яшайдиган меҳнаткаш халқ ёмон кўриши табиий.

Асарда бунга ўхшаш дилеммалар кам эмас. Масалан, асосий вазифаси жиноятчиларга қарши курашишдан иборат бўлган ҳуқуқ идоралари ходимлари, милиционерлар, терговчилару судьяларнинг барчаси ҳам бирдай ҳалол эмас, балки анча-мунчаси ўша муттаҳам каззобларнинг ҳамтовоқлари. Х.Тўхтабоев фельетончилик фаолияти мобайнида бунга ўхшаш ҳолатларга кўп марталаб гувоҳ бўлгани аниқ. Шу сабабли ҳам у асар воқеаларини ниҳоятда холислик билан тасвирлайди.

Энг асосийси, асар воқеалари тиллафуруш она-ю порахўр омбор мудирини бўлмиш отанинг иккинчи ўғли – Зафар тилидан, ҳали ҳаёт тажрибаси унчалик катта бўлмаган ўсмир нигоҳидан ўтказилиб ҳикоя қилинар экан, воқеалар ривожини давомида ҳаёт зиддиятларининг янгидан-янги тўлқинлари бир оилага тегишли оддий ҳаёт ҳақиқатидан ноҳақликлар асосига қурилган нопок жамиятни еб тугатаётган улкан бадий ҳақиқатга айлана боради. Шўро жамиятидаги бундай ноҳақликлар, порахўрликларга ўз мисолида гувоҳ бўлган илмий раҳбаримнинг бир суҳбатдаги “Мен 1987 йилда оилали бўлиб, мустақил яшаётганимдан кейин “Саратов” русумли, аслида 180 сўм турадиган музлаткични хўжалик моллари магазинидан илтимослар билан 200 сўмга олганман” деган гапи, назаримда, Х.Тўхтабоевнинг “Мунгли кўзлар” романида тасвирланган порахўрликка тааллуқли воқеаларнинг шунчаки бир

оила мисолида эмас, жамият миқёсида урчиб кетганини яна бир карра тасдиқлайди.

А.Расулов фикрича: “Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб”, “Ширин қовунлар мамлакати”, “Мунгли кўзлар” романларида саргузаштлар кўп. Саргузашт – инсоннинг ҳаёт гирдобида узлуксиз ҳаракат қилиши, мақсад йўлидаги курашиш. Ҳошимжон, айтилганидай, машҳурлик излаб саргузашт бошлайди. Унинг Узун қулоқ пирим зиёратгоҳидаги, милиция ходимлари билан Сариқ девни маҳв этишдаги саргузаштлари ҳам қизиқарли, ҳам мураккаб, ҳам маърифий. Акронинг ғаройиб саргузаштлари-чи? Улар Ҳошимникдан ортиқ бўлса борки, кам эмас. Зафар муштдайлигидан ҳаёт зиддиятлари, мураккаб синовлар саргузаштини бошидан кечирди”⁹¹.

Роман воқеалари ривожиди она тилла тангаларни сотиб олаётган ва заргарлар тайёрлаган тақинчоқларни сотаётган пайтида жиноят устида қўлга олинади, ота эса уюштирилган пора бериш жараёнида қўлга тушади. Ноқонуний тилла савдоси билан шуғулланишда доимо қўлга тушиб қолиш хавфи остида юрагини чангаллаб яшаган ва охир-оқибат юрак хасталигига дучор бўлиб қолган она терговлар жараёнида вафот этади, ота ўн бир йил муддатга озодликдан маҳрум қилинади, уларнинг барча мол-мулклари, ҳатто уй-жойлари ҳам мусодара қилинади. Уларни турмадан чиқаришга ваъда берган акахону опахонлар эса худди ўлимтик устида талашаётган кузгунлардек қолган-қутган бойликлар, тақинчоқлару “Волга” машинасини ҳам ўзлаштириб олиб, бир чеккада томошабин бўлиб тураверадилар. Вояга етмаган тўрт фарзанд кимсасиз бўлиб, кўчада қолади.

Бу кўргуликларни кўтара олмаган қизлари Нигоранинг бутун аъзои-баданига оқ тушиб, пес касалига гирифтор бўлади, ваъдабозлар ўзлаштириб олган “Волга”ни қайтариб оламан деб, олиб қочган учинчи ўғил Зуфар автоҳалокатга учраб, ҳалок бўлади. Булардан ҳам баттари, энг даҳшатлиси,

⁹¹ Расулов А. Ғаройиб салтанат / Дунёга танилган адиб. – Б. 49.

ота-она устидан тегишли идораларга чақув хати ёзган одам ногирон катта ўғил, ўз наздида ҳақиқатпараст Акбар экан. Қилғилиқни қилиб қўйиб, виждон азобида қийналган ўсмир дастлаб ўзини осийшга ҳаракат қилади, кейин эса уйларига ўт қўйиб, ўзини ҳам нобуд қилади. Акбар ўз қилғилиқларини укасига васият хати сифатида ёзиб қолдирган экан, Зафар хатни ўқиб, оиласи бошига тушган барча кўргуликларнинг сабабчиси акаси эканлигидан хабардор бўлади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адабиётшунос И.Ғафуров фикрича: “Акбарни оиласига қилган хиёнатини авом нуқтаи назаридан тушунтириш эҳтимол қийиндир. Лекин Акбар ота-онанинг қаллобликларини кўриб чиқолмайди. У бўлажак фожиаларнинг олдини олишга уринади. Лекин қулаётган иморатни мурғак елкалар нечук суяб қолсин? Акбар оила бошига тушган фалокатлардан чексиз изтироб чекади, ўртанади ва ниҳоят, елкасига келиб тушган тоқат қилиб бўлмас зарба ва синовлардан қутулиш учун ўз жонига қасд қилади”⁹².

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон фикрича эса: “Наҳотки, яна битта Павлик Морозов? Ўз оиласи манфаатини ҳукуматникидан юқори кўювчи отасининг “жиноят”ини фош этиб ҳалок бўлган, бутун бошли “Қизилистон” пионер-ўқувчиларининг китобий қаҳрамонига айланган Павликни айтаман-да. Балки, бу ўзбекдан чиққан Ҳамлетдир? Балки уни тушунишга ҳозирча қодир эмасдирми? Ахир ҳар бир инсон ўз ички кечинмалари, биргина ўзи учун заруратга айланган хатти-ҳаракатлари билан қизиқарли эмасми?”⁹³

Дарҳақиқат, “Мунгли кўзлар” романини ўқиган ҳар бир катта-кичик китобхон қалбида ўзига хос турли-туман фикрлар пайдо бўлиши табиий. Кимлардир Акбарни ота-онага қарши бош кўтарган, хиёнат қилган ноқобил фарзанд сифатида айблаши мумкин, кимлардир уни ҳақиқатпараст сифатида

⁹² Ғафуров И. Худойберди Тўхтабоевнинг “Мунгли кўзлар” саргузашт-романи ҳақида / Дунёга танилган адиб. – Б. 55.

⁹³ Обиджон А. Ўйла! Изла! Топ! / Дунёга танилган адиб. – Б. 66.

оқлаши мумкин, кимдир унинг бу тарзда фикрловчига айланишида Атоулло муаллим айбдор деб ҳисоблаши мумкин ва ҳоказо. Ёзувчининг маҳорати шундаки, у Акбарни оқламайди ҳам, қораламайди ҳам, фақат бўлаётган воқеаларни холис тасвирлаш билан ҳукм чиқаришни китобхонга ҳавола қилади.

Назаримизда, Анвар Обиджоннинг Акбарга нисбатан “Ҳадис кўрмаган бола” деган таърифлари ҳақиқатга янада яқинроқ бўлиб, кўпчиликнинг умумлашма фикри сифатида қабул қилинишга лойиқдир. Чунки Акбар, нима бўлганда ҳам, Шўро мактаби ўқувчиси, дастлаб ана шу мактабда ва ундан кейин эса Атоулло муаллим томонидан сингдирилган коммунистик ахлоқ-одоб қоидалари унинг қон-қонига сингиб кетган, у мумтоз адабиётимиздаги “Атодин келса хато, кўрма хато” ҳамда ҳазрат Навоийнинг “Ҳар ҳақни ҳам дегулик эмас” деган ҳикматларидан хабарсиз, ёзган чақув хатидаги ота-онасини қамамаслик ҳақидаги қайдини бирорта терговчи ва судья бир тийинга олмаслигини ҳам билмайди. Шу сабабли ҳам гўёки ота-онасини бундан кейинги жиноятлардан сақлаб қолиш мақсадида вилоят милициясининг жиноят-қидирув бўлимига хат ёзади. “Ёзган хатимда тартибга чақириб қўйишларини, лекин зинҳор қамаб қўймасликларини сўрадим” деб ёзади у укаси Зафарга ёзган васият хатида⁹⁴. Бироқ Акбар, нима бўлганда ҳам, тажрибасиз бир ёш бола-да, у совет милицияси жиноятчини тартибга чақириб қўйиш билан чекланмаслиги, балки жиноят илдизини таг-туби билан кўпориб ташлаш, жиноятчини эса аямасдан қамоққа тиқиш билан шуғулланишини билмайди.

Роман воқеалари занжири, асосан, Зафар теварагида айланади, у бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг тирик гувоҳи ҳам, бевосита иштирокчиси ҳам. Шу боисдан ҳам асар воқеалари унинг тилидан ҳикоя қилиниши ўзини тўла оқлайди. Зафар, бир қарашда, ҳаётга энди кириб келаётган, турмуш

⁹⁴ То'хтабойев Х. Mungli ko'zlar. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2010. – B. 243-244 (ушбу манбадан олинган кейинги мисолларнинг саҳифаси кавсда кўрсатилади).

машакқатларидан беҳабар ўсмир бўлиб кўринса-да, ота-онаси қамалиб қолганида оиланинг барча масъулияти унинг елкасига тушади. Чунки акаси Акбар полиэмелит касалига учраб, юролмайдиган бўлиб қолган ногирон, укаси Зуфар табиатан анча беқарор, синглиси Нигора ҳали жуда ёш. Шу сабабли ҳам турмада ётган ота-онаси билан учрашиб, камокдан қутулиш учун кейинги қилинадиган ишларни белгилаш, кимлар билан учрашиш, кимга қанча “хизмат ҳақи” бериш кераклигини аниқлашгача барчаси Зафарнинг кўз ўнгида рўй беради.

Шу сабабли ҳам у дастлаб унча ҳаяжонланмайди. Чунки: “Дадажоним билан ойижоним бунақа чалкашликка тушавериб, ўзларининг айтишича, сочлари оқариб кетган. Қўрқмасак ҳам бўлади. Энг катталари билан, анча-мунчасини ўтириб турғизадиганлари билан алоқамиз яхши. Бир мўйлов қилиб қўйишса... тамом. Ойижоним-чи? Қизик, нега энди икковларига бирдан тикилиб қолишди экан? Ойимдан ҳам хавотир олмасак бўлади. Ҳа-ҳа, ўзимизни босганимиз маъқул. Пулимиз кўп, жуда ҳам кўп. Тиллоларимиз ҳам бор. Ўшалар ишга тушса борми?! Ойижоним кўпинча, “Эҳ, сизлар-ей, сизлар-ей, — деб қўярди, – ҳозирги замонда одамлар худога сиғинмай кетган. Ҳамма ҳозир ё пулга, ё амалдорга сиғинади. Пул худо-ю, амалдор пайғамбар. Худо берадиган ёрдамини энди одамлар пулдан кутишяпти...” (“Мунгли кўзлар”, 20-бет).

Бироқ ишлар тескари тус олади, ота-онаси бениҳоя ишонган, уларнинг доимий совға-саломларини олиб турган, кечагина бир даврада (гапда) улфатчилик қилган, гўёки ака-укадай, опа-сингилдай туйилган, “бир мўйлов қилишлари” билан ҳамма иш доимо улар хоҳлагандай яқунланадиган акахон-у опахонларнинг гаплари бу сафар ерда қолади. Оқибатда юраги хаста она тергов жараёнлари тугамай ўлади, ота ўн бир йилга қамалади. Юқорида қайд этилганидай, бир оила таг-туги билан инқирозга учраб, катта ўғил уйга ўт қўйиб, ўзини ҳам нобуд қилади, “Волга” машинасини отам менга ваъда қилган эди деб ҳисоблайдиган учинчи ўғил – Зуфар машинани олиб қочиб,

йўл ҳалокатига учраб ҳалок бўлади, эрка қиз Нигора эса бу руҳий азоб-укубатларни кўтара олмай, оғир касалликка дучор бўлади, оила давомчиси бўлиб биргина ўғил – Зафар қолади.

Акбарнинг уйга ўт қўйиб, ўз жонига қасд қилиши ҳам асар мобайнида асосланиб борилади. У отасига рус тилида ўқиётган бир китобидаги воқеани айтиб беради: “Коновалов деган бир йигит акасининг устидан прокурорга арз қилганди. Арз қилишга қилиб қўйиб, иш катталашиб кетгач, энди уни қутқармоқчи бўляпти. Акасини қутқара олмади, қамалиб кетди. Энди виждон азобига тушиб қолди. Эҳ-ҳе, шунақа қийналяпти-ки... Ўзини ўлдирмоқчи бўлиб турувди...” (88-89-бетлар). Бу мисол билан ёзувчи гўё Акбарнинг тақдири ҳам айнан Коноваловникидай тугашига ишора қилаётгандай.

Назаримизда, Зафарнинг отини муаллиф бежиз бундай атамаган. Чунки Зафар ўз номи билан зафар, яъни ғалаба рамзи. Бўлиб ўтган барча воқеа-ҳодисаларнинг тирик гувоҳи бўлмиш Зафарнинг оила бошига тушган кўргуликлар учун шаҳар савдо маркази директори Садир Бадалович, судья Муҳамедов ва унинг хотини, “Қози хола” лақабли Ибодатхондан ўч олиш йўллари қидириши бежиз эмас. Чунки Бадалов онасини қутқариш учун “Волга” машинасини мен айтган одамнинг номига ўтказасанлар деб шарт қўйган, “Волга”ни олгану ваъдасини бажармаган, у мана шу жинойтларнинг тепасида турган, ҳар биридан катта-катта улуш олиб турган Бадалов ва Муҳамедовлар устидан юқори идораларга шикоят хатлари ёзди, оқибатда эса уларнинг ташаббуси билан жиннихонага ётқизилди. Ҳақиқатга қонуний йўл билан эришиш ўзи ўйлаганичалик осон эмаслигига ишонч ҳосил қилгач эса қасос олишга киришади. Унинг роман бошланишидаги “Мен 16 ёшимда қамоққа тушиб қолдим. Қамалишим керак эди. Мана, қамадилар. Турган гапки, жинойтни бировлар қилиб нега энди сени қамадилар, бу қанақа қонун бўлди деб сўрарсиз. Илтимос, қонунни тинч қўяйлик. Қонунлар адолатли, уларнинг адолатли эканлигини мана шу ерда, гоҳ қоронғу, гоҳ зах хоналарда ётган ҳамхоналарим ҳам яхши билишади. Бу хусусда ҳаммамизнинг

фикримиз бир. Сиз қонун ижрочилари, ҳимоячилари, тарғиботчилари ҳақида гап очсангиз бошқа эди, тилингиздан ўпган бўлардим” деган гаплари ҳақиқатни топиш нақадар машаққатли эканлигини тасдиқлайди (“Мунгли кўзлар”, 10-бет).

Адабиётшуносликда бу воқеалар тизмаси Зафарнинг бошидан ўтган саргузаштлар сифатида баҳоланаяпти-ю, лекин улар шунчаки саргузашт эмас, балки ниҳоятда мудҳиш, ҳатто асарни ўқиган китобхон қалбида ҳам ниҳоясиз оғриқлар пайдо қиладиган, одамни даҳшатга туширадиган ушбу воқеалар рўй берган жамиятга нисбатан нафрат ҳосил қиладиган кўрғиликлардир.

3.3.§. “Қуёнлар салтанатининг шаҳаншоҳи” романи истиқлол даврида янгича дунёқарашнинг ўзига хос инъикоси сифатида.

2010 йилда Х.Тўхтабоевнинг навбатдаги саргузашт романи – “Қуёнлар салтанатининг шаҳаншоҳи” асари нашр қилинди. Асар сарлавҳасидан Х.Тўхтабоев яна бир ғаройиб саргузаштни ўйлаб топибди деган фикрга келиш ҳеч гап эмас. Ёзувчининг ўзи ҳам шу фикрга келган бўлса ажаб эмаски, асарнинг 2019 йилги нашрида роман номини “Ўн беш ёшли миллионер” деб ўзгартиради⁹⁵. Эндиги сарлавҳа янада эътиборга сазоворроқ: у беихтиёр “Ўн беш ёшли капитан”ни эсга солади. Аслида, сарлавҳада ҳам гап кўп бўлиб, у ҳатто ўз номланиши билан ҳам китобхон қизиқишини орттириши маълум ҳақиқатдир. Бироқ ушбу асар номи турли нашрларда ўзгаришга учраган бўлса-да, мазмунда ўзгариш йўқ.

Асар мутолаасига киришар экансиз, тобора ёзувчининг сарлавҳадаги ваъдаси бежиз эмаслигига ишончингиз ортиб бораверади. Х.Тўхтабоев бу асарида ҳам киндик қони тўкилган тупроққа садоқатини сақлаб қолган. Бировлар “Хонкелди”, бошқалар “Қўрғонча” деб атайдиган бу қишлоқ ҳам кўп жиҳатлари билан ёзувчининг аввалги асарларидаги қишлоқларга ўхшаб

⁹⁵ То'xtaboyev X. O'n besh yoshli milloner. – Toshkent: Ziyο nashr, 2019.

кетади, ҳатто қишлоқ марказида жойлашган мактаб директори ҳам эски танишимиз, “Ўзининг қайта-қайта таъкидлашича, шу мактабда эллик йилдан буён ишлайдиган” Азизов домла⁹⁶. Воқеалар тугуни ҳам Азизов домла ташаббуси билан рўй беради.

А.Расулов “Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги” романи ҳақида фикр билдирар экан, асарнинг бир камчилигини жиддий танқид қилиб: “Шу ўринда ёзувчи тутган йўлдаги бир норасоликни кўрсатиб ўтиш жоиз. “Ширин қовунлар мамлакати...” – болалар адабиёти намунаси, етакчи болалар ёзувчисининг пишиқ асари. Болалар адабиёти, болалар романими, демак, унда болалар ҳаракат қилиши, болалар руҳига яқин масалалар кўйилиши лозим... Нега Ақром атрофига икки-уч ўсмир қаҳрамонни кўйиш ёхуд Иблисдаги қонлар қаторига болалар оламининг иллатларини киритиш мумкин эмасди?” деган эди⁹⁷. Х.Тўхтабоев олимнинг ушбу фикри хусусида жиддий ўйлаб кўрган бўлса керакки, “Қуёнлар салтанати...”да асарнинг асосий қаҳрамонлари Эгамберди ва Каримберди деган йигитчалар ҳамда уларнинг ҳамқишлоқ тенгдошлари, синфдошлари. Бинобарин, воқеаларнинг асосий қисми ҳам улар иштирокида рўй беради.

Асар воқеалари ривожидан дастлаб мактаб директори, ўқувчилар тарбияси бўйича фикр-қарашлари эскича қолиб кетган, “ҳамма унга кулоқ солиши, гап қайтармаслиги, айтганини бажариши керак” деб ҳисоблайдиган, фақат яхши ўқийдиган болаларгина ҳаётда ўзи ўринларини топа оладиган инсон бўлиб етишадилар деб фикрлайдиган Азизов домла таъсирида рўй беради. У туман марказида ўтказилаётган ёш фермерлар ва тадбиркорлар савдо ярмаркасига қатнашиб, бирон нарса ўрганиб келиш учун йигирма ўқувчини танлар экан, яхши ўқимаса ҳам айти шу соҳага қизиқадиган, қуён боқувчи фермер бўлишни орзу қиладиган Эгамберди ва Каримбердини ўзининг назаридаги аввалги гуноҳлари учун ярмаркага юборишни истамайди. Ҳатто болаларни

⁹⁶ Тўхтабоев Х. Қуёнлар салтанатининг шаҳаншоҳи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б. 4 (ушбу манбадан олинган кейинги мисоллар саҳифаси кавсда кўрсатилади).

⁹⁷ Расулов А. Фаройиб салтанат / Дунёга танилган адиб. – Б. 50.

ярмаркага олиб бориши керак бўлган муаллима Ҳамидовани ҳам уларнинг ёнини олгани учун ярмаркага боришдан четлатади.

Ёзувчи шу ўринда бирор иш қилиши таъқиқланган бола, албатта, шу ишни қилишга интилишини, яъни бола психологиясини яхши билишини жуда ҳам асосли кўрсатган. Болаларни ярмаркага олиб борадиган автобус кетиб қолган, туман марказига бориш учун бошқа транспорт мавжуд бўлмаган шароитда Эгамберди ва Каримберди ўз катъиятларини кўрсатиб, иккита велосипед топадилар ва ярмарка бўлаётган жойга етиб борадилар.

Бошқалар нимани хоҳласа, ўшани томоша қилаверсин, Эгамбердининг жони-дили куён, у бир неча йил олдин куён боқиб бойиб кетган бир оила ҳақидаги мақола ва олти саҳифада турли-турфа куёнларнинг сурати босилган рус тилида чиқадиган бир журнални синф раҳбари Ҳамидова опайга олиб келиб, таржима қилиб беришини илтимос қилган, ҳатто қаерлардандир қидириб куён ҳам топган, бироқ бу иши оқибатида анча нохушликлар бўлиб, Азизов домла воқеалар сабабини холислик билан ўрганмагани учун у ноҳақдан ноҳақ ўғрига чиқарилган экан. Хуллас, Эгамберди билан Каримберди куёнлар ярмаркасини қидириб топадилар ва анча машмашалардан сўнг ўзлари миниб келган икки велосипедни гаровга қолдириб, пулини эртага келтириб бериш шarti билан икки катакдаги тўрттадан саккизта Украинадан келтирилган “Оқ паҳлавон” зотли куённи олиб кетадилар.

Бироқ улар уйларига борганларича ярмаркада бўлган тўполондан хабардор синфдошларидан лопчи Сапар Каримбердининг уйига, чақимчи Сурмахон Эгамбердининг уйига бориб, уларнинг ота-оналарини болаларига қарши қайраб қўядилар. Бу гаплар, бир қарашда, оддий ҳаёт ҳақиқатлари. Табиийки, беш бармоқ баравар бўлмаганидек, болалар ҳам табиатан ҳар хил бўладилар: бирови камгап, тўғрисўз, бирови маҳмадона, ёлғончи, бирови чақимчи ва ҳоказо. Ёзувчи ана шу оддий ҳаёт ҳақиқатларини эринмасдан

баён қилиш билан Эгамберди ва Каримбердининг кейинги саргузаштларига ишончли замин ҳозирлайди.

Хаёлот осмонида учиб, қалблари тўла шодлигу қувонч билан уйларига етиб келган икки ўсмир ота-она ғзабига учраб, қувғинга солинганларидан кейин қуёнлар солинган симтўрларни кўтариб, бош оққан томонга кетишдан бошқа иложлари қолмайди. Ёзувчи айтмоқчи: “Хонкелди қишлоғида уяли телефон хизмати унча ривожланган эмас... Аммо оғзаки телефон, худога шукур, шундай ривожланганки, ундан фойдаланиш шундай авж олганки, таърифларига сўз топа олмайсиз. Хушхабарми, шум ниятда айтилган хунук гапми кўз юмиб очгунча қишлоқнинг у чеккасидан бу чеккасига бориб етади. Эгамберди билан Каримбердининг савдо ярмаркасида кўрган-кечирганлари, ўша ерда бўлган машмашалар аллақачон уйларига ҳам қишлоқдаги энг чекка уйларга ҳам бориб етган эди. Энг ёмони, у ерда ўғирлик юз бергани йўқ эди, аммо оғиздан оғизга ўтган ясама гаплар бу икки айбсиз йигитчани ўғрига чиқариб қўйган эди” (“Қуёнлар салтанатининг шаҳаншоҳи”, 36-бет).

Дастлаб компьютерхонада бир кеча ётиб қолишни мўлжаллаган болаларни у ердаги туҳмат туфайли келиб чиққан жанжал оқибатида участка милиционери идорасига олиб бориб, бир хонага киритиб, эшикни қулфлайди-ю, ўзи қишлоқда бўлаётган тўйга кетиб қолади. Болаларга-ку, опа-сингил Фотима-Зухралар овқат олиб келиб берадилар, бироқ симтўрдаги қуёнлар оч қолган, шу сабабли ҳам йигитчаларнинг номига қулф солинган хонадан қочиб кетишдан бошқа иложлари йўқ. Йигитчалар ҳар қанча ўйласалар ҳам бир кеча тунаб қолиш учун масжидга, Каримберди айтмоқчи, Оллоҳнинг паноҳига боришдан бошқа маъқулроқ манзилни тополмайдилар. Масжид муаззини, илгари муаллим бўлган бобо намозхон Каримбердини жону дилидан яхши кўриши ҳам йўлни табиий равишда шу томонга бошлайди.

Шу ўринда яна бир нарсани қайд этиш керакки, ёзувчи ушбу асарида ҳам бир қанча милиционерлар образини яратади. Улардан бири савдо ярмаркаси бўлаётган жой бошлиғининг муовини бўлиб, пенсиядаги собиқ

милиция полковниги экан. Куён сотувчилар билан Каримберди ва Эгамберди ўртасида жанжал-тўполон бошланганда у Каримберди ва Эгамбердини ушлаб олиб кетмоқчи бўлган милиционерларни тўхтатиб қолиб, болаларни олиб қолади ва нима воқеа бўлганини синчковлик билан аниқлаб, сотувчи ва харидорларни келиштириб қўяди. Каримберди ва Эгамберди хазина топиб олиб, пулдор бўлиб кетганларидан кейин куён сотувчи болага пулни олиб бориб бермоқчи ва гаровга қолдирилган велосипедларини қайтариб олмоқчи бўлганларида шу персонаж сахнада яна бир марта пайдо бўлади ва куён сотувчи болалар қаерда яшашини уларга эринмасдан тушунтириб беради.

Роман воқеаларида кўпроқ иштирок этадиган иккинчи милиционер эса Каримберди ва Эгамберди яшайдиган қишлоқнинг участкавойи, лейтенант Фуркат Эркаев бўлиб, унинг образида ёзувчи ўз мансабидан фойдаланиб, хоҳлаган номаъқулчиликни қилишим мумкин деб ҳисоблайдиган кўпол табиатли, порахўрнинг салбий тимсолини яратган. Асардаги бу икки милиционер образи ҳақида бежиз тўхталмадик. Чунки Х.Тўхтабоевнинг аввалги асарларида, хусусан, “Сариқ девнинг ўлими”да ҳам Ҳошимжоннинг устози бўлмиш полковник Салимжон Отажоновнинг ниҳоятда тиниқ, умрини эл-юрт, халқ тинчлиги ва мол-мулкни асраш учун бағишлаган милиционерлиги билан ёш китобхон меҳр-муҳаббатини қозонган инсон образи яратилган эди.

Юқоридаги воқеалар кетма-кетлигининг ёзувчи томонидан бу қадар муфассал баён қилиниши бежиз эмас. Чунки бу тасвирлар, бир жиҳатдан, ҳар икки йигитча феъл-атворини, табиатини кўрсатишга, иккинчидан эса, кейинги воқеалар ривожини асослашга хизмат қилади. Романнинг гўёки кириш қисми бўлган ушбу воқеалар баёни орқали Каримбердининг эътиқоди поклиги, ҳалоллиги кўрсатиб берилади, у ноҳақликларга чидай олмай, баъзан муштлашишга, жанжаллашишгача бориб етса ҳам, аслида, кўнгли тоза йигит. Муаззин бобонинг “ниятларинг яхши, яхши ниятлиларга Оллоҳ йўл беради, мана бугун Оллоҳ сизларни яна бир синаб кўрибди, эй ўғилларим, бандаси

дунёга келибдики, ҳар куни синовда бўлади, синовдан ўтувчиларнинг нияти яхши бўлади, қалби тоза бўлади” деган гаплари ҳам бежиз эмас (“Қуёнлар салтанатининг шаҳаншоҳи”, 44-бет). Синчков китобхон бу тасвирларда Х.Тўхтабоев қалбининг тўрларида ярим асрлар яшириниб ётган, истиқлол шарофати билан тилга чиққан пок эътиқодли инсоннинг дил туғёнларини англаши тайин.

Масжидда тунаб қолингандан кейинги кунлардаги воқеалар, нотинчликлар йигитчаларни кескин қадам қўйишга мажбур қилади, улар “Келин бости” довонига қараб йўл оладилар. Эртақларда айтилганидек, уч кечаю уч кундуз машаққатли йўл босиб, “Эшон боғ” деган жойга етиб келадилар ва шу ерда боғнинг катта ҳовуздек келадиган, атрофида беҳад катта тошлар уйилиб ётган жойини танлайдилар.

Воқеаларнинг бундан кейинги ривожини “Эшон боғ” билан чамбарчас боғлиқ. Бу боғда бугунги кунда яшаётган Эшон аянинг бобокалонлари – Сайид Жалолхон эшон, Сайид Ҳодихон эшон, Сайид Ҳошимхон эшон ҳазратларининг оқ бўрдан тикланган қабрлари бор экан. Ёзувчи воқеалар ривожини учун бу жойини танлагани бежиз эмас. Чунки XX асрнинг 30 йилларида Эшон аянинг Эшон дадаларини қизил шапка кийган мелиса шу ердан олдига солиб олиб кетган, уруш авжига чиққан пайтда дастлаб тегирмончи эрлари ҳарбий батальонга жўнаб кетган, эндигина бири 16 ёшга, иккинчиси 15 ёшга кирган ўғиллари Анорвой ва Бўривойни милтиқли кишилар аскарга борасан деб судраб олиб кетган. Эшон ая шуларнинг хотираси билан яшайдилар, эрта-ю кеч уларнинг руҳларини эслаб, дуои фотиҳа қиладилар. Эртага мен кетсам Саид боболаримнинг қабрини ким супуриб-сидирар экан, авлодимиз чироғини ким ёқар экан деб ўйга толадилар.

Ушбу маҳзун тасвирлар бир замонлар ўзи ҳам худди шундай оғир кунларни бошидан кечирган, бу аламли кунлар хотираси қалбининг тўр-тўрларига яширинган ёзувчининг худди шундай аламли дил изҳорларидир.

Бу тасвирлар “Жаннати одамлар”да ёзувчининг оғир шахсий кечинмалари тарзида акс этган бўлса, “Қуёнлар мамлакати...”да шўролар замонида хонавайронликка, кафангадоликка, бегона юртларда сарсону саргардонликка маҳкум қилинган, қанчадан-қанчаларининг қабрлари ўзга юртларда қолиб кетган минглаб ҳамюртларимиз ачиқ кечинмаларидан бир лавҳа тарзида намоён бўлади. Демак, аввало, ушбу тасвирларнинг асар воқеалари ривождаги ўрни шунчаки йўл-йўлакай эмас. Кўплаб ёзувчилар асарларининг машҳур қаҳрамонлари ҳақида сўз юритганда “у – менман” деганларини эслайдиган бўлсак, ушбу тасвирларда ҳам муайян маънода Х.Тўхтабоевнинг ғам-аламларга тўла ёшлигини яна бир бора кўрамиз десак, хато бўлмаса керак.

Бундан ташқари, улуғлар руҳи доим беайб айбланганларнинг, ноҳақ хўрланганларнинг ёнини олиши, оғир кунларда уларни кўллаб-қувватлаши ҳам кўп боралаб синалган ҳақиқат. Демак, Каримберди ва Эгамбердининг “Эшон боғ”га келиб қолиши тасодифий бўлмай, улуғлар руҳи уларни шу ерга чақирган, уларнинг келажагини қуёнлар симтўрларини жойлаштириш учун қазилган чуқурдан чиққан тилла тангалару қимматбаҳо тақинчоқларга тўла сандиқча белгилаши ҳам ёзувчи томонидан ниҳоятда одилона ва ишонарли ҳал қилинган. Каримберди ва Эгамбердининг номлари ҳам шунга ишорадайд таассурот қолдиради. Чунки ҳар иккала номнинг ўзбекчадаги барчага тушунарли маъноси ҳам “Худойберди” бўлиб, уларга бу қадар кўз кўриб, кулоқ эшитмаган бойликни том маънода Яратганнинг ўзи инъом қилганига ёзувчи гўё ҳар бир сўзида ишора қилгандай бўлади.

Эшон аянинг бу кеча тонгга яқин туш кўриши, тушида адирларга қўй ҳайдаб кетган ўғиллари Анорвой ва Бўривой қўйлари тукқан икки кўзичоқни хурсанд бўлиб олиб келаётганлари ва итининг қаттиқ вовиллашидан уйғониб кетган аянинг этакларидан тишлаб тортқилаётган ит Эшон аяни боғнинг бир чеккасида қуёнлар солинган тўрваларини қучоқлаб ётган болалар олдида олиб бориши воқеалар ривожининг янги йўналишини белгилаб беради.

Эшон ая бедом-бедарак кетган икки ўғли ўрнига икки ўғиллик бўлади. Уларнинг яхши ният билан бошлаган ишларини қўллаб-қувватлаб дуо қилади. Эшон ая йигитчаларга ярим асрдан кўпроқ вақт “босмачилик” деб аталган бўлса-да, аслида, шўро ҳукуматига қарши ҳаракатнинг бошида турган қўрбошиларни қўллаб-қувватлаш, қурол-яроғ сотиб олиш учун халқ олтину кумушларини, қимматбаҳо тақинчоқларини йиғиб бергани, боққа йиғилган қўрбошилару уларнинг йигитлари хоинлик қурбони бўлганлари ва ўша пайтда йиғилган бойликлар ана шу сандиқчага солиниб, кўмиб қўйилгани билан боғлиқ хотираларини ҳикоя қилиб беради. Бугунги кун нуқтаи назаридан бу гапларда заррача ҳам уйдирма йўқ. Чунки Истиклол шарофати билан XX асрнинг 20-30-йилларидаги босмачилик ҳаракатининг асл мақсади нимадан иборат бўлгани ҳақидаги ҳақиқатлар рўёбга чиққани, ўша пайтда халқ шоирлари, бахшилар қўрбошилару улар йигитларининг шўролар ҳукуматига қарши омонсиз, тенгсиз курашлардаги қаҳрамонликлари ҳақида яратган дostonу термалар, қўшиқлар асл ҳолида тикланиб халқимизга етказилгани ҳам бугун барчага маълум. Ёзувчи эса ушбу ҳаёт ҳақиқатини бор ҳолича Эшон ая тилидан сўзлаш ва бир-икки қўшиқни эслаш билан ёш китобхон эътиборига ҳавола қилади.

“Қуёнлар салтанати...”даги воқеалар тизими, яъни қуён боқишга ишқибоз икки йигитчанинг газета-журналлардан қуёнлар турлари ва уларни кўпайтириш билан боғлиқ турли маълумотларни йиғиши, ҳар қандай қилиб бўлса-да, қуён боқиш, кўпайтириш, қуён фермаси ташкил қилиш ҳақидаги орзу-ниятлари ва унинг рўёби билан боғлиқ барча воқеа-ҳодисалар, аслини олганда, бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракатининг турли кўринишларини қўллаб-қувватлаш, айниқса, ёшларни қишлоқ хўжалиги соҳасидаги чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, қуёнчиликни ривожлантириш сингари фойдали меҳнат жараёнига жалб қилиш борасида олиб борилаётган улкан ташкилотчилик ишларини ёзувчи бундан ўн йиллар илгариёқ қўллаб-қувватлаганининг ёрқин далолатидир.

Шунингдек, ёзувчи бу тасвирлар билан мактаб таълими тизими мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида кун сайин рўй бераётган янгича карашлардан орқада қолиб кетганига танқидий муносабатини ҳам очик намоён қилади. Чунки мактабни тугаллаган юз минглаб ёшларнинг бир қисмигина олий ёки ўрта махсус таълим тизимида бирор-бир мутахассисликни эгаллаётган бўлса, қолган қисми уйда, кўчада қолиб кетаётгани ҳеч кимга сир эмас. Хўш, олий ўқув юртига ёки ўрта махсус таълим тизимига ўқишга киролмаган минг-минглаб йигит-қизлар энди нима қилиши керак?

Ушбу саволларга жавоб нуқтаи назаридан ёзувчининг “Қуёнлар мамлакати...”даги фикрлаш тарзи мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг бу борадаги улкан ташкилотчилик фаолиятларига тўла мувофиқ келади десак, хато бўлмаса керак. Кейинги беш йил мобайнида деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланишни истайдиган ёш йигит-қизларга фаолиятларини амалга ошириш учун ер майдонлари ажратиб берилиши чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ёки қуёнчилик билан шуғулланишни истайдиганлар учун барча шароитлар яратиб берилиши, муайян имтиёзлар жорий қилиниши юртбошимизнинг касб-хунарга иштиёқманд ёш авлодни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бахтли, фаровон келажакларини таъминлаш борасидаги улкан ташкилотчилик фаолиятлари самараси ўлароқ “Қуёнлар салтанати...”да илгари сурилган фикрларнинг амалий натижаси, яъни ёзувчининг узоқни кўра олиш истеъдодини яна бир бора тасдиқлайди.

“Қуёнлар салтанати...” романи яратилган пайтда ёшларнинг турли соҳалардаги тадбиркорлик фаолиятларини мамлакат миқёсида қўллаб-қувватлаш амалиёти мамлакат миқёсида ҳали у қадар ривожланмаганлиги ҳам маълум ҳақиқат. Шу сабабли ҳам ёзувчи Каримберди ва Эгамбердининг орзу-ниятларига эришишлари, қуёнчилик билан шуғулланишлари, синфдош ўртоқлари ва ҳамқишлоқларини ҳам қуён билан таъминлаб, ўз орзу-

ниятларидаги “Қуёнлар салтанати”, яъни кўплаб қуён фермаларини яратишлари, оталари ва меҳнаткаш, заҳматкаш, камбағал ҳамқишлоқларини кўллаб-қувватлашларига имконият яратиб бериш учун асарга қутилмаганда ер остидан тилла тангалар ва қимматбаҳо тақинчоқларга тўла сандиқча топиб олиш эпизодини киритади. Чунки ушбу йигитчалар фаолиятларини самарали давом эттиришлари, ўйлаган ниятларига эришишлари учун роман яратилган пайтда бундан бошқа имконият йўқ эди.

Эҳтимол, бойликларга тўла сандиқча топиб олиш эпизоди ҳаммани ҳам бирдай ишонтиравермас, биров сунъий ўйлаб топилган уйдирмага ўхшаб кетиши ҳам мумкиндир. Бироқ ҳаётда бундай воқеалар рўй бергани, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан шу сингари кўмиб қўйилган турли тарздаги бойликлар ва қурол-яроғлар топиб олингани маълум ҳақиқат бўлиб, аслида, ушбу воқеа тасвири мутлақо ўйлаб топилган уйдирма эмаслигини ҳам тасдиқлайди. Айни ўша XX асрнинг 20-30-йилларидаги миллий озодлик ҳаракатини кўллаб-қувватлаш учун халқ томонидан худди шундай фаолият олиб борилгани, яъни миллий озодлик ҳаракатида иштирок этаётган йигитларни қуроллантириш учун қурол-яроғ, боқиш учун озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун олтин-қумушлар тарзидаги моддий бойликлар ва қимматбаҳо тақинчоқларни йиғиш ҳаракатлари ҳақида кўплаб маълумотлар бугунги кунда босқинчилик ҳақидаги уйдирма эмас, балки асл ҳақиқат тарзида маълум бўлиб, топиб олинган турли жиҳозлар музейлар экспонатларидан ҳам муносиб ўрин эгаллаган. Демак бу ўринда ҳам ёзувчи ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантира олиш маҳоратини яна бир бор ишонарли тарзда намоён қила олган дейиш мумкин.

Учинчи боб бўйича хулосалар:

1. “Ширин қовунлар мамлакати” романида Х.Тўхтабоев халқ оғзаки ижодидаги сеҳрли эртак сюжетида унумли фойдаланган ва сеҳрли қалпоқчани қайта жонлантирган ҳолда Акбарнинг Қовунлар, Тарвузлар ва

Ҳандалаклар шахрига фантастик саёҳати тасвири орқали ўзбек болалар адабиётида сеҳрли-фантастик жанрнинг янги йўналишини яратди.

2. Акбарнинг хид билиш қобилияти ниҳоятда ажралиб турадиган бурни ёрдамида амалга оширилган саргузаштлар бу жанрдаги асарларни янги сеҳрли элемент, яъни сеҳрли бурун элементи билан бойитди.

3. Тўхтабоев бу асарида ҳам фелъетончилик фаолияти мобайнида йиғилган кўплаб материалларга таянган ҳолда ижтимоий ҳаётдаги камчиликларни йўқ қилишдек хайрли фаолиятига содиқ қолди.

4. “Мунгли кўзлар” романи ҳам саргузашт асар ҳисобланса-да, ушбу асар реалистик йўналишда яратилганлиги билан, ўзбек болалар адабиётида соф реалистик йўналишдаги ижтимоийлиги билан ажралиб туради.

5. “Мунгли кўзлар” романида носоғлом турмуш тарзи туфайли бир оила бошига тушган кўргуликлар, айниқса, фарзандлар қалбида ўчмас жароҳатлар қолдиргани ижтимоий ҳаётда урчиб кетган порахўрликлар оқибатларининг ниҳоятда ишонарли тасвирлари билан ўзбек болалар романчилигида янги саҳифа бўлди.

6. “Қуёнлар салтанатининг шаҳаншоҳи” саргузашт-романи ёзувчи ижодида мутлақо янги йўналиш сифатида намоён бўлди. Истиқлол шарофати билан нафақат ижтимоий ҳаётда, балки ҳар бир киши онгида рўй бераётган ҳаётга янгича қараш тасвири нуқтаи назаридан асар ўзбек болалар адабиётига тоза ҳаво олиб кирди, айниқса, ёш авлод дунёқарашида юзага келган тадбиркорлик фаолиятига муносабат нуқтаи назаридан роман айна вақтида ёзилган керакли асар эканини кўрсатди.

7. “Қуёнлар салтанатининг шаҳаншоҳи” асарида Эгамберди ва Каримбердининг қуёнчилик билан шуғулланиш орзусини амалга ошириш йўлидаги сабот-матонат билан изланишлари уларнинг шунчаки кутилмаган бойликка эга бўлишлари натижаси эмас, балки пок эътиқод билан ишга киришганларининг мукофоти сифатида тасвирланиши ёш авлод маънавий камолотига хизмат қилиши билан ибратлидир.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Худойберди Тўхтабоев ярим асрдан ортиқ давр мобайнида яратган ўндан ортиқ романларнинг ўзбек болалар адабиётида романчиликнинг саргузашт-фантастика ҳамда саргузашт-роман сингари янги йўналишлари ва ниҳоятда ранг-баранг сюжетлар оламини яратиш борасидаги ўрнини белгилашга йўналтирилган изланишлар натижасида қуйидаги умумлашма хулосаларга келинди:

1. Х.Тўхтабоевнинг кейинги ярим асрдан ортиқроқ вақт мобайнида яратилган романлари ўзбек болалар романчилигида саргузашт-роман ва саргузашт-фантастик роман йўналишига асос солган. Ёзувчи саргузашт-фантастик роман йўналишида яратилган “Сариқ дев...” туркумидаги романлари ва “Ширин қовунлар мамлакатиди” романи билан ўзбек болалар адабиётида муайян йўналишдаги туркум романлар яратиш анъанасини бошлаб берди.

2. Х.Тўхтабоев романларида бир қатор сайёр образлар учраши ёзувчи ижодининг ўзига хосликларидан бўлиб, улар турли асарларда янгидан янги жиҳатлари билан намоён бўлади. Жумладан, “Сариқ дев...”даги эпизодик образ бўлмиш Акром “Ширин қовунлар мамлакатиди” асарида етакчи образ сифатида воқеалар ривожиди марказий ўрин тутди. “Сариқ дев...”даги мактаб директори – Отажон Азизов “Қуёнлар салтанати...”да яна мактаб директори тарзида намоён бўлади. Лекин у аввалги асарда ижобий образ сифатида кўзга ташланса, кейингисида нисбатан салбий образ тариқасида талқин қилинади.

3. Х.Тўхтабоевнинг ижодий камолоти асардан асарга ўсиб бориши кейинги даврда яратган асарларида олдинроқ ижтимоий тузум тақозоси билан йўл қўйган баъзи камчиликларини тузатишида кўзга яққол ташланади. Масалан, у “Сариқ дев...”да Шўро тузуми сиёсати манфаатларидан келиб чиқиб, баъзи ўринларда муайян даражада диний маҳдудликка йўл қўйган

бўлса, “Жаннати одамлар”да эътиқоди пок оилада тарбия топган инсон сифатида диний қадриятларимизни улуғлайди.

4. Х.Тўхтабоев тарихий романлар яратиш борасида ҳам узвийлик, изчилликка асосланган ҳолда ижод қилган. Масалан, “Қасоскорнинг олтин боши”да XX аср бошларида Чор Россияси босқинчиларига қарши халқ харакатига бошчилик қилган тарихий шахс Намоз Пиримқуловнинг том маънодаги ижобий образини яратган бўлса, “Жаннати одамлар”да XXасрнинг 30-йилларида халқимиз бошига даҳшатли кулфат ёғдирган “қулоқ қилиш” сиёсатининг каттол қиёфасини яратади, “Беш болали йигитча”да эса Иккинчи жаҳон урушининг орқа томонида қанчалик азоб-укубатларга дучор бўлганлар тимсолини ота-онасидан ажралган ва оила чироғини ўчирмасдан, укаларини бу кўргуликлардан омон-эсон олиб чиқишга эришган Орифжон образини яратиш билан қаҳрамонлик ёш танламаслигини исботлайди.

5. “Мунгли кўзлар” романида Х.Тўхтабоев реалистик тасвирда ҳам ўзига хос санъаткор эканлигини кўрсатади. У узок муддатлик фелъетончилик фаолияти мобайнида кўплаб марта дуч келгани ва тинимсиз курашгани – ижтимоий ҳаётдаги қанчадан қанча ноҳақликлар, савдо ходимлари ва амалдорлар томонидан ўз ғаразли манфаатларини кўзлаб сунъий равишда ташкил қилинган етишмовчиликлар оқибати бўлмиш порахўрликлар ва ҳаром-харишдан ҳазар қилмаслик касофати ўлароқ бир оиланинг таг-тугидан йўқ бўлиб кетишини тасвирлар экан, ўзининг бу ҳодисаларга очик салбий муносабатини ҳам ошкор намоён қилади.

6. “Қуёнлар мамлакати...” романида Х.Тўхтабоев бадий маҳорати бир жиҳатдан, истиқлол шарофати билан миллий ва диний қадриятларимиз тикланишининг ўзига хос олқиши тариқасида намоён бўлса, иккинчи томондан, мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган тадбиркорлик ва унда ёшлар иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сиёсатига ўз вақтида қайтарилган оқилона жавоб ҳамдир.

7. Ёзувчи асарларининг қаҳрамонлар галереяси ниҳоятда ранг-баранг. Уларнинг ижодий эволюцияси ҳам ҳар бир асар мақсадидан келиб чиқади. Масалан, “Сариқ дев...”даги Ҳошимжон таълим олишни унчалик хоҳламайдиган бешинчи синф ўқувчилигидан мактабни тугатиб сартарошлик касбини эгаллаган ўсмир ва мустақил ҳаёт йўлини белгилай олган милиция сержанти даражасигача кўтарилади, яъни унинг бир қадар узок муддатлик ҳаёт йўлини ёзувчи анча муфассал қаламга олади. Лекин асар воқеалари ривож тасвири учун қанча муддат ажратилганидан қатъи назар, бошқа асарлар қаҳрамонлари, айниқса, бош қаҳрамонлар қиёфаси ўз характер йўналишига кўра нисбатан мукамал яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

8. Ҳар бир асар қаҳрамонлари орасида ёшлар – мактаб ўқувчиларини ҳам, ота-оналар, бобо-бувилар ҳамда турли касб эгалари бўлмиш бошқа қанчадан-қанча ёши катта инсонларни ҳам учратиш мумкин. Уларнинг кўпчилиги, бир қарашда, эпизодик образлар бўлса-да, ёзувчи бадиий маҳорати асарда бир-икки ўринда учраб, шу билан саҳнадан чиқиб кетадиган эпизодик образ қиёфасини ҳам унинг бир-икки характерли сўзи ва хатти-ҳаракати орқали эсдан чиқмайдиган қилиб яратишида намоён бўлади.

9. Х.Тўхтабоев асарлари яратилиш даврига кўра гуруҳлаштирилса, уларда ёзувчи ижодий эволюцияси даврма-давр такомиллашиб боргани кўзга яққол ташланади. Ҳатто, аслини олганда, улар мавзуй жиҳатдан бир эмас, бир нечалаб монографик изланишларга манба бўлиб хизмат қила олади. Бир қарашда диссертацияда ёзувчи романлари гўёки мавзулар нуқтаи назаридан таҳлил қилинганга ўхшаб кўринса-да, аслини олганда, муайян мавзулардаги асарларнинг кетма-кет таҳлил қилиниши ва қиёсланиши ёзувчи ижодий эволюциясини кузатиш ва даврлаштиришга имкон беради. Чунки ишда 3 асосий бобга жамланган материаллар ўзбек болалар адабиёти романчилиги тараққиётини саргузашт, саргузашт-фантастик, детектив, тарихий ва биографик элементлар устуворлик қиладиган йўналишлар тарзида умумлаштириш имкониятини ҳам яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. ИЖТИМОЙИЙ-СИЁСИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ҳамда шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.78.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 360 б.

3. Мирзиёев Ш.Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир (Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан учрашувдаги маъруза) // Халқ сўзи, 2017, 4 август.

II. ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АДАБИЁТЛАР

4. Адабиёт. Бадиият. Абадият. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – 234 б.

5. Алиев А. Маънавият, қадрият ва бадиият. – Тошкент: Академия, 2000. – 630 б.

6. Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – 149 б.

7. Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Тошкент: Маънавият, 2001. – 69 б.

8. Болалар адабиёти ва замонавийлик. – Тошкент: Фан, 1981. – 212 б.

9. Болалар адабиёти: ижодий-услубий изланишлар. – Тошкент, 2009.

10. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 560 б.

11. Борев Ю. Эстетика. Изд. 3. – М.: Политиздат. 1980. – 399 с.

12. Болтабоев Ҳ. Қатағон қилинган илм. – Тошкент: Хазина, 1996. – 120 б.

13. Дунёга танилган адиб. Худойберди Тўхтабоев замондошлари наздида. Тўплаб, нашрга тайёрловчилар: Санобар Тўхтабоева, Мирпўлат Мирзаев; масъул муҳаррир Ҳ.Болтабоев. Тошкент: Мумтоз сўз, 2012, 212 б.
14. Жўрақулов У. Худудсиз жилва. –Тошкент: Фан, 2006. – 203 б.
15. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2015. – 356 б.
16. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – 158 б.
17. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 152 б.
18. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – 546 б.
19. Каримов Б. Қодирий кадри. – Тошкент: Халқ мероси, 2002. – 84 б.
20. Каримов Б. Янгиланиш соғинчи. – Тошкент: Адабиёт жамғармаси, 2004.– 79 б.
21. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. Биринчи китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 533 б.
22. Каримов Ҳ. Истиқлол даври насри. – Тошкент: Зарқалам, 2007. – 96 б.
23. Каримов Ҳ. Ўзбек романларининг тараққиёт тамойиллари. – Тошкент: Миллий кутубхона, 2008. – 122 б.
24. Қаҳрамонов Қ. Адабий танқид ва ўзбек болалар адабиёти. – Тошкент: Фан, 1991. – Б.120.
25. Қўшжонов М, Норматов У. Маҳорат сирлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1968.
26. Қўшжонов М. Ўзига хос ижод йўли. – Тошкент: Ёш гвардия, 1982.
27. Мирвалиев С. Ўзбек романи. (Жанр манбалари ва унинг ташкил топиши). – Тошкент: Фан, 1969. – 313 б.
28. Мирвалиев С., Шокирова Р. Ўзбек адиблари. Тошкент: Фан, 2007. – 270 б.

29. Мустақиллик даври адабиёти. – Тошкент: Нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – 287 б.
30. Мирқосимова М., Рустамова М. Жанр ва маҳорат. – Тошкент: Миллий кутубхона, 2007. – 69 б.
31. Называть вещи своими именами. – М.: Прогресс, 1986. – 638 с.
32. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 109 б.
33. Норматов У. Тафаккур ёғдуси. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 119 б.
34. Норматов У. Устоз ибрати. – Тошкент: Миллий кутубхона, 2007. – 126 б.
35. Норматов У. Ижод сеҳри. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 351 б.
36. Норматов У. Нафосат гурунглари. – Тошкент: Муҳаррир, 2010. – 385б.
37. Норматов У. Саргузашт сардори. – Тошкент: Адиб, 2012.
38. Шермухамедов П. Руҳий олам кўзгуси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1971.
39. Шермухамедов П., Турсунов Ж., Сафаров О., Эгамов Х. Ўзбек болалар адабиёти. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – Б.13.
40. Шермухамедов П. Истеъдод сеҳри. – Тошкент: Ёш гвардия, 1977. – Б. 59-60.
41. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. – Тошкент: Фан, 2006. – 231 б.
42. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 334 б.
43. Расулов А. Бетакрор ўзлик. – Тошкент: Мумтоз сшз, 2009. – 286 б.
44. Раҳимжонов Н. Бадиий асар биографияси. – Тошкент: Фан, 2008. – 261 б.
45. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004. – 127 б.
46. Солижонов Й. Нутқ ва услуб. – Тошкент: Чўлпон, 2002. – 128 б.

47. Тўраев Д. Ўзбек романларида бадий тафаккур ва маҳорат муаммоси. – Тошкент: Университет, 2001. – 166 б.
48. Умутов Х. Таҳлил санъати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. – 143 б.
49. Умутов Х. Ўзбек романчилигида бадий психологизм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – 46 б.
50. Умутов Х. Бадий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. – Тошкент: Фан, 1983. – 146 б.
51. Умутов Х. Қаҳрамоннинг маънавий олами ва эпиклик. – Тошкент: Фан, 1995. – 46 б.
52. Улугов А. Асл асарлар сеҳри. – Тошкент: Нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – 157 б.
53. Фалсафа (қомусий луғат). – Тошкент: Шарқ, 2004. – 495 б.
54. Философский словарь. – М.: Политиздат, 1980. – 445 с.
55. Хализев В.Е. Теория литературы. Изд. 3. – М.: Высшая школа, 2002. – 437 с.
56. Холмуродов А. Роман ва руҳият. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1999. – 94 б.
57. Худойбергандов Н. Ишонч. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – 247 б.
58. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 237 б.
59. Шодиев Н. Руҳият рассоми. – Тошкент: Фан, 1977. – 48 б.
60. Қаршибой М. Талотўздан уйғунлик сари. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 79 б.
61. Қуроноф Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Халқ мероси, 2004. – 222 б.
62. Қуроноф Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент: Фан, 2008. – 275 б.

63. Қўшжонов М. Дийдор. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 136 б.
64. Қўчқоров Р. Мен билан мунозара қилсангиз... – Тошкент: Маънавият, 1998. – 94 б.
65. Қўчқорова М. Бадиий сўз ва руҳият манзаралари. – Тошкент. Муҳаррир, 2011. – 232 б.
66. Ғафуров И. Дил эркинлиги. – Тошкент: Маънавият, 1998. –150 б.
67. Ғафуров И. Ҳаё – халоскор. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 383 б.
68. Ғарб фалсафаси. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 718 б.
69. Ўзбек адабий танқиди: (антология). Тузувчи ва нашрга тайёрловчи Б.Каримов. – Тошкент: ТУРОН – ИҚБОЛ, 2011, -544 б.
70. Ҳозирги ўзбек адабиётининг миллий ўзига хослиги. – Тошкент: Фан, 1984. – 199 б.
71. Ҳозирги адабий жараённинг актуал проблемалари. – Тошкент: Фан, 1984. – 166 б.
72. Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 198 б.
73. Ҳамдамов У. Янгиланиш эҳтиёжи. – Тошкент: Фан, 2007. – 196 б.

III. ИЛМИЙ ТЎПЛАМ, ЖУРНАЛ ВА ГАЗЕТАЛАРДАГИ МАҚОЛАЛАР

74. Абдувахоб У. Кўнгил наъматаги // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1997. – №4. – Б. 3-6.
75. Акрамов Б. Руҳият мусаввири // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1994. – №12. – Б. 147-150.
76. Дўстмуҳаммад Х. Концепцияни янгилаш учун... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1990. – 16 февраль.
77. Дўстмуҳаммад Х. Тавбадан тозаришгача... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1990. – 13 март.
78. Дўстмуҳаммад Х. Истиқлол ва адабиёт // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1993. – 6 август.

79. Ёқубов И. Ўзбек романининг маънавий-психологик асослари // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2011. №4.- Б.109-119.
80. Жаббор А. Ўз даврининг машҳур асари // Ёшлик. – Тошкент, 1990. – №11. – Б. 74-78.
81. Жўрақулов У. Асл адабиётнинг нашъу намози // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2000. – 27 октябрь.
82. Йўлдошев Қ. Роман ва бугунги ўзбек романчилиги // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2011. №4. – Б. 131-136.
83. Йўлдошев Қ. Замонавий ўзбек насри ёки эсселашган тафаккур // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2011. № 7-8. – Б.4 3-66.
84. Мадаев О. “Ширин қовунлар мамлакати”даги аччиқ ҳақиқат / Х.Тўхтабоев. “Ширин қовунлар мамлакати” романига сўнгсўз. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – Б. 280.
85. Мамажонов С. Ҳаққонийлик ва услубий ранг-баранглик учун // Ўзбек тили ва адабиёти, 1979. 4-сон. – Б. 58.
86. Матчонов С. Мактабда болалар адабиётини синфдан ташқари ўқиш. – Тошкент, 1980, 32-б.
87. Мирзаев Т. Янги мезонлар қандай бўлмоғи керак? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1995. – 3 март.
88. Назаров Б. Замон ва адабиёт // Ўқитувчилар газетаси. – Тошкент, 1990. – 22, 26, 29 сентябрь ва 3, 6 октябрь.
89. Назаров Б. Истиклол самараси / Жадиличлик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Тошкент: Университет, 1999. – Б. 4-5.
90. Назаров Д. Руҳиятнинг бетакрор тасвири // Тил ва адабиёт таълими, 2017, 8-сон. – Б. 34.
91. Норматов У. Болакай нигоҳидаги замон талотўплари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2012. 4 май.

92. Норматов У. Ўзбек болалар насри дарғаси // Тил ва адабиёт таълими, 2012. 8-сон. – Б. 124.
93. Норматов У. Илк тарихий саргузашт роман // Тил ва адабиёт таълими, 2017. 9-сон. – Б. 35.
94. Норматов У. Ҳақиқат тақозоси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1995. – 17 февраль.
95. Норматов У. Умидбахш тамойиллар // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2003. – №10-12. – Б. 181–189.
96. Норматов У. Бадиият кўзгусида миллат тақдири // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2011. -№3. – Б. 116-121.
97. Пардаева З. Бадиий тафаккур фалсафаси // Фан ва тараққиёт. – Тошкент: Минҳож, 2005. - Б. 10-15.
98. Раҳимжонов Н. Адабиётшуносликнинг янги босқичи // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2011. №5. – Б. 159-165.
99. Солижонов Й. XXI аср насри манзаралари (мавзу, муаммо ва ечим) // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2011. -№4. – Б. 147-157.
100. Турдиева К. Бола қалбининг руҳшуноси // Тил ва адабиёт таълими, 2017, 5-сон. – Б. 28.
101. Улуғов А. Адабий қаҳрамон қадри // Жаҳон адабиёти, 2015. 5-сон. – Б. 146.
102. Холбеков М. Етакчи жанрнинг тадрижий тамойиллари // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2011. №3. – Б. 122-131.
103. Шарафиддинов О. Адабиёт яшаса, миллат яшар // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1993. – № 9. – Б. 129–138.
104. Шарафиддинов О. Модернизм жўн ҳодиса эмас // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2002. – 7 июнь.
105. Қодиров Г. Маънавият, модернизм ва абсурд // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2004. – 26 март.

106. Қуронов Д. Роман ҳақида айрим мулоҳазалар // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2011.– № 5. – Б. 108–117.

107. Қўчқор Р. Қўш роман ва айрича карашлар // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1988. – № 3.

IV. ДИССЕРТАЦИЯ ВА АВТОРЕФЕРАТЛАР

108. Солижонов Й. XX асрнинг 80-90 йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси: Филол.фан. д-ри... дисс. –Тошкент, 2002. – 303 б.

109. Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (Қодирийшунослик асосида): Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2002. – 304 б.

110. Каримов Ҳ. Ҳозирги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепсияси: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1994.

111. Мирзаев И. Янгича тафаккур ва ҳозирги ўзбек насрининг таракқиёт йўллари: Филол. фан.номз... дисс. – Тошкент, 1991.

112. Пирназарова М. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар (О.Мухтор, Х.Дўстмуҳаммад, У.Ҳамдам, Т.Рустам романлари мисолида): Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 2005. – 132 б.

113. Якубов И. Мустақиллик даври романлари поэтикаси: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018.

114. Тулибаев Х. Ҳозирги ўзбек романчилигида бадиий услуб ва жанрий-композицион яхлитлик синтези. Фал. фанлари бўйича филол. фан. д-ри (PhD) ... дисс. автореф. –Тошкент, 2018.

V. БАДИИЙ АДАБИЁТЛАР

115. Тўхтабоев Х. Сарик девни миниб. Роман. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. - 240 б.

116. Тўхтабоев Х. Сарик девнинг ўлими. Роман. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 268 б.

117. Тўхтабоев Х. Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги. Эртақ-роман. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 336 б.
118. Тўхтабоев Х. Қасоскорнинг олтин боши. Роман. – Тошкент: Шарқ, 2009. – 400 б.
119. Тўхтабоев Х. Қуёнлар салтанати. Саргузашт роман. – Тошкент: Шарқ, 2010. – 240 б.
120. Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. Саргузашт роман. – Тошкент: Ўқитувчи, 2018. – 360 б.
121. Тўхтабоев Х. Мунгли кўзлар. Саргузашт роман. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 308 б.
122. Тўхтабоев Х. Қиз талашган ўсмирлар. Саргузашт роман. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 176 б.
123. Назир Ҳаким. Лочин қанотлари. Роман. Танланган асарлар. Беш томлик. III том. – Тошкент: Ёш гвардия, 1979. – 252 б.

VI. ИНТЕРНЕТ МАТЕРИАЛЛАРИ

124. <http://www.sharqyulduzi.uz>
125. <http://www.ulug'bekhamdam.uz>
126. <http://www.лгз.ру>
127. <http://www.куронов.народ.ру>
128. <http://www.uzaz.uz>
129. <http://www.literature.uz>
130. <http://www.ziyonet.uz>
131. <http://www.ziyouz.com>
132. <http://www.poulokoelo>